

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ХАЛҚҚА АЙТИНГ, МЕН АСЛО ЎЛГАНИМ ЙЎҚ..



ҲАМИД ОЛИМЖОН
ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ га
бағишланган илмий анжумани
МАТЕРИАЛАРИ
(12 март 2009 йил)
АНДИЖОН – 2009

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги*

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги
Андижон давлат университети*

ХАЛҚҚА АЙТИНГ, МЕН АСЛО ЎЛГАН ИМ ЙУҚ...

ҲАМИД ОЛИМЖОН

ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ га

*бағишланган ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг
илмий анжумани*

МАТЕРИАЛАРИ

(12 март 2009 йил)

АНДИЖОН – 2009

Ушбу тўплам Андижон давлат университети Илмий-техник кенгаши томонидан 2009 йил _____даги ____ - қарори билан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир: ф.ф.д. С. Мирзаева

**Таҳрир хайъати: З. Мамажонов
М. Шералиева,
К.Шаҳобов**

“КЕЧИР, ҚЎЁЛМАДИМ ШЕЪРИМДАН ҲАЙКАЛ...”

Ҳулкар Олимжонова, шоирнинг қизи

Мени аямнинг бу сатрлари анчадан бери ўйлантириб келади. Улар ўзидан кейин юзлаб бошқа сатрларни чорлаб, хотирага солиб етаклаб келаверади. Эслайман, ўқийман, ўзимда раддим ошади: наҳотки? Наҳотки ярим аср давомида қилган ишлари билан аямлар қоникмаган бўлса? Наҳотки қарз ҳисси, бурч туйғуси ўртаса, армон бўлиб, азоб берса?

Эсимда, бир кун раҳматли аямлар билан сўзлашиб ўтирибмиз. Гап янги чоп этилган ва, табиийки, биринчилардан бўлиб аямиз қўлларига етиб келган “Ойбегим менинг” китоби ҳақида. Оилаларимиз ниҳоятда яқин бўлгани учун Зарифа опа ёзаётган хотиралар ҳақида, қўйингки, у хонадонда бўлаётган ишлар, гаплардан хабардор Зулфия опа: “Ойбек домлага ҳавасим келади. Ёнларида Зарифа опадай шахс бўлган киши ниҳоятда бахтли экан” (Бу ўринда яшаб ўтилган узоқ умр, вояга етказилган фарзандлар, умуман, шодлик ва катта қийинчиликлар билан кечган умр назарда тутилмаган эди. Бу ҳақда аям 1970 йилда Ойбек домлага бағишланган “Қуёшли қалам” достонида ёзганлар). Йўқ, бу гал гап ижод, ёзилган, сақланаётган саҳифалар, “қуёшли қаламдан” тўкилган ҳар бир сатрга муносабат ҳақида эди.- Мана, Зарифа опа ҳаммасини кўз қорачиғидай асраб, сақлаб, тиклаб, нашрга тайёрлашга ёрдам бердилар. Зарифа опа меҳнатисиз домланинг йигирма жилдли асарлар тўпламини чиқариб бўлармиди?

Уй-музейни ташкил этишда ўзлари бош-қош бўлдилар. Мана энди хотира китоби чиқди. Бир киши бундан ортиғини қилолмас ҳам деб ўйлайман...”

Яна бир гал Кибриёхоним Қаҳҳорованинг “Чорак аср ҳамнафас” номли китобларини эслаб, шундай ҳамдардлик ва ҳамкорлик ҳақида сўзладилар.

“Мен эса даданг ҳақида бир китоб ёзмадим, ҳатто бир достонимни тугатолмай юрибман...” Чехралари, овозларида қанча афсус, алам борлигини тасаввур этиш осон эмас...

Мен юпатишга тушдим. “Аяжон, ундай деманг. Сизнинг шеърларингиз қайси китобдан кам? Йиллар давомида ёзган шеърларингиз туфайли дадамиз сиймоси, сатрлари одамлар

қалбила яшаб келаяпти-ку. Дадам ҳақида Сизнинг сатрларингиз билан сўзлаш мумкин-ку”.

Қаранг, ҳар баҳорни ярим аср давомида шеър билан қарши олишга одатланган аямиз ёзганларини дадамиз руҳи, хотирасисиз тасаввур қилиб бўлмаса ҳам, езибдилар:

Ярим аср қалам деҳқони бўлиб,
Кечир, қўёлмадим шеъримдан Ҳайкал!

Ростми? Шундай дейишга шоира ҳақлими? Хотираларни ўз ичига олган мақола ёки китобдан бу шеърларнинг салмоғи камми?

Шу саволларга жавоб топиб, кечиккан бўлсам ҳам аямнинг руҳларини тинчлантиришни бурчим деб билдим.

* * *

Икки шоирона, илҳоми жўш урган қалб энг гуллаган ёшлик чоғида учрашди. Улар баҳор, севги, бахт нашидасидан маст эдилар ва икки дил достони яратила бошлади. “Мафтунингман”, “Палак” шеърларининг лирик қаҳрамони

Сенинг ёдинг билан нафас олганим,
Номинг такрорлашга ўрганганим рост,

деб севгисини изҳор этади.

Лекин ҳаёт-ҳаёт экан. Бахтиёр севгини куйлаган соз совуқ ўлим ханжарига тегиб синади. 1944 йилнинг жазирама ёзи, фожиали кунларидан сўнг яна баҳор, Ҳамид Олимжон севиб куйлаган баҳор келади. Алам, ғам оғушида бўлган шоира қалбини чертиб, қўлига қалам тутқазади, гўзал шеър, “Баҳор келди сени сўроқлаб” шеъри туғилади:

Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.
Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам.

Шоира ижодига ўша йиллари кетаётган даҳшатли Иккинчи жаҳон уруши ташвишлари билан бир қаторда Ҳамид

Олимжоннинг фожиали тақдири севги, садоқат, вафо, сабр каби абадий мавзуларни олиб киради.

Ҳар баҳорни шеър билан кутиб олиш Зулфияга одат бўлди, дедик. Уларни бир тўплам қилиб кузатсангиз, бир қалбнинг бутун ҳаёти манзараси билан танишасиз.

Йиллар ўгди. 35 ёшида ҳаётдан кўз юмган шоир таваллудининг 50,60 йиллиги муносабати билан Жиззах ва Қаршида, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида Ҳамид Олимжонга ҳайкал қўйилди. Мактаблар, хўжаликлар, маданият масканларига шоир номи берилди.

Ана шундай маросимларнинг бирида шоира шеър ўқийди:

Бок, деб, қуёш, юлдуз, тоғ, далаларга,
Ўлим йиқитганин кўтарди халқи.
Энди мен ҳам фарзанд, невараларга
Кўрсата оламан тоғдай тик қадин.

Азиз ўқувчи! Сиз бу шеърларни тўлалигича шоира тўпламларидан топиб ўқишингиз мумкин. Бу сўзлар абадият ҳақида, “шуҳратни ўйламай тебранган қалам авлодга хизматдан толмаслиги” ҳақида. Халқимиз ўз куйчиларини эъзозлаб, номларини абадийлаштириб, ҳайкалларини кафтида кўтариб юрадиган халқ. Ҳамид Олимжон ҳайкаллари кейинчалик Фарғона ва Наманган, Сурхондарё ва Тошкент марказида қад кўтарди.

Мағрур кўтарилдинг бошокдай ўсиб,
Сен билан сафимиз яна зич, азим.
Мангулик-чун тақдир, шеъримни тутиб,
Халқингга ва Сенга қиламан таъзим...

Аям тўпламларини варақлашда давом этаман. “Кўрганмидинг кўзларимда ёш”, “Сенсиз”, “Ўрик гуллаганда”, “Излайман” каби шеърлар сатрлари дилни куйдиради, лекин барибир, асосий фикр-Ҳамид Олимжон шеъриятининг бош ғояси бўлган фикр-“Сени куйлайман, ҳаёт” давом этади, Ҳамид Олимжон сиймоси, руҳи доимо шоира қалбида бўлади:

Излайман!

Биламан, топмайман уни.
Зотан, ўзим уни қачон йўқотдим?
Фарзанд,
Набиралар туғилган куни,
Мен уни ҳар сафар Абадга топдим...

Тўрт-беш йилдан кейин Ҳамид Олимжоннинг 100 ёшга тўлгани нишонланади. Шоира сўзи билан айтганда, “орамизда уни мўйсафид кўрганларнинг билмам номини”, чунки ёшлик куйчиси бўлган шоир “мангу қолди ёшлик фаслида” ва ўтган йиллар давомида “неча жилд ва неча минглаб сатрдан” чиқиб тер тўкади, халқига йўлдош!

Не-не гўзал ёшликлар келар,
Умри боқий ҳаёт йўлида.
Ўшанда ҳам ўриклар гуллар,
Сен бўласан диллар тўрида.

Айтинг-чи, гўзал Ўзбекистонимиз тупроғида, кафтида қўйилган ҳайкаллар қаторида Зулфияхоним асарлари ҳам шоирга бир ҳайкал эмасми?!

ҲАМИД ОЛИМЖОН – МАНГУ БАРҲАЁТ

**Андижон давлат университети ректори,
биология фанлари доктори, профессор
Т.А. Мадумаров**

Муҳтарам анжуман қатнашчилари!

Бу йил шодлик ва бахт куйчиси, истеъдодли шоир ва драматург, олим, атоқли давлат ва жамоат арбоби Ҳамид Олимжон 100 ёшнинг юзини кўрган бўлар эди. Лекин Ҳамид Олимжон бунинг ярмини ҳам яшамади. Бевақт ўлим уни бор-йўғи ўттиз тўрт ёшида орамиздан олиб кетди.

Мана энди Ҳамид Олимжон таваллудининг 100 йиллиги арафасида у яшаб ўтган умрнинг ҳар йили, ойи, ҳатто кунини эслаб, унинг фақат халқ билан ҳамнафас яшаганига, ўзининг бор куч ва илҳомини адабиётимиз равнақиға баҳшида қилганига, унинг она-Ватани ва севимли ўзбек халқининг маданияти манфаатларидан ўзга манфаати бўлмаганига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз.

Атоқли шоирамиз Зулфиябегимнинг суюкли умр йўлдоши ва улуғ мураббийси Ҳамид Олимжонга бағишланган ўтли шеърлари ҳали-ҳануз миллион-милион қалбларни ларзага солиб келмоқда.

Давр билан бирга одим ташлаган Ҳамид Олимжоннинг “Кўклам” номли илк шеърый тўплами 1929 йилда босилиб чиқди. Шундан сўнг унинг “Олов сочлар”, “Ўлим ёвға”, “Пойға”, “Дарё кечаси”, “Чирчиқ соҳилларида”, “Бахт”, “Ойгул билан Бахтиёр”, “Зайнаб ва Омон”, “Семурғ” каби ўнлаб шеърый тўпламлари чоп этилди. Ҳамид Олимжоннинг “Муқанна” драмаси ҳозиргача драматургиямизнинг гултожи бўлиб келаётир. “Жиноят” драмаси эса замонавий мавзуда ёзилган. Шоирнинг “Ўзбекистон”, “Жангчи Турсун”, “Роксананинг кўз ёшлари” каби асарлари унинг номини жаҳонга танитди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ҳамид Олимжон ўзбек адабиётининг долзарб масалалари бўйича қатор илмий-танқидий асарлар яратди. Шу билан бирга, А.С.Пушкин, Л.Н.Толстой, М.Горький, В.Маяковский, А.Серафимович, Т.Шевченко, М.Лермонтов, Н.Островский, А.Корнейчук асарларини таржима қилди ва улар ҳақида мақолалар ёзди.

Ҳамид Олимжоннинг саъй-ҳаракати билан ўзбек халқ оғзаки ижодининг бебаҳо дурдона асари “Алпомиш” достони биринчи марта нашрга тайёрланиб сўз боши билан нашр этилди. У ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигини ўтказиш юбилейи қўмитасининг аъзоси сифатида буюк мутафаккир ва аллома, назм салтанатининг шоҳи бўлган улуғ шоир Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди юзасидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борди.

Ҳамид Олимжон 1939 йилдан то умрининг охиригача Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасига раҳбарлик қилди.

Ҳамид Олимжон бекиёс истеъдод соҳиби ва романтик шоир эди. Бу таъриф унинг публицистик ижодига ҳам тааллуқлидир. Бу романтик пафоснинг ғоявий негизи воқелигимиздаги шиддаткор ўзгаришлар, кишиларимиз характери ҳамда фаолиятидаги қаҳрамонлик намуналаридир. Бу, айниқса, унинг 30-йиллардаги одамларда ғайрат-ташаббуснинг уйғониши, илм-маърифатга чанқоқлик, янгилик куртакларига иштиёқ ва муҳаббат тароналари ифодаланган 30-йиллардаги ёпиқ публицистикасида яққол кўзга ташланади.

Ҳамид Олимжон ижодида катта ижтимоий мавзу ва ғоялар камраб олинганлиги унинг фикри нақадар теранлигидан, унинг чуқур фалсафий-ҳиссий тафаккурга эга ижодкор эканлигидан далолат беради. Шоир доимо ўзини Ватан фарзанди, Ватанни эса ўзиники деб билади. Ҳамид Олимжоннинг “Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман” номли машҳур мақоласида шундай сатрлар бор:

“Менинг халқим ўз кинидигининг қони тўкилган тупроқни ўз онасидай азиз кўради. Менинг халқим болалари кўмилган тупроқни ўпади, шу тупроқни нопок қилган одамни ўлдиради. Қадим ўзбек ботирлари узоқ сафарга кетганда доимо ўз ёнларида бир ҳовуч Ватан тупроғини олиб юрганлар... Бу бир ҳовуч тупроқ унга ўз ота-онасини, қариндошларини, халқини эслатган... У Ватанни қанча севса, ота-онасини қанча севса, ота-онадан, севимли ёрдан, қадрдон Ватандан нишон бўлган шу бир ҳовуч тупроқни ҳам шунча севган. Шу бир ҳовуч тупроқнинг кучи шунча зўр бўлганки, у сувсиз саҳролардан, қорли тоғлардан, ваҳший дарёлардан, ёввойи ўрмонлардан кўз очиб юмгунча ўта олган. Шу бир ҳовуч тупроқ уни ўтдан олиб ўтга ташлаган, лекин омон сақлаган. Ўқ унинг кўкрагини теша олмаган, қилич

танасини кеса олмаган, олов куйдира олмаган, зиндон чирита олмаган”.

Ҳа, Ватанга муҳаббати барқарор бўлган халқ қудратлидир. Ҳамид Олимжон таъкидлаган бир ҳовуч тупроқ образи ўзбек халқининг типик характери – ватанпарварлик хислатининг ёрқин намунаси эди.

Ҳамид Олимжонни баҳор ва бахт куйчиси деймиз. Бугун ўзбек халқи истиқлол шарофати туфайли баҳор ва бахтли турмушга, энг азиз ва энг улуғ неъмат бўлган мустақилликка эришди. Озод ва обод Ватанимизда мустақиллигимизнинг 18 йиллигига қизғин ҳозирлик кўриляётган ушбу файзиёб дамларда Ҳамид Олимжон таваллуд топган Жиззах шаҳри, шоир умргузаронлик қилган пойтахт шаҳаргина эмас, балки республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Ҳамид Олимжон таваллудининг 100 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Бизнинг бугунги анжуманимиз ана шу шонли сананинг бир дебочасидир.

Яна санокли кунлардан сўнг жаннатмакон диёримизга сўлим ва тароватли баҳор кириб келади. Шоир таъбири билан айтганда “Новдаларни безаб ғунчалар тонгда ҳаёт тотини” айтади.

Бахт ва баҳорни, ўзбек халқининг юксак фазилатларини куйлаган Ҳамид Олимжоннинг миллий ва умуминсоний ғоялар билан суғорилган асарлари давримизга ҳамоҳанг бўлиб, миллионлаб мухлислар қалбида садо бермоқда. Зеро шоир:

***Мен элимнинг тилагида яшайман,
Эрк деганнинг юрагида яшайман,-***

деб бежиз айтмаган эди.

Ҳа, Ҳамид Олимжон ва унинг ёниқ шеърляти мангу барҳаётдир.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ИЖОДИДА ФОЛЬКЛОРИЗМ

АДУ, Салимахон Мирзаева,
филология фанлари доктори
Махбуба Темирова, аспирант

XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб фольклор анъаналарига мурожаат этиш ўзбек адиб ва шоирлари ижодида ниҳоятда кучайди. Буларнинг энг олдинги сафида Ҳамид Олимжон борар эди. У Ҳамза, А.Қодирий анъаналарини давом эттириб, фольклордан озиқланишнинг ўзига хос йўлларидан борди. Шунинг учун унинг ижодий фаолиятида фольклор сюжетлари, қадимги ривоят ва афсоналарининг сеҳрли мотивларидан кўра қаҳрамонлик эпосининг маҳобатли руҳи, унинг муболағали тасвир усуллари, бадиий тасвир воситалари кўпроқ ўрин олганлиги кўзга ташланади.

Бахт ва шодлик куйчиси Ҳ.Олимжон ўзининг олийжаноб инсоний ғояларини фақат ўз шеърларидагина эмас, балки халқ эртакларининг ўлмас анъанавий сюжетларидан фойдаланиб яратган адабий эртакларида ҳам тарғиб ва ташвиқ қилди. Маълумки, “Ойгул билан Бахтиёр” достони “Маликаи Ҳуснобод” номли халқ эртагининг Ҳ.Олимжон томонидан ижодий қайта ишланиши асосида яратилган. Тадқиқотчи Р.Каримбобоева ушбу эртак билан поэманинг муштарак ва фарқли томонларини бир қадар кўрсатиб ўтади.¹ Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, Ҳ.Олимжон халқ ижодининг улкан билимдони сифатида “Маликаи Ҳуснобод” эртагининг сюжети ва композицияси билан чекланиб қолмай, ўз асарида халқ эртакларига хос бир қанча усулларидан ўринли фойдаланалади. Оқибатда, фольклорга хос мотив ва тафсиллар кучли фантастика ва эҳтирос билан тўйинган асар даражасига кўтарилди.

Улкан истеъдод эгаси Ҳ.Олимжон поэма-эртак сюжетини фольклорга хос муҳим қонуниятлардан ҳисобланган шартли учлик асосида яратади. Булар: воқеалар кечадиган уч маконда – Жамбил, Жаржон ва Сусанбил; Ойгулга ошиқ бўлганларнинг учталигида кўзга ташланади. Юзаки қаралса, кул Тарлон томонидан зиндондан яширинча қутқариб олиниб, сандиқда дарёга оқизиб юборилган Ойгулнинг Жаржон мамлакатадаги

¹ Каримбобоева Р. Ҳ.Олимжон ижодида фольклор// Ўзбек тили ва адабиёти. 1979. 5-сон, 11-13-бетлар.

саргузаштлари поэма сюжетини шунчаки кенгайтириш учун атайлаб киритилгандек туюлиши мумкин. Аммо бу нараса асарнинг ғоявий-бадий мазмуни талабларидан, энг муҳими, шартли учлик қонуниятига амал қилинган ҳолда қўлланилган. Чунки бош қаҳрамонни турли-туман синовлардан ўтказиш талаби ҳам шуни тақозо этади.

Поэма-эртақнинг экспозициясида реалистик тасвир шартлари билан йўғрилган индивидуал услубнинг халқ эртақларига хос бошланма билан қоришиб кетганлигининг гувоҳи бўламиз:

Жамбил деган томонда,
Жуда қадим замонда.
Қуллар исён қилдилар,
Жангга кириб қўшанлар,
Урчишиб ой-кунлар
Дунёни қон қилдилар.¹

Шоир тарихий ҳаракатда омманинг ҳал қилувчилик ролини бадий жихатдан эътироф этар экан, масалага диалектик нуқтаи назардан ёндашиб, қуллар исёнининг иштирокчи ва йўлбошчиларини таништириб ўтади. Кекса Дархон ва қизи Ойгул раҳбарлигидаги исён Золимхон томонидан шафқатсиз тарзда бостирилади. Бош қаҳрамон шоирнинг бадий-эстетик концепцияси талабига кўра муваффақиятсизликка учрайди. Бу мағлубият эса асардаги кейинги воқеалар ривожини таъминлайди.

Халқ эртагидаги бош қаҳрамон Ҳуснобод мамлакатга подшолик қилувчи отасининг зулми, адолатсизлиги сабабли саройдан қувилиб, оддий халқ вакиллари орасида ҳақиқий дўстларини топган бўлса, поэмадаги Ойгул золим хон тажовузидаги тасодиф туфайли омон қолади. Оч ва юпун маҳбус толеини тақдирдан кўриб, сандиқ ичида дарёда оқади.

Адиб Жаржон подшосини тасвирлар экан, феодал ҳукмдорга хос типик белгиларни топишга эришади. Чунки бундай ҳукмдорларнинг барчаси мол-дунёга, маишат ва бузуқликка, зулм ва зўравонликка маҳкум кимсалардан иборат.

¹ Ҳамид Олимжон. Мукамал асарлар тўплами. –Т.:1979, 107-бет. (Кейинги мисоллар шу нашрдан олинади-С.М.).

Шунинг учун Жаржон подшосининг сувда оқиб келган гўзални кўриб, ақли шошилиши, табиий. Ушбу ҳолатни шоир шундай тасвирлайди:

У чандон яқин келиб,
Еб қўйгудай тикилиб,
“Сен менга теккин” деди. . .
“Эру хотин бўлурмиз”(116-бет).

Озодлик ва покликка ошуфта Ойгул золим подшо ҳирсининг қурбонига айланишдан ўлимни афзал билиб, ўзини дарёга ташлайди. Бадиий шартлилик қонунияти қаҳрамон қисматига янги йўл очади, унинг келажаги учун янги тасодиф ҳозирлайди:

Балиқ қорнида шу он
Тебраниб у ён-бу ён.
Ойгул кўзини очди
Ва Бахтиёрни кўрди (110-бет).

Халқ келажакка, озодликка ва ҳақиқатга ишонади. Унинг ирода-хоҳиши ва орзу-нияти йўлида армонга айланган бахт ҳамда хўрлик ўз севгани билан яшаш амалга ошади. Тақдирнинг ғайритабиий синовларидан бардош билан ўтган Ойгул ўзи каби юраги пок йигит Бахтиёр билан қовушади.

Доно келин Ойгул Жайхун балиқ қорнидан топилган гавҳарлари эвазига оч ва юпун кишиларни боқади. Турли жойлардан оқиб кела бошлаган муҳтож кишиларни кийинтириб, Сусамбилни обод мамлакатга айлантиради. Хўрлик ва фаровонлик наъъасини кўрган халқ Ойгул ва Бахтиёр раҳбарлигида золим ва хасис Жамбил хони устига юриш бошлайди:

Жамбилнинг хон, беклари,
Қуён бўлиб қочдилар...
Эл туриб шу чоқ: “Ойгул!
Хонни ўлдир!-дедилар.
Бутун юрт ва барча эл,
Сендан ушбун тилар”.
Ойгул эл талабини,
Қилиб ўлдирди хонни (128-129-бетлар).

Халқ қаҳрамони – танти ва афкор. Шу боис у ўз душманини элнинг хоҳиш иродасига биноан ўлдиради. Қолаверса, бу тасвир эртак-поэма ёзилган йиллар руҳи ва талабига мос тушади.

Халқ достон ва эртакларига хос тасвир усули, ифода йўлларини яхши билган шоир асарни эртак руҳига монанд хотима билан якунлайди.

Ойгулдан жаҳон-жаҳон
Эл, барча рози бўлди,
Қалби шодликка тўлди.
Қирқ кечаю қирқ кундуз
Барча эркак, хотин-қиз
Ўйнаб байрам этдилар
Золим хонни йўқотиб,
Қайғуларини отиб,
Муродига етдилар (130-бет).

Ёзувчи тасвирлайди, эртакчи эса ҳикоя қилади. Шунга кўра фольклор асарларига реалистик ёзма адабиёт талабларини қўйиб бўлинганидек сўз санъатининг ҳар икки тури чатишмасидан юзага келган “Ойгул билан Бахтиёр” эртак-достонининг бадиий хусусиятларини ўрганиш ҳам алоҳида муносабатни талаб қилади. Масалан, қул Тарлон томонидан зиндондан Ойгулнинг озод қилиниши реалистик тасвир талаблари жиҳатидан ҳаёт ҳақиқатига зид бадиий нуқсон сифатида қаралиши мумкин. Аммо халқ ижодиётида бу нарса тўла оқланади. Чунки эртак эстетиканинг ижтимоий-тарихий воқелик ва ҳужжатлилик талаблари вужудга келишидан олдинроқ юзага келган жанрдир. Шу боис эртакчи қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари, унинг фаолиятига алоқадор бўлган икир-чикирларни асослаб ўтирмайди. Мана шу талабни яхши билган Ҳ.Олимжон асарнинг композицион яхлитлигига путур етказмаслик мақсадида эпик концепция изчиллигига халқ оммасининг позициясидан туриб ёндашади.

Эртак-поэмадаги воқеалар ривожда шоир эртакка хос бадиий шартлилик қонуниятига амал қилади. Ойгулнинг Жайхун балиқ ичидан тирик чиқиши, балиқ ичидан қимматбаҳо гавҳарларнинг топилиши, улар эвазига Сусамбил халқининг кучайиб, зулм ва истибдодга қарши бош кўтариши оғзаки бадиий сўз санъатининг шартлилик қонунияти намунаси бўла олади.

Автор нутқи халқ жонли тилига хос сифатлаш, жонлаштириш ҳамда ўхшатишларга бой. Масалан, сандиқ ичидан чиққан қаҳрамоннинг қадди-қоматини азим чинорга ўхшатади:

Сандиқдан бир жонивор
Қоматини кўтарди.
Чинордайин бўйи бор,
Одамга ўхшар эди (115-бет).

Ойгулни ютиб юборган Жайхун балиқнинг улканлигини шоир муболаға санъати орқали шундай тасвирлайди:

Ойгулни Жайхун балиқ
Олди-ю ютиб кетди.
Томоғидан қилчалик
Оп-осон ўтиб кетди (117-бет).

Хулоса қилиб айтганда, Ҳ.Олимжон халқ эртагининг сюжетиға ижодий ёндашиб, асардаги умуминсоний ғояларни, эртакка хос анъанавий шаклий-поэтик воситаларни индивидуал бадий тўқималар билан уйғунлаштира олган. Шоир “Ойгул билан Бахтиёр” эртак-достони орқали халқнинг бадий тафаккури элагидан ўтган эртак сюжети ва мотивларидан ижодий фойдаланиш имкониятлари кенглигини амалда исботлаб берди. Айни шу анъанани у 1939 йилда ёзган “Семурғ” (“Паризод ва Бунёд”) эртак-достонида ҳам муваффақиятли давом эттирди.

Ушбу эртак-достонда Ҳ.Олимжон халқ эртакларига хос сюжетни ўзгача талқинда акс эттиради. Меҳнаткаш халқ фарзанди Бунёд севги йўлида барча қийин шартларни бажаради, аммо подшонинг қизи Паризод ўз аҳдида тура олмайди. Эртак-достон севги йўлида алданган Бунёднинг подшо ва унинг бевафо қизини лаънатлаши билан якунланади.

“Семурғ ёки Паризод ва Бунёд” эртак-достони аниқ бирор эртак сюжети асосида яратилмаган. Шоир бу асарни халқ эртакларига хос мотив ва тафсилларни бетакрор бадий тўқима ипига тизиш орқали яратади. Диққат қилинса, Ҳ.Олимжон халқ эртаклари анъанавий унсурларини ижодий қайта идрок этиш учун саралаб олганлигининг шоҳиди бўласиз. Масалан, кекса подшо ҳамда унинг якка-ю ягона тантиқ қизи, куёвликка

даъвогарлар олдига мушкул шартларнинг қўйилиши, бу шартларнинг эса юқори табақага мансуб кишиларнинг фарзандлари томонидан эмас, балки халқ орасидан чиққан оддий кишилар томонидан бажарилиши фикримизни тасдиқлайди.

Шоирнинг бадиий маҳорати шунда намоён бўладики, эртак-поэма фольклорона руҳ билан индивидуал бадиий тўқима нисбати муайян қонуният воситасида уйғунлашади. Чунки ўзбек халқ эртаклари сирасида “Семурғ ёки Паризод ва Бунёд” номи билан аталадиган эртакнинг ўзи мавжуд эмас. Шу боис, асар эртакона бошланма билан эмас, балки реалистик асарларга хос экспозиция билан бошланади:

Сарв қомат Паризод,
Ўсди ғамлардан озод
Баҳор янглиғ очилди,
Гуллар каби сочилди (170-бет).

Ўжар қари қизи эрга тегилаётганидан кекса подшонинг номини ва Паризод томонидан куёвликка даъвогарлар олдига оғир шартларнинг қўйилиши эртак-достоннинг фольклорга хос эпик тугуни деб ҳисоблаш мумкин. Шоир томонидан бош қаҳрамонни таништириш – Бунёднинг “зўр чинорни йиқитмоққа” қодир эканлигига ишончсизлик билдириши фольклорда кенг тарқалган анъанавий мотивдир.

Маълумки, халқ ижодиётида акаларнинг кенжа укага, катта куёвларнинг кичик куёвга, одамларнинг кал, аҳмоқ ва умуман қаҳрамонга ишончсизлик билдириши халқ ижодида мудом давом этувчи барқарор қонуниятдир. Халқ ижодининг улкан билимдони Ҳ.Олимжон ана шу қонуниятдан ўз асарида жуда ўринли фойдаланади:

Ҳамма одам жим қолди,
Охир шуни айтдилар:
“Ёлғиз бир Бунёд қолди,
Ўша бир беот қолди,
У бир чўпон бечора,
Бу ишга топмас чора,
Паризодга тенг бўлмас,
Кийимига енг бўлмас.
Чинорга чиқолмас ҳам,
Чиқолмас, йиқолмас ҳам,” (176-бет).

Халқ ижодига хос фантастик мотивларнинг иштироки жиҳатдан қиёслаганда, шоир бу хилдаги мотивлардан “Ойгул билан Бахтиёр”га қараганда “Семурғ ёки Паризод ва Бунёд” асарида кўпроқ истифода этганлигининг гувоҳи бўламиз. Чунки биринчи эртақ-достонда ҳаёт ҳақиқатига зид келувчи фантастик тасвир асосан Ойгулни Жайхун балиғининг ютиб юбориши ва балиқнинг қорнидан тирик чиқиши билан кифояланади. “Семурғ ёки Паризод ва Бунёд” эртақ-достонида эса бундай фантастик тасвирларни бир неча ўринда учратиш мумкин. Айни шундай ўринларда шоир халқ эртақларига қараганда кўпроқ халқ достонларига хос тасвир усулларига амал қилади. Бу нарсани достондаги тулпорнинг парвози тасвирида кўриш ва қаноат қилиш мумкин:

От яшиндай қўзғалди,
Ўт сингари йўл олди.
Булутлар орасида,
Осмоннинг қорасида
У чинорга ўтирди,
Чинор томири билан,
Кўкарган ери билан
Қўпорилди гувиллаб (177-бет).

Бундан ташқари, Семурғ ҳамда одамхўр девнинг одамларга ўхшаб суҳбатлашиши каби фантастик тасвирлар халқ эртақлари ва достонларига хос анъанавий тасвир унсурлари асарда ўринли истифода этилган. Бу хилдаги бадиий компонентлар ижодкорнинг бой ҳаёлот ва ҳаётий кузатишлари билан омукталашган ҳолда эртақ-поэмадаги бош ғояни юзага чиқаришга хизмат қилдирилган.

Мазкур эртақ-поэмада мардлик ва ҳалолликни улуғлаш, ёвузлик ва мунофиқликни қоралаш юқорида айтилган фольклор мотивлари воситасида ёрқин ифодаланган, энг муҳими, эртақ-поэмани ўқимишли ҳамда севимли асарга айлантирган. Ўқувчи аҳдига хиёнаткор, ўзгалар меҳнати ҳисобига кун кўрувчилар табиатидаги иллатлар типик ҳол эканлигини чуқур англаб етади, Бунёднинг қайтишини кутмай такаббурлик қилган Паризоднинг куйидаги сўзларидан нафратланади:

Чўпонни севолмадим,
Қанча ботир бўлсанг ҳам,

Зўр баҳодир бўлсанг ҳам.
Тўшагинг хас деб билдим,
Аслингни паст деб билдим (193-бет).

Хулоса қилиб айтганда, “Семурғ ёки Паризод ва Бунёд” асари Ҳ.Олимжоннинг ўзбек поэмачилигида фольклор анъаналаридан фойдаланилган гўзал асарларидан бири деб ҳисоблашга лойиқ.

Агар диққат қилинса, эртак-достонда фольклор асарларига хос анъанавий ечим кўзга ташланмайди. Бизнингча, шоир бу асарини халқона сюжетни ўша пайтларда мавжуд бўлган ҳукмрон мафкура, адабиётнинг синфийлиги ҳақидаги қарашлар таъсирида ёзган. Ҳукмрон табақа вакилларида одамийлик, севгида садоқат йўқлиги ҳақидаги қарашлар айна шу эртак-достонда ўз ифодасини топган. Бундай талқин асар ёзилган давр учун, ҳукмрон мафкура табақалари учун мос эди. Нима бўлганда ҳам шоир бутун ижоди давомида халқ ижоди анъаналаридан ижодий фойдаланди. Чунки у фольклор анъаналарининг содиқ давомчиси ва тарғиботчиси эди.

“КУЙГАЙ”

Ҳотам Умуров, СамДУ профессори

а) Ҳазалнинг матни:

Гулойин:

1. Сўзингнинг шарпаси текканда олам боб, боб куйгай,
Денгизлар, дарёлар, ҳаттоки кўлларда ҳубоб куйгай.

Муқанна:

2. Камондек қошларинг, киприкларингдин ўқ отар доим,

Гулойин:

Сенинг ёдинг билан тинмай ҳама нозу итоб куйгай.

Муқанна:

3. Ёниб ишқингда қалбим кулга айланса ажаб эрмас,
Кўзинг осмонга тушганда ловуллаб офтоб куйгай.

Гулойин:

Олай тоқатни қайдин кўзларингга ҳеч қаролмайман,

Муқанна, Гулойин:

Тушубдир учқунинг бағримга гўёки китоб куйгай.

б) Ғазалнинг вазни:

Номланиши – рамали мусаммани солим

I рукн	II рукн	III рукн	IV рукн
фоилотун	фоилотун	фоилотун	фоилотун
- V - -	-V - -	- V - -	- V - -
Сўзингни шар	паси теккан	да олам боб	бооб куйгай
Денгизлар дар	ёлар хатто	ки қўлларда	хубоб куйгай

Ушбу жадвалдан кўринаяптики, ғазалнинг ҳар бир мисраси тўрт рукндан иборат. Ҳар бир рукн тўрт бўғиндан тузилган бўлиб, иккинчиси қисқа, қолганлари чўзиқ. Бу рукн “Фоилотун фоилотун фоилотун” шаклида ва оҳангида ўқилади, айна пайтда, ғазалдаги “Сў-зинг-ни шар-па-си тек-кан-да о-лам боб-бо-об куй-гай” мисрасидаги бўғинларнинг чўзиқ-қисқалиги ҳам шу оҳангга мосланади. Биринчи байт бир неча бор шу вазн оҳангига солиб ўқилгач, қолган байтларни ҳам рамали мусаммани солим вазнига мувофиқ ифодали ўқиш мумкин бўлади.

в) луғат ва изоҳлар:

Боб – 1. Эшик 2. Тўғрисида, ҳақида, масаласида. 3.Бўлим, қисм, парча. 4.Мувофиқ, муносиб мос; **камон** – камалак, ёй. **хубоб** – 1. Сув юзида пайдо бўладиган пуфакчалар. 2. Осмон гумбази. **Ноз** – 1. ноз, кибр, ифтихор. 2. тоза, янги нарсалар; **итоб** – қаҳр, ғазаб, қийноқ, машаққат, таъна. Ғазал “Муқанна” тарихий драмасининг учинчи парда, тўртинчи кўринишида жой олган.

г) Байтларнинг насрий баёни:

1. Секингина эшитилган сўзларингдан (овозингдан) олам парча-парча бўлиб куйгай.

Денгиз, дарёлар ва ҳаттоки қўллар юзида пайдо бўладиган пуфакчалар ҳам ёнгай.

2. Камалак (ёй) дек қошларинг, киприкларинг бирдай (доимо) мафтун қилади.

Сени ёдлаш (эслаш) билан тинмай ҳамма ишвалару маломатлар куйгай.

3. Сенинг ишқингда қалбим ёниб, кулга айланиши мумкин. Чунки кўзинг осмонга боқса ловуллаб офтоб куйгай.

4. Кўзларингга қарашга қаердан бардош (тўзим) излайин. Оловли муҳаббатингнинг учқуниёқ юрагимни китобдек куйдиргай.

д) Ғазал таҳлили:

“Муқанна” – тарихий драма ва у А.Фадеев таъкидлаганидек, ғоят зўр истеъдод билан ёзилган. Айниқса, унинг музыкали драма нусхаси устида шоир тинимсиз ишлаган. Арияларни, кўшиқларни шунчалик таъсирли ва мусиқий қилиб яратганки, улардан улуғвор характерларнинг қалб талпинишларини чуқур ҳис қиласиз, шоирона ифодасидан ҳайратга тушасиз. Биргина далил. Ҳ.Ҳидоятоннинг хотирлашича, 1943 йили Ҳамза театри (ҳозирги Миллий драматик театр)да “Муқанна” премьерасига республиканинг барча раҳбарлари хотинлари билан қатнашадилар. Биринчи қаторда ўтирган республиканинг биринчи раҳбари Усмон Юсупов драма ва актёрлар санъатидан руҳланиб, ҳаяжонланиб ўтиради. Томоша тугагач, 15 минутлар қарсақлар гулдуриси давом этади. Кутилмаганда Усмон Юсупов ўрнидан сакраб туриб, ёнида ўтирган Ҳамид Олимжонни кўлидан етаклаб, сахнага олиб чиқади. Уни даст кўтариб, ҳаяжон билан ҳайқиради: - Мана, мана ўзбек Шекспири! Зал яна гулдурос қарсақларга тўлади...

Ҳа, томошабинлар ҳам, актёрлар ҳам, Ҳамид Олимжон ҳам бундай ижодий ютуқдан, ҳамкорликдан, бағри бутунликдан, бирлашишдан, кўнгил-хушликдан гўё ёнадилар, ана шу ёнишнинг учқуни эса юқорида келтирилган “Куйгай”дир. У драмадаги икки асосий қаҳрамоннинг севгисини куйлайди. Уларнинг тўй кечасидаги оний бир ҳолатларини гавдалантиради.

Гулойин – мард, доно, жасур аёл. У фақат озодликка топинади ва Муқаннани – кўнгли истаган ёрини меҳр ила ардоқлайди, улуғлайди. Муқанна ўз навбатида араб босқинига қарши халқни озодликка чорлайди. Ўзини “озодлик худоси” деб эълон қилади. Гулойинни кўрса озори ҳам қолмайди, қоп-қора тундек кўнгли чароғон бўлади, харобати гулзорга айланади. Улар ўртасидаги муҳаббат-иккаласига ҳам қаноат беради, эзгулик, озодлик йўлидаги курашларига беҳисоб қудрат ва куч бахш этади.

Гулойин “Сен бир дунё, мен унда бир наҳрман (денгизман)” деса, Муқанна “Кўкаради дунё ўша наҳрдан” дейди. Гулойин

“Сен тенги йўқ боғбонсан бу чаманда” дея эъозласа, Муқанна “Шунинг учун мен сендаман, сен менда” дейди.

Гуё улар “Икки тану битта жон” бўлганларидан, улар қалбида оқувчи кечинмани ҳам, қўшиқни ҳам бўлиш (иккига ажратиш) мумкин эмас: севги солган оташ-оловли муҳаббатнинг учқуниёқ иккаласини ҳам куйдиради. Гулойин Муқаннанинг сўзларидан ёнса, уни эслаши биланоқ ҳамма ишваю маломатларни унутса, Муқанна унинг ишқида ёниб кулга айланишга тайёр. Бу муҳаббат тафтидан олам ҳам, офтоб ҳам, китоб ҳам куйгай... Фақат садоқатли ошиқларгина, бир-бири учун бахшида жонларгина бу оташдан куч олишлари мумкин. Гуё икки учқун бирлашиб олов бўлгани каби...

Ана шундай муҳаббатни, фидойиликни шоир диалог (дуэт) усули орқали жонлантиради ва ҳар бир киши қалбига, руҳига кирувчи гўзалликни, мусаффоликни, тиниқликни, садоқатни бахшида этади.

Шу ўринда яна бир ҳолатни қайд қилиш маъқулга ўхшайди. “Куйгай”ни ашула қилиб аytувчи якка хонандалар (Юнус Ражабий, Хуррият Исроилова, Ҳасан Ражабий...) кўп. Уларнинг талқинида ғазал муайян чирой очиши турган гап. Лекин у “Муқанна” тарихий драмасидагидек дуэт қилиб айтилсагина бутун борлигини кўрсатади, севишганлар қалбига ўзгача қутқу ва ишонч солади, иккала севишганнинг қалб уришидаги ҳамоҳангликни, ловуллаб ёнишни, озодлик руҳидан нур олган муҳаббат гулханини бус- бутунича воқе қилади.

Гарчи даврлар, тузумлар, авлодлар ўзгарган бўлса-да, Ҳамид Олимжондан қолган бундай бебаҳо мерос халқимизнинг маънавий улғайишида, озодлик ва одамийлик муҳаббатини “симириши”да хизматини аямай абадиятга дахлдорлигини сақлаб қолаверади.

ШОИР ВА ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАР

Тўра Нафасов, Қарши ДУ профессори

Ономастик бирликлар (ОБ) деганда антропоним (исм, фамилия, ота исм, тахаллус, нисба), топоним (жой номлари), теоним (илоҳий тушунчалар номлари), космоним (космос сайёралари ва улар билан боғлиқ тушунчалар номлари), зооним

(хайвонларга атаб қўйилган лақаб-номлар), ктематонимлар (инсоният томонидан яратилган моддий ва номоддий нарсалар, тушунчалар, ҳолатлар номлари) тушунилади. Шоир Ҳамид Олимжоннинг шеърий, насрий, илмий, драматик асарларида ОБларнинг барча турларига мансуб луғавий бирлик қўлланган. Шоирнинг бадиий маҳоратини намоён қилувчи мезон ва меъёрлардан бири ОБларнинг қўлланишидир.

Бадиий ижодкор ОБлар танлаш ва қўллашда эркин бўлади. Асар тури ва жанри, мавзу ва ғояси, мақсади ва мазмунига мос ОБлар қўллаши мумкин. ОБларнинг ҳаётда муқобили бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. “Ойгул билан Бахтиёр” эртақ-достонидаги ОБлар: “Тоҳир-Зухра”, “Ёрилтош”, “Ойгул-Бахтиёр – ктематоним; Жамбил, Жаржон, Сусамбил –топоним; Дархон, Ойгул, Бахтиёр, Тарлон – антропоним; Жайхун балиқ – зооним. Атиги 11 та ОБ мавжуд.

Эртақ-достондаги топонимлар асар тури ва жанридан келиб чиқиб танланган. Жамбил, Сусамбил номлари Гўрўғли туркумидаги эпик юрт Чамбил номига қиёсланган. Сусамбил номи азалдан ўзбек тилида эпик юрт (топоним) ва эртақ (ктематоним) номи мақомида мавжуд. Жамбил номи ҳам эртақларда зикр қилинган топоним. Чамбил – Жамбил – Сусамбил номлари фонологик, морфемик жиҳатдан бир-бирига дахлдор. Мифотопоним сифатида Жамбил, Сусамбил номларининг яратилишида Чамбил топоними асос бўлган.

Республиканинг Чироқчи, Шаҳрисабз, Ғузор, Қамаш ва бошқа туманларида Чамбил деган қишлоқлар кўп. Гўрўғли туркумидаги достонларда бу ном асосан Чамбил, баъзан Чамбилбел, Чамбел, Чанбел, Чанбил, Чамбил чортоқ, чортоқли Чамбил, Ченли бел, Шамлибел, Шамбил, Шамбел каби турли фонетик шаклларда учрайди. Қиёсланг: барча номлар таркибида чам/чан/чанг/ченг/шам ва бел/бил лексемалари мавжудлиги маълум бўлади. Достонларда бу ном ҳақида турли хил шарҳу талқинлар берилган. В.М.Жирмунский, Ҳ.Зарипов Ислом шоирнинг “Гулихиромон” достонидаги “Бир белнинг устига бир чам деган дарахт пайдо бўлиб, шу тўғридан Чамбил овозаси кетди” баёнига асосланиб Чамбил қарағайли довон, нинабаргли дарахтлар ўсган довон деб изоҳлаган¹. Шевашунос А.Ишаев шу талқинни лисоний далиллар билан асослаган: озарбайжон, турк, крим-татар, қарайим, чигатой, баъзи Доғистон тилларида қарағай

(сосна), арча (ель) дарахтининг чам/шам (чамагач/чамағач/шамағач/шамағбаж/шамағьеж) деб аталишини аниқлаган. Қиёсий лисоний далиллар асосида тоғнинг белида (тоғнинг икки чўққиси ўртасида) қарағай ўсган доvon тарзида шарҳлаган². Мазкур мулоҳазалар Гўрўғли асослаган мамлакат пойтахти, эпик шаҳар Чамбил номига нисбатан айtilган. Эпик, афсонавий Чамбил шаҳри номига нисбатан бу шарҳу талқинни изоҳ варианты сифатида қабул қилиш мумкин.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида ҳозир Чамбил деб аталган қишлоқлар номига бу изоҳ мос келмайди. Чамбил деган қишлоқлар ўрни чам (қарағай, арча) дарахти ўсган ёки ўсадиган жой эмас. Қадимги туркий номлар таркибида дарахт номлари йўқ ҳисоби. Зикрланган изоҳ эпик ва ҳозирги Чамбил номи шарҳининг бир намунаси деб қаралиши лозим.

Чам лексемаси ном таркибида товуш таркибини ўзгартирган. Ном таркибидаги чам лексемаси ернинг табиий тузилишини, шаклини, географик рельефини англатган. Ҳозирги ва қадимги шакли ўртасида номутаносиблик юзага келган. Туркий тилларда чўнг лексемаси юксак, улкан, катта, буюк, баланд маъноларини англатган³. Шу лексеманинг фонологик шакллари – чанг/чинг/чан/чин/чам/шанг/шинг/шан/шин. Жойнинг табиий белгисини билдирган шу лексемага бел/бил (довон, ошиб ўтиш мумкин бўлган тоғ, усти ясси, текис майдонли кўндаланг баландлик) лексемаси қўшилган: чўнг/чанг/чан/чам/чўн/чўм+бел/бил→Чўнгбел→Чунгбел→Чангбел→Чанбел→Чамбел→Чамбил – юксак доvon, катта бел, ёнидаги тоғ тизмаларига нисбатан кўндаланг жойлашган ва устида катта майдони бўлган бел (довон). Дастлаб кичик ва паст доvon номи бўлган, сўнг шу доvon устида қурилган қўрғон, шаҳар, қишлоқ номига айланган. Ҳозирги Чамбил қишлоқлари баландлик, кўндаланг чўзиқ, усти ясси майдонли дўнглик атрофида жойлашган.

Эпик Чамбил юрти ва ҳозирги Чамбил номлари лисоний жиҳатдан бир хил фонологик, морфемик ва лексик моддийликка эга. Шоир Ҳ.Олимжон асаридаги Жамбил мамлакати номи эпик Чамбил номига аналогия асосида яратилган. Чамбил – асос, бирламчи ном, Жамбил – ҳосила, иккиламчи ном. Номлар орасидаги фарқ: ч – ж фонемаларининг жарангсиз-жарангдошликда тафовутланиши. Халқ достонлари, эртак, ривоят

ва афсоналаридаги ОБ ларга хос бир хусусият шундаки, жой номлари ва киши исмлари тилда аввалдан маълум бўлган бир ОБга аналогия, ўхшатма қилиб янги ОБ яратилади: Туркистон – Торкистон, Сангар – Зангор. Сусамбил топонимининг яратилишига ҳам Чамбил эпик шаҳар номи асос бўлган: Чамбил → Самбил. Номнинг бош қисмида су/ суй сўзи қўшилган, маъноси – томон, йўналиш.

Шоир Ҳ.Олимжон яратган янги, эпик ОБлардан бири Жаржондир. “Жаржоннинг даласида, Дарёнинг ёқасида, Бир чол ўтин терарди, Доим шунда юрарди”. Жаржон – юрт, мамлакат номи. Матндаги мисралар мазмунига кўра Жаржон – аслда дарё номи. Бу ном Журжон номига ўхшатиб яратилган. Ўзбекистоннинг ҳозирги ва қадимий жой номлари тизимида жон/жан/шон/шан лексемали номлар анчагина. Зарафшон (дарё), Андижон (шаҳар), Бадахшон (Қамаши т. қишлоқ), Ардахшон (Жиззах, қишлоқ), Шержон (Шеробод т. дарё, қишлоқ), Навжан (Шеробод, қишлоқ). Бу номларнинг барчаси гидроним (дарё, жилға номи) сифатида яралган. Зикрланган номларнинг, жумладан, Журжон – Жаржон номи таркибидаги сўнгги жон/шон/жан/шан лексемасининг маъноси – дарё, жилға, сув манбаи, булоқ, арик⁴. Журжон – Жаржон, Шержон номлари таркибида жур/жар/шер лексемалари мавжуд. Эроний тилларда шер/шир/жер/жир лексемаси ер юзасидан баландлик сатҳи билан фарқланадиган географик объектларни билдиради ва Мовароуннаҳр ҳудудида биринчи узв сифатида ойконим, ороним, гидронимлар ясалган. Помир тилларида жер/жир/-шир/шер – тош, тоғ⁵, шуғнон тилида жир/шир – чўққи, қоя, баландлик⁶. Журжон – Жаржон – Шержон – тоғ дарёси, тоғдан бошланувчи дарё.

Шоир Ҳамид Олимжон ОБларни қўллашда, назмий ва насрий асарларига киритиб, географик, ижтимоий, лисоний, психологик, педагогик, социал ахборотлар беришда ўзига хос моҳир ижодкор, юксак салоҳиятли сўз санъаткори.

АДАБИЁТЛАР:

1. Жирмунский В.М., Зарипов Х.Т. Узбекский героический эпос, - Москва, 1947. – С. 107, 507.

2. Ишаев А. “Чамбил” сўзининг этимологияси //Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. – Тошкент, 1978. – Б. 100-102.
3. Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. III жилд. – Тошкент, 1983 – 1985. – Б. 561
4. Хромов А.Л. О структурных особенностях иранской топонимии Маверауннахра в период IX – XIII вв// Восточная филология. Вып. III – Душанбе, 1974. С. 3 – 25.
5. Додыхудоев Р.Х. Памирская микропонимия – Душанбе, 1975. - С.34.
6. Соколова Б.С. Очерки по фонетике иранских языков. II – Ленинград. – С.108.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ИЖОДИДА ДАРЁ ОБРАЗИ

Йўлдош Солижонов, ФарДУ профессори

XX аср ўзбек адабиётининг атоқли вакили, хассос лирик шоир Ҳамид Олимжон ижоди бўйича йирик тадқиқотлар яратган Сарвар Азимов, Салоҳиддин Мамажонов, Наим Каримовлар санъаткорнинг ўз ғоявий ниятларини ифодалаш мақсадида реал ҳаёт ҳамда табиатдаги турли-туман нарсалар ва ҳодисаларни поэтик образ сифатида муваффақиятли қўллаганлигини алоҳида қайд этадилар. Масалан, Ҳамид Олимжон лирикасининг бадиий гўзаллигини, унинг поэтик маҳоратини биринчи бўлиб махсус тадқиқ қилган олим Н.Каримов “Ҳамид Олимжон поэзиясида гул шоирнинг энг севимли поэтик образларидан бири” бўлганлигини талай мисоллар билан исботлаб беради.¹ Кейин “Шоир дунёси”га чуқурроқ кириб борган академик С.Мамажонов Ҳамид Олимжон ижодига хос поэтик образлар кўламини янада кенгайтди. Шоирнинг адабиётшунослигимизда аллақачонлар тан олинган Бахт, Шодлик, Толе, Ватан, Гул образлари қаторига Олов, Қуёш,

¹ Каримов Н. Ҳамид Олимжоннинг поэтик маҳорати. Т., “Фан”, 1964, 47-бет.

Нур, Аланга, Машъал, Оташ, Тонг, Тун каби янги поэтик образларни қўшди.²

Аммо оташнафас шоирнинг лирик мероси юқорида санаб ўтилган поэтик образлар билангина чекланиб қолмайди. Ҳамид Олимжон ижодида образлар кўлами ниҳоятда кенг ва ранг-барангдир. Айнан ана шу фазилати билан шоир шеърияти ҳали-ҳанузгача севиб ўқиляпти ва ўрганиляпти. Ҳамид Олимжоннинг ижод кошонасини баркамол қилган, унинг гўзаллигини таъминлаган муҳим образлардан яна бири *дарё*дир. Дарё ўз мазмун-моҳияти, бадиий-эстетик вазифасининг камрови, ғоявий юкининг салмоғи билан Ватан, Бахт, Шодлик, Гул образларидан қолишмайди. Дарё шоирнинг талай шеърлари, балладалари, достонлари, драмалари, ҳатто мақолаларида ҳам кўп учрайди. Улар бир-бирини тўлдиради, бойитади ва махсус тизимни ташкил этади. Лекин дарё ҳар бир асарда ўзига хос вазифани бажаради, эҳтиросли шоирнинг ёниқ, уйғоқ, тошқин қалби, ўткир нигоҳи, умидбахш тилаклари, она юрти гўзаллигининг рамзи сифатида намоён бўлади.

Дарё Ҳамид Олимжоннинг илк шеърлариданок кўзга ташланади. У шоирга қудратли куч, жўшқин кайфият, тизгинсиз ғайрат, йўлидаги тўсиқларни кўпориб ташловчи шиддатли оқим тимсоли бўлиб кўринади. Бу образ унинг ёшлигида кўрганларини, жамиятда кечаётган инқилобий воқеа-ҳодисаларни образли ифодалашнинг энг қулай воситаси сифатида кириб келди. Мен шоирнинг Дарё образига мурожаат қилишига ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам маънавий-тарбиявий, ҳам ғоявий-бадиий асослар бор, деб ҳисоблайман. Бўлажак шоир жуда ёшлигидан халқнинг ўз озодлиги, эрки учун дарё бўлиб курашга отланганини, бу муқаддас йўлда унинг қони дарёдек оқганини ўз кўзи билан кўрди.

Дарё Ҳамид Олимжон шеърларидаги лирик қаҳрамоннинг Ватанга бўлган буюк ва ўлмас муҳаббатининг симболи сифатида намоён бўлади. Шоирнинг эркин вазнда яратган шеърларидаги мисралар, туроқлар ва ибораларнинг жойлашуви, танланган сўзларнинг оҳанги худди дарё тўлқинларига ўхшайди. Улар қувалашиб, бир-бирига мингашиб бораётгандек таассурот қолдиради. Жумладан, “Бахтлар водийси” шеърида тез-тез такрорланиб келадиган “Кўм-кўк, кўм-кўк...” сўзлари баайни

² Мамажонов С. Шоир дунёси. Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 76-бет.

дарёнинг қирғоққа бош ургандаги “чўлп-чўлп, чўлп-чўлп” деган оҳангини эсга солади.

Дарё образи шоир “мен”ининг ўзига хос қирраларини, поэтик тафаккурининг кенглиги ва чуқурлигини кўрсатишга хизмат қилади. Ҳамид Олимжоннинг бутун ижоди худди шоирнинг ўзи меҳр қўйган дарёлар сувидан, унинг шиддати ва тўлкинидан баҳраманд бўлгандек туйилади.

Дарё образ сифатида Ҳамид Олимжон ижодига илк шеърлариданоқ кириб келган. Унинг “Ойдин кеча”, “Зарафшон қўйнида”, “Ҳавас ва тилак”, “Ўтаркан”, “Нева хотиралари”, “Сиёб” каби шеърларида гарчи мукаммал бўлмаса-да, унинг айрим қирралари очила бошланди. Йил сайин бу образнинг янги фазилатлари, эстетик кўлами кенгайиб борди. Бора-бора шоир шеърларида икки дарё оралиғидаги Ватан сиймоси бўй кўрсата бошлади. Лирик қаҳрамон-шоир “Аму билан Сирдан сув ичган, Зарафшонни лойлатиб кечган, чавандозлар бордир бу элда” яшаётганидан чексиз фахрланади. Шундай серсув ва гўзал дарёлари бор бўлган ўлкада “чанқов қолиб йўловчи ўлмас”лигига ишонади (“Ўзбекистон”, 246-бет).

Ватанпарвар шоир ўз юртида оқаётган дарёларни каттами-кичикми, барибир, “улуғ дарёлар” деб атайди. Бу жиҳатдан “Дарё кечаси” шеъри характерлидир. Шеър аслида чирчиқ дарёсига, у ерда қурилаётган электр иншоотига бағишланган. Аммо шеър марказида чирчиқ дарёсининг бадий портретини яратиш нияти туради. 13 банддан иборат бу шеърнинг ҳар бир бандидаги биринчи сатр дарё қиёфасига янги чизик тортади, натижада портрет банддан бандга мукаммаллашиб боради. Шеър “Дарё гўзал, осмонда юлдуз” мисраси билан бошланади. Бу иборалар бутун шеър учун тезис вазифасини ўтайди. Кейинги бандлар ана шу гўзаллик ва тиниқликнинг ранглари ҳамда сирларини очишга бўйсундирилади. Иккинчи банднинг “Кеча гўзал, дарё тинимсиз” деб бошланиши эса Вақт ва ҳаракатдан дарак беради. Ана шу кечанинг гўзаллиги, дарёнинг тинимсиз ҳайқириб оқиши шоир-лирик-қаҳрамон учун ўқувчига чирчиқ дарёсининг тарихини сўзлаб бериш истаги ва имкониятини туғдиради. Учинчи банддаги “Тоғлар боши қорга кўмилган, Қор устида оппоқ бир туман” мисралари ўқувчи кўз олдида ажиб бир тўлақонли портретни жонлантиради. Ана шу қорга кўмилган тоғлардан бошланган дарё “Тинмай оқар пишқириб” ва “Қуйи кетар айни

тун бўйлаб, Водийларга ҳикоя сўйлаб...” (168-бет). Бешинчи банддан то ўн иккинчи бандгача Чирчиқ дарёсининг портретига тарихий-биографик чизгилар тортилади. Шоирнинг маҳорати шундаки, портретни яқунлаш чоғида шеърнинг биринчи бандидаги ҳолат, кайфият, замон ва маконни эсдан чиқармайди. Охирги банд, айниқса, рангларнинг қуюқлиги, мутаносиблиги, уйғунлиги ва чизикларнинг тиниқлиги билан эътиборни тортади. Бу бандда шоирнинг асосий ғоявий нияти – дарё ва инсон ҳамкорлигига урғу берилади. Бу эса лирик шеър композициясининг яхлитлигини таъминлайди.

Тун ҳам ўтар мазмунга тўлиб,
Унутилмас дарёга бир он.
Унутолмас буни ҳеч қачон
Дарёдан зўр ва моҳир инсон! (169-бет).

Шеърда дарё кечасининг завқ-шавқи, гўзаллиги, инсоннинг меҳнатсеварлиги, лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари билан манзаралар тасвири ўзаро уйғунлашиб, шакл ва мазмун мутаносиблигидаги ажиб бир портрет дунёга келади. Эҳтимол, шу фазилатларига кўра бўлса керак, Ҳамид Олимжон 1937 йилда “Дарё кечаси” деган ном билан алоҳида тўплам ҳам нашр эттирди.

Дарё образи Ҳамид Олимжоннинг бошқа жанрдаги асарларида ҳам кўп учрайди. Масалан, “Зайнаб ва Омон” достонида севишган йигит-қизнинг висол оқшомига гувоҳ бўлган дарё “Икки ёшга айтиб шараф-шон, Оқар эди тошқин Зарафшон”. Ёки “Ойгул билан Бахтиёр” достонидаги жабрдийда қизни дарё ўз бағрига олади ва ҳаётини сақлаб қолади. “Икки қизнинг ҳикояси” достони эса икки дарё тарихига бағишланган.

Хуллас, Дарё шунчаки табиат мўъжизаси эмас, балки у она табиатнинг инсонга тухфа қилган гўзал инъоми, юртни обод қилувчи беминнат дастёри, Ватанимизнинг бақувват белидаги муаззам белбоғи, шоир учун эса туганмас илҳом манбаи ва шеърият булоғидир. Бинобарин, шоир ўз ижодида Ватан, Бахт, Шодлик, Гул, Баҳор образларига нечоғлик меҳр-муҳаббат, иштиёқ билан ёндашса, Дарё образини ҳам бундан кам бўлмаган юксак пафос ва маҳорат билан яратади. Ўзининг туганмас муҳаббати ва улуғ ниятларини дарёнинг тўлқинлари,

жимжимадорлиги, латофати, тўлалиги, сероблиги зиммасига юклайди. Шунинг учун ҳам ўлмас санъаткор Ҳамид Олимжоннинг шеърлари “Дарёдек тиниқ, осмондек беғубор” бўлиб яшаб келмоқда.

“ЗАЙНАБ ВА ОМОН” ПОЭМАСИДА ТРОП (ЎХШАТИШ)ЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

А.Шукуров, Ш.Кенжабоев, Б.Қурбонов,
Термиз давлат университети

Сўз ўз лексик маъносидан ташқари сифатлаш, ўхшатиш, муболаға, аллегория, киноя ва ҳ.к. каби турли бошқа маъноларда қўлланилиши мумкин. Бу ходиса сўз маъносининг кўчиши деб юритилади.

Сўзловчи ёхуд ёзувчи ўзи баён қилаётган фикрни тингловчига ихчам, аниқ, таъсирчан ва тушунарли қилиб етказиш учун ушбу кўчма маъноли сўзлардан фойдаланади. Бундай кўчма маъноли воситалар тилшунослик ва адабиётшуносликда ифода-тасвирий воситалар ҳисобланади.¹ Ушбу ифода-тасвирий воситалар троплар ва услубий фигураларга бўлинади.

Адабий асарнинг бадиий қимматини, ифодалилигини, экспрессивликини кучайтириш учун бир нарсанинг номини, белгисини иккинчисига кўчириш ёки сўзларнинг умуман кўчма маънода ишлатилиши **троп** дейилади.²

Ўзбек халқининг улкан шоири Ҳамид Олимжон шеъриятида ҳам бир-биридан жозибали, таъсирчан ва хилма-хил тасвирий воситаларни учратиш мумкин. Хусусан, шоирнинг “Зайнаб ва Омон” поэмаси бу фикримизга далил бўла олади. Аввало, ушбу поэма ҳақида сўз юритадиган бўлсак, асар катта бадиий маҳорат ва нозик дид билан яратилган ажойиба адабий тухфа десак, муболаға бўлмас. Айниқса, асарда қофиядош сўзларнинг ипга тизилган садафдек изчил ва давомийлиги, табиат ва муҳаббатнинг уйғунлашуви, меҳр-оқибат ва нафрат, диёнат ва хиёнат, янгилик ва эскилик ўртасидаги кескин курашларнинг ёрқин бадиий деталлар билан таъсирчан ифодаланиши бахт ва

¹ Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиёв Ё. Нутқ маданияти ва услубияти асослари. –Т., 1992, 97-бет.

² Шомаксудов А., Расулов И ва б. Ўзбек тили стилистикаси. –Т., 1983, 236-бет.

шодлик куйчиси Ҳ.Олимжоннинг нақадар етук истеъдод эгаси эканлигидан яна бир бор далолат беради.

Сўйлаб берай Зайнаб ва Омон³
Севгисидан янги бир дoston...

дея бошланувчи “Зайнаб ва Омон” поэмасида тропларнинг деярли барча кўринишларини учратиш мумкин. Негаки, шоир китобхоннинг диққатини кўпроқ тортиш, қаҳрамоннинг ички кечинма, ҳис-туйғуларини аниқроқ, равшанроқ ифодалаш учун бундай воситалардан унумли фойдаланади.

Ўхшатиш – икки нарса ёки воқеа-ҳодиса ўртасидаги ўхшашликка асосланиб уларнинг бири орқали иккинчисининг белгисини, моҳиятини тўлароқ, аниқроқ, бўрттириброк кўрсатиб беришдир.⁴ Ўхшатиш жуда содда ва энг кўп қўлланадиган тасвирий воситалардандир. У асосан нутқий ҳодиса ҳисобланади. Биз тропларнинг бир кўриниши ўхшатишларга эътибор қаратдик ва таҳлилимиз ҳам шунга асосланади. Масалан:

Шод ўтади Зайнаб кунлари,
Кўнгли баҳор кўкидай тоза.
Кўкда учган қушларнинг бари,
Шодлигидан олар андоза.

Ушбу тўртликда Зайнабнинг беғубор кўнглини худди эрта баҳорнинг кўкига, кўкламига ўхшатиш ва сифатлаш унинг шодлигини эса осмондаги қушларнинг парвозига ўхшатиш бунга яққол мисолдир. Ёки:

Ёр ахтариб боққанда қийғоч,
Қоши бўлиб худди қалдирғоч.
Атрофида ойлар чарх урар,
Теграсини юлдузлар ўрар.

Шоир асосий қаҳрамон Зайнабни содда, самимий ва гўзал қилиб тасвирлайди. Ундаги ўзбек қизларига хос ҳаё, ибо, тортинчоқлик каби олийжаноб ҳислатлар ташқи гўзаллиги билан

³ Ҳамид Олимжон. Асарлар мажмуаси. 5 томлик. 2-том. 150-195-бетлар

⁴ Шомаксудов А. Расулов И ва.б. Ўзбек тили стилистикаси. Т. 1983 й. 239-бет.

ҳамоҳанг. Автор Зайнабнинг қошларини қалдирғочга, унинг юзларини ойга, кўзларини чакнаб турган юлдузларга қиёс қилади. Ана шундай “ой деса ойдаи, кун деса кундай” гўзал қиз қалбида севги учқуни зўр аланга олади:

Шудир баҳор очилган лола,
Шудир дилни қийнаган нола.
Шудир сабза, бинафша кўклам,
Шудир қизнинг бошидаги ғам.

Шоир Зайнабнинг беғубор севгисини кўрсатилган тўртликдаги **шу** олмошини такрор қўллаш орқали ҳам зўр маҳорат ва таъсирчанлик ифода эта олган. Яна бир мисол:

Анор сўзлар ва Зайнаб қалби,
Тол баргидай дир-дир қалтирар.
Ҳури қўйиб жон қулоғини,
Тинглар экан лаблари титрар.

Маълумки, Зайнабнинг ёшлигида ота-онаси вафот этиб, етимликда азоб-укубатлар чекиб юрган кезларида Анор хола муравват кўрсатиб, ўз хонадонига қиз қилиб олади. Бечора етим қиз азондан то хуфтонгача бу хонадонда тинмай меҳнат қилади. Шунга яраша қорни нондан тўймай, кечалари ҳам чарчоғу, ҳам очликдан мудраб ухлаб қолиши, уст-боши йиртиқ, ямоқ ҳолда елиб-югуришлари, унинг қайғу-ҳасратга тўла юрагидаги нолалар ҳатто майин овозида ҳам намоён бўлишини ўқиган китобхонда қахрамонга бўлган меҳр уйғониши, табиий. Муаллиф Зайнаб Анор холанинг сўзларини эшитиши билан кўрқувдан ва кучли ҳаяжондан дағ-дағ титрашини, унинг қалбини ларзага солишини, тол баргини шамолда дирриллашига, дугонаси Ҳурининг унга раҳми келиб, ачиниб, кўнгли йиғлаётганини, шу орқали Ҳури ва Зайнаб ўртасидаги ҳақиқий дўстлик, садоқат борлигини юқоридаги парчада маҳорат билан кўрсата олган.

Опасида ғазаб оташи,
Ва Зайнабда андиша ғаши.
Елкасида тоғдай оғир ғам;
Анор кўзи ичра жаҳаннам.

Ушбу мисраларда ҳам опаси ёшлигида унаштирилган қизнинг Собирга мослигини тушунтирганда Зайнабнинг норизо кайфиятидан жаҳли чиқишини, унда фақат ўзбек қизларида бўладиган ҳаё, ибо, андиша туфайли ўз севгисини пинҳон тутишини, лекин севгисини ошкор этмаса бир умр бахтиқаро бўлишини тушунган қизнинг қалбидаги дардни адиб **“тоғдай оғир ғам”**га ўхшатади, чоғиштиради. Анор холанинг ғазабга тўлган кўзларини **“жаҳаннам”**га қиёс қилади. Яна бир лавҳа:

Зайнаб шунда қалбига бирдан,
Яшин урган каби сапчиди.
Ва бошини кўтариб ердан:
“Жоним опа, тўхтагил!”-деди.

Зайнаб опасининг аёвсиз ҳақорату таҳқирлашларига жим қараб тура олмади. Ниҳоят унинг қалби ларзага келганини шоир **“Яшин урган каби сапчиди”** ўхшатиши билан қаҳрамоннинг жунбушга келган қалб туғёнини аниқроқ, батафсилроқ, таъсирлироқ ифода этишга эришганки, бу ҳолат Ҳ.Олимжондек ажойиб истеъдод эгасининг бир қирраси сифатида намоён бўлади.

Умуман олганда, **“Зайнаб ва Омон”** поэмасини кузатганимизда ўхшатишларнинг **-дай (-дек)**, аффикслари (баҳор кўкидай, оппоқ қордай, тол баргидай ва ҳ.к.), **гўё, гўёки** боғловчилари (**гўё** хаста, **гўёки** бетоб, **гўё** сочини ва ҳ.к.), **каби, худди** юкламалари (яшин урган **каби**, қоши бўлиб **худди** қалдирғоч, булут **каби** ва ҳ.к.) билан ифодаланган типлари кўпроқ учрашига амин бўлдик.

Хуллас, халқимизнинг сеvimли шоири Ҳ.Олимжоннинг асарларини ҳар сафар ўқир эканмиз, унинг нутқи равон, тили бийрон, бетакрор ва энг асосийси, шоир шахсининг мангу барҳаёт сиймо эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

“ОЙГУЛ БИЛАН БАХТИЁР” ЭРТАК-ДОСТОНИДА ОЗОДЛИК ВА ҲУРЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ТАЛҚИНИ

**Д.Нурматова, Ў.Назарова,
ТермизДавлат университети**

XX аср шеърятининг ёрқин вакилларида бири Ҳамид Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр” эртак-достони, шоирнинг болалик даври эсдаликлари билан бошланади.

Ҳ.Олимжоннинг ёшлигида аяси Комила аядан тунлари жим ётиб эшитган асарлари унинг тасаввурида қайта жонланади.

У бу завқли тунларни бир умр ёдда сақлаб қолди ва ўзи ёзган «Ойгул билан Бахтиёр» достонида бу сеҳрли тунларни шундай эсга олади:

Болалик кунларимда,
Уйқусиз тунларимда
Кўп эртак эшитгандим,
Сўзлаб берарди бувим...

Гарчи шоир “Ойгул билан Бахтиёр” эртагида онасидан эшитганини айтса-да, ушбу эртак-достоннинг чуқур мазмун-моҳияти, гўзал сатрлари уни бадий қайта ишлаган шоир маҳоратининг мевасидир.

Эсимда ўша дамлар,
Ўзи учар гиламлар.
Тоҳир-Зухра, Ёрилтош,
Ойни уялтирган қош.

Эртак-достондаги воқеалар жуда қадим замонда, Жамбил деган юртда содир бўлади. Бунда ниҳоятда оғир аҳволга тушган халқ ўзини қул қилган хон зулмига қарши бош кўтаради.

Кумушдай оппоқ соқол,
Кўкрагини босган чол,
Ёш гўдаклар, жувонлар,
Навқирон паҳлавонлар,
Жон оларди бериб жон.

Озодликка, хур ва эркин яшашга бўлган интилиш ушбу халқнинг руҳини ҳеч қачон тарк этган эмас.

Эртакда Жамбилдаги кўзғолонга кекса кул Дархон ва унинг мардона қизи Ойгул бошчилик қилишади ва кучлар тенг бўлмагани туфайли кўзғолончилар мағлубиятга учраб, Дархон қизининг кўз ўнгида золим хон томонидан қатл этилади.

Яланғочлаб қилични,
Қулнинг бўйнига солди:
Боши кетган қуш каби
Дархон типирлаб қолди,
Ерлар қонга бўялди.

Воқеа давомида қари подшоҳнинг хотини бўлиб, золим, қонхўр, инсон қиёфасидаги махлуқ билан бир умр зарга кўмилиб яшашдан ўз озодлигини афзал билган Ойгул саройнинг қирқ канизаги билан чўмилиш баҳона дарёга боради ва кўзини чирт юмиб ўзини сувга отади. Дарёдаги баҳайбат Жайхун балиқ эса Ойгулни бир ҳамла билан ютиб юборади.

Томоғидан қилчалик,
Оп-осон ўтиб кетди.
Қирқ қизлар саросима-
Чувуллашиб қолдилар:
“Нима гап, нима, нима?”
Дея шовқин солдилар.

Эртак-достонда Бахтиёр образига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Достонда ўзининг забардаст гавдаси, куч ва ғайрати, оловдай ловиллаб туришида, сўзи ва қарашларида, қилаётган меҳнатида, кескир қиличдек иродасининг кучи яққол сезилиб турадиган, лекин камбағал, ночор Бахтиёр образига ҳам алоҳида эътибор берилган.

Бахтиёр дарёда юрганларга йўлиқиб, улардан бир бурда нон сўрайди. Балиқчилар унга:

“Йўқдир берар нонимиз,
Лекин куяр жонимиз.

Майли шу сафар тўрга,
Чикқанин ол ўзингга.

Дейишади. Бунга Бахтиёр рози бўлади ва толеига унинг
тўрига Жайхун илиниб қолади, улкан балиқни икки хўкизга
ортиб, уйига йўл олади:

Уйга олиб келиб, ота-бола икков,
Балиқ қорнин ёрганда,
Пичоқ белга борганда,
Балиқ қорнида шу он,
Тебраниб у ён-бу ён,
Ойгул кўзини очди,
Ва Бахтиёрни кўрди.
Бошига қон югурди.
Қора кўзлари ёниб,
Бир муҳаббат уйғониб,
Қалби жизиллаб қолди...

Ёри Бахтиёр билан Сусамбилни жаннатмисол юртга
айлантирган Ойгулнинг ёдидан ўз эли Жамбил, унинг эзилиб
ётган халқи, ноҳақ ўлдирилган отасининг хотираси кетмас эди.

Эртаси тўда-тўда,
Гурас-гурас бўлиб эл,
Кела берди боғлаб бел.
Хотинлар, ёш болалар,
Барча амма-холалар.

Халқини хон зулмидан халос қилиш ниятида у катта қўшин
билан Жамбилга ҳужум қилади ва ғалабага эришади:

Ўтмасдан жиндайин зум,
Оғзига тикдилар қум.
Золим подшо шу замон,
Қабрга бўлди меҳмон.

Қонхўр хондан қутулган элга Ойгул Тарлон отани раҳбар этиб тайинлайди, ўзи эса келин бўлиб боргани Сусамбилга – суйган ёри Бахтиёр юртига қайтади:

Яшнаб мисоли бир гул,
Ўз Бахтиёри сари,
Ўз севгани ёри сари,
Сусамбилга йўл олди.

Аксарият эртакларда бўлгани сингари бу асарда ҳам ёвузлик устидан эзгулик, зулм ва ноҳақлик устидан эса адолат ғалаба қилди.

Бироқ бу ғалаба бошқа эртак-афсоналардаги каби осонликча, афсонавий сеҳргарнинг сирли таёкчаси ёрдамида қўлга киритилгани йўқ. Балки тинимсиз қилинган меҳнат, машаққат, қулик ва хўрликка бўй бермаслик сингари халқимиз руҳиятига хос бўлган мардона кураш охир-оқибат Ойгул ва унинг юртдошларини озодликка олиб чиқди.

Эътибор берсангиз, гарчи асарнинг бош қаҳрамонлари Ойгул билан Бахтиёр ҳисобланса-да, тадбиркор, эрксевар Ойгулнинг оқилона ҳаракатларигина воқеаларнинг айнан шу тарзда хотималанишига замин яратади.

Бахтиёрдек паҳлавон йигит замонаси зайли билан “хор эди, камбағал, ночор” эди. Достонда мана шу адолатсизлик, ҳаётнинг шу “тескарилиги” туфайли ҳам уни ўзгартириш, Бахтиёрдек аслида бахт учун туғилган йигитлар ва Ойгулдек ой қизларни чинакам бахтиёр яшашига тўсқинлик қиладиган, ёвуз кучларга қарши курашиш, тинч кунни кўролмайдиган, Ватанга раҳна солувчи ҳар бир ёвуз куч ўз жазосини олиши муқаррарлиги ёрқин ифодаланади.

Қаҳрамонларимиз Ойгул билан Бахтиёр нафақат ўзларининг, балки, бутун халқнинг озодлик ва хўрлик сари ҳаракат қилишида раҳнамолик кўрсатадилар ҳамда шу ёруғ ниятларига етишадилар.

Хуллас, Ҳамид Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр” эртак-достонида ватанпарварлик, фидоийлик, юрт ободлиги, миллат раўнақини кўришдек буюк мақсад сари интилиб яшайдиган довюрак, комил фарзандларнинг асл қиёфаси акс эттирилади.

ТАЛАФФУЗДОШ СЎЗЛАР ВА БАДИИЙЛИК

Вазира Нафасова, Қарши ДУ

Талаффуздошлик бир-бирига яқин, ўхшаш қилиб айтиш тилдаги паронимик жуфтликни (ПЖ) ташкил қилувчи сўзлар мажмуига хос. Хол – ҳол, хил – ҳил, ҳар – ҳар, ҳам – ҳам, шахт – шахд, кулп – кулф, бардамлик – бирдамлик, болалик – болали, борлик – борлик, бўшлиқ – бўшлик, бежой – бежо, суринмоқ – сурилмоқ, ақил – ақл, асир – аср, алифбе – алифбо каби паронимик жуфтликларида сўзлар фақат бир фонема билан фарқ қилади, қизиғи шундаки, бу жуфтликлар талаффузи яқин, бири ўрнида бошқаси оғзаки нутқда, баъзан ёзма нутқда ҳам қўлланётганидир.

Ўзбек халқининг етук, талантли шоири Ҳамид Олимжон асарларида ПЖлар тури кўп, уларнинг таркиби ҳар хил. Улар ўзбек, эроний ва араб тилларига мансуб лексемалардир. Уларнинг адабий тилда, хусусан, бадиий нутқда қўлланиш даражаси ва ҳолати ҳам ўзига хос. ПЖлар кўпинча халқ нутқига, адабий ва жонли сўзлашув нутқига хос лексемалар мажмуидан иборат бўлади.

Қизнинг олдида бир *хирс*,
Кўрсатиб ёввойи *ҳирс*,
Ерга қараб букилди,
Кўзида ҳийла кулди.

(“Ойгул билан Бахтиёр”)

Матндаги *хирс* (айиқ) – *ҳирс* (кучли иштиёқ, зўр интилиш) ПЖи оғзаки нутқда бир хил, бир-бирига яқин айтилади. [Х] ундоши сўзнинг турли қисмларида [Х] ундоши тарзида талаффуз қилиниши орфоэпик меъёр даражасида. Форс-тожик тилига мансуб *хирс* лексемаси сўзлашув нутқда қўлланишга хосланган. Араб тилига тегишли *ҳирс* лексемаси эса талаффуздош, китобий. Ушбу лексема бадиий нутққа, кўпроқ насрий, баъзан меъёрий матнларга хосланган. ПЖда бир-бирига уйқаш қилиб нутқда қўлланадиган икки лексема иштирок этиб, бири бошқарувчи (*хирс*), бошқаси бошқарилувчилик вазифасини (*ҳирс*) бажарган. ПЖнинг аъзолари икки луғавий-мавзуй гуруҳга (ЛМГ) мансуб:

хирс – ёввойи ҳайвонлар ЛМГга оид, бу гуруҳ аъзолари: шер, арслон, чўчка, айиқ (хирс). Айиқ, хирс лексемалари бир ҳайвоннинг икки тилга мансуб номлари, улар бир ҳайвонни атаса-да, нутқ услуби ва қўлланишига кўра фарқли. Матнда *хирс* лексемаси ҳайвонни эмас, Жамбил хони – шахс маъносида қўлланган.

ПЖнинг иккинчи аъзоси (хирс) салбий бўёқдорлиги, ифода семаси билан ҳайвонларга ва инсонларга хос хусусият ифодасидир. Адабий тилда ҳам, сўзлашув нутқида ҳам *хирс* лексемаси нар ҳайвонларга хос хусусият сифатида қўлланиши меъёрланган: ҳайвоний хирс, шахвоний хирс. ПЖни ташкил қилувчи лексемаларни ёнма-ён ёки бир гап ичида қўллаш юксак бадиийлик намунасидир. Услубий жиҳатдан шоир маҳоратини намоён қилувчи бадиий санъатдир. Тилшуносликда ушбу лисоний-нутқий ҳодиса парономазия деб аталади, илмий манбаларда баъзан поэтик аттракция, араб таъб илмида мувозана деб баҳоланган. Шоирнинг “Бувимнинг ҳар қиссаси, Ҳар бир қилган ҳиссаси ...” мисраларидаги қисса – ҳисса ПЖи ҳам оддий жарангдорлик намунаси эмас, аксинча шеърий оҳанг, ритм, мазмуний ва мантикий уйғунлик, шакл ва мазмун бирлигининг нозиктаъб ифодасидир.

Ўзбек шеърияти парвозини 20-асрнинг 30-йилларида юксак авж поғонасига олиб чиққан шоир Ҳамид Олимжон асарларида талаффузи бир-бирига ўхшаш, яқин, лекин имловий шакли бошқа-бошқа бўлган ПЖларнинг хилма-хил турлари мавжуд: *ота – ато, даво – даъво, зирак – зийрак, қуллик – қуллуқ, тана – таъна, хўр – хор, охир – ахир, борлиқ – борлик, бўшлиқ – бўшлик, йўқлиқ – йўқлик, зот – зод, шаҳид – шоҳид, шахт – шаҳд, қулп – қулф, бас – баҳс, бот – бод, хуш – ҳуш, бола – боло, асил – асл, асир – аср, алам – аълам, шох – шоҳ, ҳам – ҳам, абзал – афзал, отлиқ – отлик, холос – халос, бурч – бурж, хўп – хўб, пақир – фақир, аён – аъён, чарқ – чарх.*

ПЖлар шоир асарларида асосан қофия вазифасида қўлланган. Мисраларда ПЖнинг бир аъзоси ўзига ўхшаш бошқа бир лексема билан қофиядошликни ҳосил қилган.

Паронимлар бадиийликни яратувчи, ўқувчи, хусусан, тингловчи шуури ва идрокига юксак ҳиссий, руҳий ва поэтик кайфиятни олиб кирувчи лисоний бирликлар эканлиги Ҳамид Олимжон шеъриятида тўла ўз ифодасини топган.

ҲАМИД ОЛИМЖОН АСАРЛАРИДА ЎХШАТИШ САНЪАТИ

Мунис Жўраева, ЎзРФА Тил ва
адабиёт инситути тадқиқотчиси

Шодлик ва бахт куйини чалишни илҳомсиз, ижодсиз, бахт кўшиғисиз ҳаёт кечиришини тасаввур этолмаган бекиёс истеъдод соҳиби Ҳамид Олимжон учун ижод этиш шоирнинг эзгу орзуси ва бахт саодати эди. Шоирнинг қалб ҳарорати билан битилган шеърларида шоирнинг гўзал поэтик дунёси акс этган.

Ҳамид Олимжон шеърляти бадиияти ўзига хос бир мактаб ҳисобланади. Буни шоир шеърларидаги ўхшатишлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Шоир шеърларидаги мавзунинг ранг-баранглиги, анъанавий ва фавқулодда ғояларнинг таъсирчанлиги, бой образлилик, руҳий кечинмаларнинг самимий ва ранг-баранг изҳори, оҳангдошлилик, мутаносиб ўлчов, ўйноқлик буларнинг ҳаммасида бадиий тасвир воситаларининг жумладан, ўхшатишларнинг алоҳида ўрни бор. Шоир қўллаган ўхшатишлар ўзининг нафосати, ҳаётий мантиқий ёрқин жилоси билан этиборга лойиқ.

Ҳаёт гўё бир ўрмон,
Бургут, арслон, йиртқичлар,
Тани тикан зўр кучлар,
Ўйнар, чопар ҳар ён.

-деб ёзади шоир “Шарқ” шеърида. Шоир бу ерда ҳаётни ўрмонга ўхшатади. Бу ўзгача бир ўхшатиш бўлиб шоир бу билан ҳаётда бургут каби парвозни юксак оладиганлар ҳам, ҳайвонлар шоҳи арслон мисол одамлар ҳам, йиртқичларга ўхшаганлар ҳам демоқчи.

Худди шу шеърда яна шоир қуйидаги ўхшатишларни қўллаган:

Меҳнат яшиндек порлаб,
Тунни тилиб юборди.
Илҳом сочган инқилоб,
Кундуз машғалдек ёнди.

Ҳар иккала ўхшатишда, айниқса, меҳнатни яшинга ўхшатишнинг ўзи бир бошқача. Бола тунда яшин чакқандан борлиқни ёритгандек, инсон меҳнати ҳам шунчалар қудратли, деган фикрни илгари суради шоир.

Шоир “Қиш” шеърида қорнинг оқлигини тасвирлашда ўзига хос ўхшатишлар топади:

Оқшом... борлиқ оқ денгиз,
Тўлқинсиз ухлар...
Юлдуз гўё олтин қиз,
Жимликни тинглар...

Паст-паст уйлар, деворлар
Оқ кўйлак кийсак.
“Муз тоғи” дек у тоғлар
Тинчликни чўмган.

Ҳамид Олимжон қор ёққан замонни денгизга ўхшатади. Лекин бу “денгиз” ҳаракатсиз, тинчгина ухлаётганини таъкидлайди. Юлдузларни эса жимликни тинглаётган олтин қизга қиёслайди. Шоир уйлар ва деворларни эса оқ кўйлак кийган одамларга, томларини эса “Муз тоғи”га менгзайди. Бу шоирнинг ўта кузатувчанлигидан, ҳар бир сатрни маҳорат билан поэтик қонун-қоидаларга бўйсундирилганлигидан нишонадир.

Шоирнинг теран нигоҳи энди қиш изғирини кашф этган манзараларга кўчади:

Муз сийнасини тилади,
У зар игналар.
Парча-парча синади
Садаф тугмалар.

Нақадар оригинал ўхшатиш. Қаранг “зар игналар” муз сийнасини тилмоқда. Садаф тугмалар ҳам парча-парча бўлиб синмоқда. Бу ажойиб теранлик шоирнинг янги хулосалари билан алмашади:

Кўк юзини тутганда

Олтин пардалар,
Баҳор билан яйрарлар
Гўдак новдалар.

“Олтин парда”, “гўдак новдалар” шоирни беҳад ҳаяжонга солади, унинг қалбида рангин туйғулар уйғотиб, баҳор келаётганидан дарак беради:

Оқ пардани ташлайди,
Юмшоқ бахмаллар.
Сўнг учмоққа бошлайди,
Кўк юмшоқ пардалар.

Ҳамид Олимжон қўллаган бу ўхшатишлар қиш фасли ҳақидаги тасаввурларни янада кучайтиришга, шеърнинг эмоционал пафосини оширишга хизмат қилган.

Шунингдек, шоир асарнинг таъсирчанлигини таъминлаб, лиризмни оширишга эътибор қаратади. Ҳар бир поэтик образ, ҳар бир сўз ва ҳар бир поэтик воситадан усталик билан фойдаланиб, бир-биридан ажойиб ташбеҳлар яратади. Бунини шоирнинг “Чимён эсдаликлари” шеърида ҳам кўриш мумкин:

Бунда гулнинг энг асллари,
Бахмал гилам, алвон поёндоз,
Табиатнинг бор фасллари:
Баҳор ва ёз қаршимда пешвоз.

Бу ўхшатишлар сўлим гўша бўлган Чимённинг гўзаллигини тасвирлаш учун хизмат қилган. Шеърнинг кейинги сатрларидаги ўхшатишлар бунданда ёрқинроқ гўзаллик кашф этади.

Гўзалликда туганмас булок,
Шамолда ўйнайди шалола.
Баҳор юрар тоғма-тоғ,
Қўлларида лола пиёла.

Бундан кўриниб турибдики, Ҳамид Олимжоннинг ушбу шеъри лириканинг энг ёрқин намунасидир. Унда шоирнинг

поэтик маҳорати манаман деб кўриниб турибди. Энг муҳими, шеърда бирорта ортиқча сўз, мисра, бирорта ортиқча образ йўқ. Бошқача қилиб айтганда, шеър сатрлари бир-бирини тўлдириш, фикрларни изчил давом эттириш ва шеърнинг ғоявий йўналишини очишга хизмат қилган.

Шоирнинг “Ишим бордир ўша охуда”, “Хаёлимда бўлдинг узун кун”, “Соғинганда”, “Январ қори”, “Хулкарнинг шеъри”, “Бутун олам оппоқ бир сийна”, “Ўлка”, “Пушкин”, “Шодликни куйлаганимнинг сабаби”, “Янги йил орзулари”, “Қўлингга қурол ол!”, “Хат”, “Шарқдан Ғарбга кетаётган дўстга” каби катор шеърларида қўллаган ўхшатишлар қаҳрамонларнинг руҳияти, кечинмалари, истак ва имкониятларни тасвирлаш учун хизмат қилган.

Ҳамид Олимжон шеъриятида ўхшатиш, ташбеҳ санъатининг қўлланилиши, унинг ўзига хос лисоний шаклланиши, бадий тасвир воситаси сифатида поэтик мақсад йўлида хизмат қилишини атрофлича ўрганиш долзарб масалалардан биридир. Зеро, Ҳамид Олимжон ижоди мисоли қайнар булоқ. Ундан қанча баҳраманд бўлсангиз ҳам асло тугамайди.

ШЕВА ВА ШЕЪРИЯТ

О.Тошева, Ё.Жамолова, Ф.Тошпўлатова
Қарши педагогика коллежи ўқитувчилари

Қарши шевасида *бўйин* (инсон танасининг елка билан бош оралиғидаги узв) сўзи йўқ. Бўйин сўзи ўрнида *гардан* сўзи қўлланади. Бадий асар қаҳрамони қаршилиқ бўлса, у бўйин тушунчасини *гардан* сўзи билан ифодаласа, бадий асар қаҳрамонининг қаршилиқ эканлигига ишониш мумкин. Агар адабий тилдагидек *бўйин* тушунчасини бўйин сўзи билан айтса қаҳрамоннинг қаерлик эканлигини асарда кўрсатмаса ҳам бўлади. 20-асрнинг буюк шоири Ҳ.Олимжон Жиззахда туғилиб, вояга етган. Нутқи Жиззах шеваси таъсирида шаклланган, бойиган, мукаммаллашган. Самарқандда таҳсил кўрган. Тошкент шаҳрида яшаган. Шоир асарларида Жиззах, Самарқанд ва Тошкент шаҳарлари шевалари далиллари бўлиши табиий.

“Жангчи Турсун” балладасидаги *ганг* (Зўр жанглارнинг шиддати Қилди уни *ганг* ва лол), *лойланмоқ* (*Лойланиб* оққан дарё

Онанинг кўз ёшидай) сўзлари Жиззах шевасига хос сўзлардир. Бу сўзлар мисралар бағрида бегона эмас, шева далили эканлиги сезилмайди.

Шоир Ҳ.Олимжон асарларидаги айрим сўз қўллашларни кўриб, халқ нутқи ва шевалар адабий тилни, аниқроғи, бадий нутқни бойитувчи манба эканлиги ҳақидаги қарашларнинг нечоғлик асосли эканлиги маълум бўлади. “Икки куну икки тун *Солишиди* улар бутун” мисрасидаги *солишиди* феъли “жанг қилди, жиддий жисмоний ҳаракат билан бир-бири билан курашди” маъносида қўлланган. “Бир *тагсиз*нинг гадойи дерлар”, “Қилични ҳар солганда, Ҳар бир *симраб* олганда”, “Бу ҳикоя тўкар ёшимни, Ҳам куйдирар ичу *тошимни*”, “Оловлари тинмай ловиллар, Ва тафтига юраклар *чўллар*” мисраларидаги *тагсиз*, *симрамоқ*, *тош*, *чўлламоқ* сўзлари Жиззах, жумладан, Қарши шевасига хос сўзлардир: *тагсиз* – насл-насаби ноаниқ (одам); *симрамоқ* – силтамоқ; турли томонга зарб билан урмоқ, *тош* – ташқи томон, ичкарининг зидди; *чўлламоқ* – чанқамоқ, зор бўлмоқ, кучли даражада эҳтиёж сезмоқ.

Шоир асарларида маъноси билан, маъно нозиклиги билан, янги маъноси билан, адабий тилдагидан фарқланадиган маъно қирралари билан мисралар бағрига киритилган сўзлар тури ва миқдори кўп: *тек*, *қув*, *ажаб*, *топинмоқ*, *хушламоқ*, *ёшламоқ*, *чувалишмоқ*, *халқчи*, *менча*, *шошилишча*, *юрғун*, *қулоқлик*, *мўйловлик*, *янимоқ*, *ҳаққос*, *таширмоқ* (“Муқанна”).

Унмоқ – *ўнмоқ* феъллари халқ нутқида фарқланади. Сўз бошидаги у – ў унлилари билан тафовутланиш ҳам халқ сўзлашув нутқида хос ҳодиса. Бу икки феълнинг ҳам товуш таркиби ва сифати, ҳам маъноси, ҳам қўлланиш тарзи жиҳатидан ҳам фарқланиши ҳам қипчоқ, ҳам қарлуқ лаҳжаларига хос. Бу икки феълнинг шоир Ҳ.Олимжон асарларида қўлланишига эътибор қаратинг: У бозорга жўнади, Юрса йўли *ўнади*. (“Ойгул билан Бахтиёр”). Олиб орқага ташлар, Шунча-шунча оташлар, Эшигида сўнади, Оташдан кул *унади*. (“Семурғ ёки Паризод ва Бунёд”). *Ўнмоқ* – *унмоқ* сўзлари пароним, талаффузи бир-бирига яқин сўзлар қатори. Адабий тил луғатларига *унмоқ* феъли киритилган ва изоҳланган. *Ўнмоқ* феъли эса шевавий сўз сифатида баҳоланиб изоҳли ва имло луғатлардан жой олмаган. Матнда *ўнади* феъли узоқ йўл қисқаради, ҳаракат қилувчи шахс тез ҳаракат қилади маъносида. Унади феъли эса ҳосил бўлади, бир турдаги нарса

(оташ, олов) бошқа бир нарса (кул)га айланади, юзага келади маъносида. Бу икки феълнинг талаффуз шакли ҳам, имлоси ҳам бошқа-бошқа. Айтиш жоизки, талафузида яқинлик мавжуд, *ўнади* феъли кўпинча *унади* тарзида айтилиши адабий тил талаффузига меъёрлашган. Лекин бу икки сўз халқ нутқий амалиётида фарқланиб талаффуз қилинади. Шоир Ҳ.Олимжон халқ нутқидаги ана шу лисоний ҳолатни англаб етган ва шеърларида кўрсата олган.

Ҳамид Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр”, “Зайнаб ва Омон” дostonларида, “Муқанна” драмасининг услубига хос хусусиятлардан бири *бе-* кўшимчаси билан ясалган ясалмаларнинг фаол қўлланишидир: *беэс, бедард, беот, беқилич, беҳол, беган, беёш, бепичоқ, бевақт, бекойиш. Бехабар, беситам, беизн, бефурсат, бефизон, беозор, безавол, бепичоқ, беер, бетаёқ, бедағдаға, бенаво, беомон, беҳунар, беқарор, беқурол, бекафан, бениҳоя, бежанжал, бехалал.* *Бе-* кўшимчаси ўзбекча, арабча, форс-тожикча сўзларга кўшилаверган, шоир уларни мисралар мазмунига ва руҳига сингдириб юборган. Ясалмаларнинг шевавий сўз ёки шеваларга хос ясалиш эканлиги сезилмайди. Зикрланган ясалмаларнинг айримлари (*беёш, беизн, беер, бетаёқ, бедағдаға*) адабий тилда қўлланмайди. Шоирнинг моҳирлиги шундаки, халқ нутқининг сўз қўллаш ва сўз ясашдаги кенг имкониятларини намоёйиш қила олган.

Шоир Ҳ.Олимжон шеъриятида сўз ва кўшимчаларнинг шевавий, жонли нутқдаги талаффуз шакллари билан боғлиқ ҳолатлар ҳам анчагина: *қизғон (қизган), чолғувчи (чолғучи), чурушган (чиришган), чуриб (чириб), туфурдим (тупурдим), санда (сенда), толпинар (талпинар), даридим (доридим), тумон (туман), хўр (хор), тўққиз ёшлик Ойша (тўққиз ёшли Ойша), оналиклар саодати (оналилар саодати), тераза (дераза), чолдириб (чалдириб), қоронғилик (қоронғилик), девол (девор), улақиб (улоқиб)...*

Шоир Ҳамид Олимжон халқ нутқини, оғзаки сўзлашувни, ундаги сўзларни, сўзларнинг маҳаллий ҳудуддагина мавжуд бўлган маъноларини, аҳолининг ишлаб чиқаришини, турмуш тарзини, руҳиятини акс эттирувчи маъноларини яхши билган ижодкор эди. Унинг асарларидаги сўзлар ва бирикмаларнинг ҳамидона қиёфаси ижодкорнинг нутқий жозибаси нақадар юксаклигини далиллайди.

БАДИЙ АСАРДАГИ ИСМЛАР БАДИИЯТИ

**Сабоҳат Кенжаева, Қарши
педагогика коллежи ўқитувчиси**

Адабиётимизнинг 20-асрдаги доврўғи баланд, катта бадий салоҳият соҳиби шоир Ҳамид Олимжоннинг шеърӣ, насрий ва драматик асарларидаги киши исмлари ўзига хос атоқли отлар микротизимини ташкил қилади. Исмларнинг маълум бир қисми ҳаётда ўз муқобили – прототипига эга: Зайнаб – Зайнаб Омонова, Муқанна – Ҳошим Ҳаким ўғли.

Шоир асарларидаги исмларнинг аксарияти – тўқима исмлар, шоир яратган тимсолларнинг исмлари. Исм, ҳақиқийми, тўқима тимсол исмими, барибир, сўз, атоқли отларнинг инсон билан, шахс билан боғлиқ тури. Шу боис киши исмлари бадий асарда шахс номи вазифасидан ташқари, катта ижтимоӣ, социологик, психологик, педагогик, лисонӣ, ҳудудӣ, даврий мазмун-маънони ҳам ташийди. Бадий асар билан танишган ўқувчи (китобхон, томошобин) исмга юкланган мазмун-маънолар оламига кириб боради. “Муқанна” тарихий драмаси тимсоллари исмларининг атиги иккитаси туркий-ўзбекча: Жалойир, Кулартагин. Оташ, Гулобод, Гулойин, Боғӣ, Феруз, Ғирдак, Хишрий исмлари эронӣ тилларга мансуб. Ҳошим Ҳаким (Муқанна), Ҳаким, Зайд, Ибн Маоз, Саидбаттол исмлари араб тилига оид. Асарда тарихӣ ўтмишимиз тасвирланганлиги сабабли ҳозирги ўзбек тилидаги исмлар билан алмаштириш мумкин эмас. Ҳарбий кишининг қадимги туркий Кулартагин (тагин – шахзода), араб руҳонийсининг туркий-мўғул этноним асосида Жалойир деб исмланиши исмлар бадииятининг юксак намунасидир. Гулобод, Гулойин исмлари ҳозирги ўзбек қизлар исмлари тизимида мавжуд. Тарихӣ исмларнинг ҳозиргача сақланиб келаётганлигининг сабаби гул сўзи ва тушунчаси билан дахлдорлиги, гўзаллик тушунчасининг исмда мужассамлигидир.

“Муқанна” ва “Жиноят” драмаларидаги исмлар қиёсланганда исмларга хос бадийлик, тарихийлик, тадрижийлик, халқоналик янада яққолроқ намоён бўлади. “Жиноят” драмасидаги бош тимсолнинг исми – Шаҳриёр. Эронӣ (форс, тожик) ва эски ўзбек тилида буюк подшоҳ, шоҳларнинг шоҳи шаҳриёр, шаҳрёр атамаси билан ифодаланган. Оддий оила бошлиғига Шаҳриёр

исмининг кўйилиши кулгили, бадий ҳажв. Ўғлининг исми – Ифтихор. Бу исмга асос бўлган ифтихор (фахр, ғурур; шону шавкат) сўзи англатган маъно билан Ифтихор исмли йигит (Шаҳриёрнинг ўғли) тасвиридаги номутаносиблик – исм ва жисм ўртасидаги номослик асар тимсоли шахсиятини намоён қилувчи лисоний воситадир. Ифтихор исмидаги ахборотлар мажмуи драмадаги бир неча гаплар мазмунидан юксакроқ. Бадий асардаги исмлар муаллифнинг мақсади ва асар ғоясига йўғрилган бўлади. Драмадаги Хумор, Қуёш, Ислон, Гулзор исмлари ҳам шоир Ҳ.Олимжон томонидан махсус танланган, кўп минг сонли ўзбек исмлари мажмуидан атайлаб, саралаб олинган.

Қуёш – халқ орасида кам учрайдиган исм. Драмадаги тасвирга кўра, Қуёш исмли тимсол муаллиф шахсини ёки асар ижодкори бўлмиш мен тимсолини эслатади. Шаҳриёр, Ислон каби эскилик ғояларини ўзида ташувчи, янги турдаги ҳийлайи шаърий “кашфиётчи”ларига хитоб сифатида айтилган энг сўнгги, якуний хулоса ҳам Қуёш номидан айтилган. Қуёш исмли тимсол ва Қуёш сайёрасининг табиий хусусиятлари ўртасида ўхшашлик, умумийлик мужассам. Шоир исм танлаганда исм асосидаги сўзлар англатган маъно ўртасидаги мантикий, фалсафий қонунларни кўзда тутган.

Шоир Ҳ.Олимжон асарларидаги исмлар, оддий сўзлардан кўра, кўпроқ, тўлароқ, миллийроқ қадрият ва маънавиятларни ўзида мужассам этган. Ўрта мактаб, коллеж ва лицейларда, олий таълим тизимида шоир исмларидаги юксак маънавиятни тушунтириш, мағзини чақиш, ҳаётий мисолар билан қиёслаш муҳим таълимий, ҳаётий аҳамиятга эга. Бадий асар ҳақида фикр юритилганда, маъруза ва амалий машғулотларда киши исмлари билан боғлиқ маънавий, ижтимоий хусусиятларни ҳам ҳамиша ўргатиб, ўқитиб, талқин қилиб бориш она тили, адабиёт, миллий ғоя фанлари муаллимларининг бурчидир.

ЧАППОР УРМОҚ ИБОРАСИ ҲАҚИДА БИР МУЛОҲАЗА

**Умида Абдуллаева, Қарши
педагогика коллежи ўқитувчиси**

Чаппор урмоқ – фразеологик бирлик. Бу ибора 20-асрнинг 30-йилларида шодлик, мамнунлик, бахт, умумбашарий қадриятлар,

халқ ҳаётининг эҳтиросли куйчиси, давримизнинг буюк шоири Ҳамид Олимжон томонидан ўзбек адабиётига олиб киритилганлиги маълум. Ватан ҳақидаги “Ўзбекистон” қасидасининг бош қисмида бу ибора узук кўзи сингари ўқувчини ҳам, тингловчини ҳам ўзига ром қилаётгани боис бу асар ҳозир ҳам ҳамманинг тилида, нутқида, дилида, куйида, кўшиғида.

Водийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди менда,
Чаппор уриб гуллаган боғин,
Ўпар эдим ватан тупроғин.

Матнда чаппор урмоқ бирикмаси гулламоқ феъли англатган ҳолатнинг белгисини ифодалаган. “Ойгул билан Бахтиёр” эртак-достонида ҳам чаппор урмоқ бирикмаси қўлланган: Подшо ҳам чаппор уриб дарёга чопиб борди.

Бу матнда чаппор урмоқ ибораси инсон (подшо) нинг чопиш ҳаракати даражасини, ҳолатини, суръатини англатган. Ҳ.Олимжон асарларида чаппор урмоқ ибораси икки ҳолатнинг белгисини ифодалаш учун қўлланган: 1. Боғдаги дарахтларнинг гулламоқ ҳолатига нисбатан. 2. Инсоннинг чопиш ҳаракатидаги тезлик даражасига нисбатан. Матндаги гапларнинг мазмунидан чаппор урмоқ фразеологик бирлигининг иборавий маъно-мазмунини англаб етиш, ўқувчи ва талабаларга тушунтириш мумкин. Аммо фразеологик birlikни қисмларга ажратганда чаппор сўзининг маъноси нима? У қанақа нарсанинг номи, нега бу сўз урмоқ феъли билан бирикиб, кўчма маънодаги янги ибора ҳосил бўлган?

Шу саволларга жавоб топиш, талабалар саволига жавоб бериш учун луғатларга мурожаат қилишга тўғри келди. Ўзбек тили изоҳли луғатининг 1981, 2008 йилги нашрларида бу ибора чаппар урмоқ тарзида ёзилган, шоир матнидаги сўзнинг товуш шакли ўзгартирилган, шоир матнида – чаппор, луғатларда – чаппар. Изоҳли луғатнинг 1981 йил нашрида “Қийғос, ёппасига, ялписига” (11, 356) тарзида изоҳланган, равиш туркумига мансуб шевавий сўзлиги таъкидланган. Изоҳли луғатнинг 2008 йил нашрида эса чаппар урмоқ иборасининг зикрланган маънодан ташқари “Чарх урмоқ, шиддат билан ҳаракат қилмоқ, жавлон урмоқ” маъноси ҳам кўрсатилган. Маъно исботи учун шоир

А.Орипов, А.Суюн асарларидан мисол берилган. Ўзбек тилининг шева, имло, терс, морфема, этимологик, талаффуз луғатларида эса чаппар/чаппор сўзи учрамайди.

Айтиш мумкинки, чаппор сўзи Жиззах шевасига хос сўз. Шоир бу сўзни ёшликда халқ нутқидан ўрганган, лекин асарида бу сўзга изоҳ бермаган. Ҳ.Олимжон томонидан ёзма адабиётга киритилган бу ибора сўнгги даврлар ижодкорлари нутқига ўзлашган. Изоҳли луғатнинг 2008 йил нашридаги чаппар урмоқ иборасининг 2-маъноси ҳам Ҳ.Олимжон томонидан ўзбек адабиётига ва ўзбек адабий тилига олиб кирилган. Негадир “Ойгул билан Бахтиёр” достонидаги бу матн ва маъно луғатда акс этмган. А.Орипов ва А.Суюн асарларида бу иборанинг қўлланишини адабий таъсир натижаси деб баҳоласа ҳам бўлади.

Ибора таркибидаги чаппар/чаппор сўзининг маъносини, қандай ашёнинг номи эканлигини аниқлаш мақсадида коллеж талабаларига топшириқ берилди. Талабалар эса, ёши 60-70 дан ошган Яккабоғ, Чироқчи, Қамаш, Дехқонобод туманлари кексалари нутқида мавжудлиги хабарини беришди. Талабаларимиз билан бирга Чироқчи туманининг Қалқама, Уйшун, Чиял, Кўкдала каби қишлоқлар мажмуига боришга тўғри келди. Ёши улуғларнинг барчаси шоир Ҳ.Олимжон қаламида адабий-бадий нутққа киритилган бу ашёни яхши билишар экан. Халқ нутқидagi номи – чапар. Чаппар – адабий тилга хос шакл, чаппор – Жиззах шевасидаги сўз.

20-асрнинг 60-йилларигача буғдойни хирмонжойда янчиш жараёнида чапардан фойдаланишган. Буғдой пояларининг ярми янчилиб бўлгандан сўнг хўпга қўшилган хўкизларга чапар тақилган. Чапар қўлда ясалган. Дарахтнинг даста, хода йўғонлигидаги шохлари бир-бирига терс ва ост-уст қилиб зичланиб боғланган. Шохлар ораларидаги тешик ва оралиқларга қайрағоч, терак, тол айри чўпларининг, қаттиқ пояли айрим ўсимлик илдизларининг учли қисми ерга қараб тиқилган. Уст қисми қалин шох-шаббали бўлади, таг қисми худди нампарга ўхшайдиган қилиб чўп терилган. Тузилиши ер юза қисмини юмшатадиган, кесакларни эзадиган сихмоладек бўлган. Устига хўп ҳайдайдиган ёш боланинг ўтиришига мўлжалланган. Ёки оғирроқ бўлиши учун тош, дон билан тўлатилган халта қўйиш ҳам кўзда тутилган. Чапар чала синдирилган ва янчилган ғалла пояларини хирмон юзасига чиқаради, хўкиз изларини йўқотади,

хирмон қатламини титиб поялар синишини, бошоқлар янчилишини тезлаштиради. Хирмон янчишда ғаллакор деҳқонлар ясаган ана шу янчиш ашёси халқ нутқида чаппар/чапар/чаппор аталган. Чаппар/чапар/чаппорни тескари ағдарганда шох, ўсимлик томири зич ва қалин наппар михчаларини эслатади. Чаппар/чапар/чаппорни – қишлоқ хўжалик ходимлари, ғаллакорлар узоқ ўтмишда яратган, ясаган ва хирмон янчишда қўллаган, у азалий мослама. 20-асрнинг 60-йилларида бу ашё-мослама кераксиз ашёга айланди, хотирадан чиқиб кетди. Лекин ибора таркибида бу сўз, ашё номи қолди. Маъноси унутилди. Унинг бирламчи маъноси зич ва қалин қилиб тикилган чўп, шох-шаббали мослама. Бу сўзга урмоқ сўзи қўшилгач, қалин, зич, тигиз, ёппасига очилмоқ маъноси юзага келган.

Юксак истеъдод, шеърий салоҳият соҳиби Ҳ.Олимжоннинг буюк хизмати шундаки, халқ нутқидаги чаппор урмоқ иборасини шеъриятга олиб кирди. Иборага назмий ҳаёт бахш этди. Энди бу ибора шеъриятимиз бағрида тўла яшаш мақомига эга бўлди. У янги-янги маънолар билан бойийверади.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ЛИРИКАСИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

**Манзура Пирматова, Тошкент Давлат
Аграр университети, Розия Хабохунова АДУ**

Шеърият - инсон қалбининг ўз-ўзини акс эттириши ва инъикосидир. Ижодкор танҳо ўзи, ёзув столи ёнида, ёлғизликда ижод қилади. Аммо шоирни, ижодкорни илҳомлантирмоқ даркор. Унга ҳаётнинг ўзи, атрофдаги одамлар илҳом бериши мумкин. Шоир қалбини фақатгина **муҳаббат** бунёдкорлик нури билан нурлантира олади - ватанга, халққа бўлган олий ва покиза муҳаббат!

Ана шундай тоза муҳаббат ила қалам тебратган ижодкор Ҳамид Олимжан адабиётга XX асрнинг 20-йилларида кириб келди ва ўз тенгқурлари ҳамда дўстлари Ғафур Ғулом, Ойбек, Уйғун, Яшин каби истеъдодли шоир ва ёзувчилар билан бир сафда ижодий фаолият бошлади.

Шоир лирикасининг мавзуси жуда ранг-барангдир. У Ватан ва она муҳаббати, халқ туйғуси, юрт гўзаллиги, фасл жилосини

куйлади. Шу **билан** бирга айтиб ўтиш керакки, ижодкор куйлаган сержилоликда маълум бир сюжет намоёндир.

Биламизки, адабий асарда тасвирланган ҳаракатнинг, воқеанинг мазмунини ифодаловчи воқеалар тизими, кенгрок маънода аниқ воқеалар тизимида намоён бўладиган характерлар тарихи бу - сюжетдир. Ҳаётни бадиий ифодалашда ва зарур ҳояни олға суришда сюжетнинг аҳамияти катта.

Ҳамид Олимжон шеъриятига назар ташлар эканмиз, у **халқнинг** бахтини мангулик қуёшга монанд топганлигини кўрамиз, яъни **унинг** шеърларида юртдаги ҳар бир фаслнинг ўзгача таровати халқнинг бахтини, истиқболини куйлаётгандек акс эттирилган. Шоирнинг “Ўрик гуллаганда” шеърида ана шундай ҳаётбахш лириканинг классик тимсолини кўриш мумкин:

Деразамнинг олдида бир туп,
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...

Ҳамма нарса мени қаршилар,
Ҳар бир куртак менга сўйлар роз,
Мен юрганда боғларга тўлар,
Фақат бахтни мақтаган овоз:

"Мана сенга олам-олам гул,
Этагингга сиққанича ол,
Бунда толе ҳар нарсадан мўл,
То ўлгунча шу ўлкада қол.

Умрида ҳеч гул кўрмай йиғлаб,
Ўтганларнинг ҳаққи ҳам сенда.
Ҳар баҳорни йиғлаб қаршилаб,
Кетганларнинг ҳаққи ҳам сенда..."

Шоир лирикасида табиат ва инсон ўртасидаги ўзаро мулоқоти жонли тарзда яққол намоён бўлади:

Майли, дейман ва қилмайман ғаш,
Хаёлимни гулга ўрайман;
Ҳар баҳорга чиққанда яккаш,
Бахтим борми, дея сўрайман.

Юзларимни силаб-сийпалаб,
Бахтинг бор, деб эсади еллар.
Этган каби гўё бир талаб,
Бахтинг бор, деб қушлар чийиллар.

Маълумки, ҳар бир асар сюжети асосида ётган ҳаётий зиддият мавжуд. Адабиётда мана шу зиддиятнинг уч тури эътироф этилади. Зиддиятнинг учинчи тури бу бевосита асар қаҳрамонларининг ички дунёсидаги қарама-қаршиликларнинг инъикоси сифатида улар характеридаги ожиз ва кучли томонларнинг кураши тарзида намоён бўлишидир:

Кабутардек юрак уринар,
Неча кундир сенсиз яшади.
Мана, кўрким, энди ҳар нафас,
Вужудимда ўт туташади.

Борлиғимда исмингни айтиб,
Чулғаб олар гўзал бир хаёл.
Ўша жилва ва ўша оташ,
Ўша кўзки, сузгин, хаёлкаш,
Ўша имо, ўша ишора
Эта бошлар юракни пора.

Юрт мавзуси, шарқ халқларининг бахтли тақдири мавзуси
Ҳамид Олимжон шеъриятида катта ўрин тутди. У бу ҳаётий мавзунини куйлар экан, бундай ёзади:

Мен шарқли шоирман , кўзнинг ёшлари,
Қўшиқ бўлганини кўрган куним бор.
Қўшиқ одамларни жангга ташлаган,
Қўшиқ кўнгиллардан кеткизган ғубор.

Ҳамид Олимжон шодлик ва бахт куйчиси сифатида алоҳида бир мактабнинг етук намояндаси бўлиб танилди. Унинг “Бахтлар водийси” шеърида юрт гўзаллигини “Бахтларни балоғатга етказган она” дея таърифланади:

Кўм-кўк, кўм-кўк, кўм-кўк,
Кўклам куёшидан кўкарган қирлар,
Пўлат яғринларни кўтарган ерлар кўм-кўк!...
Салқин сахарларда уйқудан турган,
Булоқ сувларига юзини ювган,
Мармар ҳаволарнинг қўйнига чўмган,
Зилол бўшлиқларга кенг қулоч қўйган,
Мустақиллик ишқи билан ёнган далалар кўм-кўк....

Шоирнинг лирик қаҳрамони ижодий меҳнат кишисидир. Қаҳрамоннинг кечинмаларида ватанга муҳаббат, фидокорона меҳнат туйғулари мужассамлашган. Мана шу туйғулар орқали ўлкамиз жамоли тасвирланади ва бу гўзаллик шеърда баҳор фасли гўзаллиги билан **уйғунлашиб** кетган.

Ҳамид Олимжон шеъриятининг шуълаафшон чўққиларидан бири унинг “Севги” шеърида ўз аксини топгандир. Унда ҳижрон дардлари, келажакдаги муқаррар висол ёрқин рангларда ифодаланади:

Бир тутам гул боқдим кўзингга,
Дедингки: “Эсдалик бўлсин, буни ол...”
Ўзимни йўқотдим, не дединг менга?
Тутганинг гулмиди ва ёким хаёл?

“Севги” шеърида шоир анъанавий сюжетдан фойдаланган. **Ошиқ ва** маъшуқа тимсоллари Улуғ Ватан уруши майдонларида ҳаракат **қилиши** билан реал кишиларга айланади. Улар Ватан озодлиги йўлида ҳалок бўлишлари мумкинлигини сезадилар, аммо бу фожиали якун ҳам **уларни** мардлик ва жасорат йўлидан қайтара олмайди:

Бугдой бошоғидай кўкка интилиб,
Мен шунда тупроқдан кўтарарман бош.
Сенинг қонларингдан ўсар қизил гул,
Ёқутга айланар сойлардаги тош.

Бахт суруридан маст бўлган лирик қаҳрамон ватан озодлиги учун курашда ўз бахтини ҳам, севгисини ҳам қурбон қилишга

тайёр. Зеро, унинг учун шахсий фароғатдан кўра халқнинг, юртнинг тақдири, истиқболи муҳимдир. Шоирнинг шеърий ижодида олға сурилган ғоялар шу нуқтага келиб ўзаро туташади:

Дунёни ёритар бизнинг севгимиз,
Иккимиз ҳеч қачон ўлмасмиз асло.
Ёру дўстларимиз, севган элимиз,
Биздан ризо бўлиб топар тасалло.

Шоир лирикасидаги сержилолик унинг чакмоқ каби бир яраклаган ижодининг авлодларга катта мерос бўлиб қолишига сабаб бўлди. Ҳамид Олимжон шеърияти мангуликдир.

Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.
Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам!

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ҲАМИД ОЛИМЖОН

Хурматой Дехқонова, ФарДУ магистранти

Ўзбек мумтоз адабиётининг чўққиси ҳисобланмиш Алишер Навоийнинг адабий мероси, хусусан, лирикаси кўп асрлардан буён адабиёт мухлислари ҳамда тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келаётир. Шоир ижодининг сирларини ўрганишга интилиш у ҳаётлигидаёқ бошланган эди. Бундай илмий текшириш ва кузатишлар ҳозир ҳам ғоят баракали тарзда давом этмоқда.

Навоий ижодининг сеҳри ва жозибасини кашф этишга бўлган иштиёқни ўзбек шеъриятининг ёрқин сиймоларидан бири Ҳамид Олимжон ижодида ҳам кузатиш мумкин. Ҳамид Олимжон 30-40 йилларда ўзбек адабиётининг ривожланишида муҳим ўрин тутган. Айниқса, унинг мумтоз адабиётга бўлган муносабати жуда ижобий эди. Шу боисдан у шеърий вазнларнинг барчасида (эркин, бармоқ, аруз) бирдек сермахсул ижод қилди. Ҳамид Олимжон шеъриятнинг бу бадиий имкониятларидан нафақат фойдаланди, балки уларни янада кенгайтириб, ривожлантирди. Ҳамид Олимжон Ўзбекистон

фанлар кўмитасида илмий ходим бўлиб ишлаб юрган кезларидаёқ Алишер Навоий ижодига ихлос билан қараган. Айниқса, улуғ шоирнинг 500 йиллик юбилеи муносабати билан асарларини кўп ўқиган, яхши тушунган ва уни ўзига устоз деб билган эди. Гарчи унинг жуда кўпчилик шеърлари буюк Навоий шеърлари шаклига ўхшамаса-да, мазмун ва моҳияти жиҳатидан унга ўхшашга интилан. Шулардан бири “Бўлсам”, “Куйгай” радифли ғазалларидир.

Ҳамид Олимжон ўзининг “Навоий – ўзбек тилининг яратувчиси” сарлавҳали мақоласида “Бизнинг буюк Алишеримиз шеър-поэзия бобида жаҳон адабиётининг энг биринчи ўринларида туради”, дея фахрланади. Шоир ғазалларида мумтоз адабиёт анъаналаридан фойдаланган ҳолда жуда нафис инсоний туйғуларни куйлайди.

На бўлғай бир нафас мен ҳам яноғинг узра хол бўлсам,
Лабинг япроғидан томганки гўё қатра бол бўлсам.

сатрлари Навоийнинг ошиқона байтларини эслатади.

Бундан ташқари, Ҳамид Олимжон “Фарҳод ва Ширин ҳақида”, “Навоий ва замонимиз” каби илмий мақолалар ҳам ёзиб, Навоий ижодини тубдан ўрганади. Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида инсоний туйғуларнинг гултожи ҳисобланган муҳаббат, вафо, инсонийликни қанчалик улуғлаган бўлса, Ҳамид Олимжон ҳам ўзининг “Зайнаб ва Омон”, “Ойгул билан Бахтиёр”, “Семурғ ёки Паризод ва Бунёд” дostonларида ана шу туйғуларни юксак пафос билан акс эттиришга интилади ва бу мақсадига эришади.

Алишер Навоий ўз дostonларида муҳаббат, киши шахсининг ҳуррияти, дўстлик, садоқат ва ботирлик ҳақидаги халқнинг энг гўзал истакларини сингдирган буюк бадий образлар – Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Дилором, Шопур ва бошқаларни яратган бўлса, Ҳамид Олимжон ҳам худди ана шу бадий мукамаллик йўлидан бориб, Зайнаб, Омон, Ҳури, Ойгул, Бахтиёр ва бошқа образларни яратди ва инсон қадр-қимматини, киши шахси эркини поймол қилувчиларга қарши ҳур инсонийлик байроғини баланд кўтаради.

Алишер Навоий ва Ҳамид Олимжон ижодидаги ўхшашликлардан яна бири аёл эркидир. Навоий Фарҳод ва

Ширин, Лайли ва Мажнун образлари орқали эркак ва аёлнинг маънавий савияси, инсоний хусусиятлари тенглигини кўрсатиб берган бўлса, Ҳамид Олижон ҳам ўз дostonларидаги Зайнаб, Омон, Ойгул, Бахтиёр образларига маънавий тенглик ғоясини юклайди.

Даҳо ижодкор А.Навоий ижодига бўлган қизиқиш Ҳ.Олимжонни бадий мукамаллик сари етаклади. У нозик ҳис-туйғулар куйчиси сифатида тан олинди. Унинг ҳар бир асаридан майинлик, латифлик, мусиқий оҳанглар, самимий туйғулар мавж уриб туради. Шу боис бўлса керак, Ҳ.Олимжон асарлари адабиёт аҳли томонидан ҳамиша севиб ўқилаверади.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ШЕЪРИЯТИНИНГ БАДИИЯТИ

Одинахон Иномидинова, АДУ аспиранти

Шундай ижодкорлар бўладик, уларнинг ҳар бир асари худди қўшиқ мисол қалблардан қалбларга, диллардан дилга кўчиб ўтади. Бошқача айтганда, бундай асарлар дил таржимони, ижодкорнинг қалб қиёфасидир. Буни Ҳамид Олимжон поэзиясида ҳам кўриш мумкин. Боиси шоир асарларида инсон қалбининг энг нозик ҳис-туйғулари ва кечинмаларидан иборат ички дунёси поэтик ифодаланган.

Ҳамид Олимжон дунёда энг улуғ зот бўлган инсоннинг юксак маънавий бойлиги ва беқиёс гўзаллигини шоирона санъат билан куйлайди. Ҳаётга муҳаббат, Ватанга садоқат, инжа туйғулар тараннум этилган шоир шеърияти ранг-баранглиги ва ҳар бир сатри нурга йўғрилганлиги билан ҳам диққатга сазовордир.

Бахт ва шодлик мотивлари шоирнинг ҳаёт мазмунига, эзгу мақсадига чамбарчас боғланиб кетган. Шоирнинг “Ўрик гуллаганда”, “Толеим шулким”, “Бахтимиз тарихидан”, “Бахт тўғрисида”, “Шодликни куйлаганимнинг сабаби”, “Ишим бордир ўша оҳуда” каби шеърларида бахт ва шоддик мавзуси қаламга олинган.

Тўғри, бахт, баҳор ҳақида ҳамма ҳам ёзиш мумкин. Бироқ Ҳамид Олимжон қаламга олган бахт мавзуси бутунлай ўзгача. Фалсафий фикрларга бой Ҳамид Олимжон лирикасида шоирнинг

олмос мисол жилоланиб турувчи рангин туйғулари ва ички кечинмалари ифодаланган.

Шоирнинг назарида бахт бўлмаса ҳаёт завқсиз ўтади. У “Ишим бордир ўша оҳуда” шеърида шундай деб ёзади:

Усиз менинг тинчим йўқолур,
Усиз юрак чолғусиз қолур,
Усиз эсдан чиқар одатим,
Унидилар бир саодатим...

Бинобарин, шоир бахтни куйлашни зўр бир саодат деб билади. Шунинг учун ҳам шоирга “дунё гўзал” кўринади. Шоирнинг бахти шундаки, унинг “Бағри шодмонлик, бахт билан тўлиқ бўлган ватан”да яшаётганидир. Шунинг учун шоир “Бахт тўғрисида” шеърида шундай хулосага келади:

Бахт топилмас ҳеч бир замонда,
Эл кул бўлса, бўлса яланғоч,
Жаннатларни яратган одам,
Натижада ўзи қолса оч.

Қувонч шулким, толе ёр бўлиб,
Бахтни топган элни кўролдим,
Асрларнинг қайғусин қарғаб,
Шодлик ва **бахт** куйини чалдим.

Демак, шоирнинг эътирофига кўра, унинг бахтли замонда яшаш шарафига муяссар бўлганлиги, “жаннатларни яратган одам”нинг бахтга эришганини кўриш бахтига мушарраф бўлганлиги унга “шодлик ва бахт куйини” чалиш бахтини ато этди. Аск ҳолда шоирнинг парвози бунчалар баланд, қанотлари эса мустаҳкам бўлмас эди.

Шоирнинг қайси шеърини олманг, уларнинг кўпчилигида “бахт” сўзи қайта-қайта тилга олинади.

Ҳар юракнинг бир баҳори бор,
Ҳар қалбга ишқ бўлар меҳмон,
Ҳар юракда гуллар муҳаббат,
Бўстон этар уни бегумон.

Лекин Лайли бошига келган,
Қора кунлар бизга ёт бутун;
Бизга ётдир Ширин **бахтини**,
Поймол этган у қоп —қора тун, —

деб ёзади шоир “Қар юракнинг бир баҳори бор” шеърида. Кўриниб турибдики, шоир шеърда “бахт” сўзига алоҳида урғу бериб ўтган.

Ҳамид Олимжон “Ўрик гуллаганда” шеъри бир қарашда баҳор ва ўрик гули ҳақида ёзилгандай туюлади. Лекин шеърни **синчиклаб** таҳлил этадиган бўлсак, шеърда бахт мавзуси кучлироқ жаранглайди. Чунки шоир “бахтим борми?” дея сўраганда шабада шоирга:

Юзларимни силаб, сийпалаб,
Бахтим бор деб эсади еллар.

Хатто шоирнинг бахтиёр эканлигидан қушлар ҳам дарак беради:

Этак каби гўё бир талаб,
Бахтинг бор деб қушлар чийиллар.

Шоирнинг бахтли эканлигини хаттоки дарахтлардан куртаклар бахти бор. У шунинг учун ҳам бахтиёрки, у енгилмас ва қудратли Ватанда яшаш бахтига муяссар бўлган.

Ҳамид Олимжонни киши руҳиятининг муҳандиси, десак янглишмаймиз. У қайси мавзунини қаламга олмасин, лирик қаҳрамон ички кечинмаларини маҳорат билан ёрита олади. Буни “Сен туғилган кун” шеъри мисолида кўришимиз мумкин.

Шеърнинг лирик қаҳрамони жангчи йигит. Бугун унинг севган қизи ўн тўққизга тўлади. Йигит эса ҳаёт-мамот жангларида, ёз ёмғирлари остида юриб ҳам севиқли қизини ўйлайди. Буни қуйидаги сатрлардан ҳам билиш мумкин:

Сенга томон талпиниб қалбим,
Бир қуш бўлиб учар ҳавога.
Мен кетидан қарайман ҳайрон,

Икки кўзим тўкиб самога.

Лекин йигит хавотирда: Севган ёри уни унутиб юбормасмикин? Қиз йигитни кутавериб қариб қолмасмикин? Ҳамид Олимжон йигитнинг бу нозик туйғуларини ўзига хос усул билан ифодалайдики, унга қойил қолмай иложингиз йўқ.

Ўн тўққиздан ошмай тур, гўзал,
Йигит сендан шуни сўрайди.
Йигит сени меҳр, садоқат
Ва ишқ гули билан ўрайди.

У келади албат қошингга,
Элга шоддик олиб келади,
Элга шодлик, омонлик ва бахт
Олиб довруғ солиб келади.

Сени тинмай эслайди ёрим,
У доимо содиқдир сенга.
Ўн тўққиздан ошмай кутиб тур,
У лойиқдир муҳаббатингга.

Албатта бундай самимий ўтинч севимли маҳбуб қалбига таскин беради, унинг қалбидаги ишқ-муҳаббат туйғуларини жўш урдириб, унинг севгисига бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Ҳамид Олимжоннинг ҳофизлар томонидан кўшиқ қилиб куйланадиган машҳур ғазали севги ҳақидаги энг гўзал кўшиқлардан бири ҳисобланади. Боиси ғазалда мангу мавзу бўлган муҳаббат мавзуси ўта нозик ва гўзал услубда куйланади:

На бўлгай бир нафас мен ҳам яноғинг узра хол бўлсам,
Лабинг япроғидан томган ки гўё қатра бол бўлсам.
Бутоғингга кўниб булбул каби хониш қилиб тунлар,
Ўпиб ғунчангни очмоқликка тонг чоғи шамол бўлсам.

Ҳамид Олимжон шеъриятида бундай бадий жиҳатдан юксак, тасвирий воситалардан моҳирона фойдаланилган асарлар жуда кўп. Шоир шеърятининг тили ҳам жуда гўзал ва бой,

халқона содда ва равонлиги билан алоҳида ажралиб туради. Дарҳақиқат, Ҳамид Олимжон моҳир лирик ва поэзия санъатининг энг юксак чўққиларини эгаллаган серқирра ижодкордир.

“МУҚАННА” ДРАМАСИНИНГ ПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Баҳром Жалилов АДУ, филология
фанлари номзоди, доцент**

Ҳамид Олимжон драматург сифатида “Муқанна”, “Жиноят” номли драмалар яратди. Тарихий шахслар ҳаёти асосида сюжет ва характер яратиш борасида “Муқанна” драмаси уруш даврида яратилган энг яхши асарлардан биридир.

“Муқанна” драмасининг муваффақияти тасодифий ҳодиса бўлмасдан, балки ижодий изланиш, меҳнат самарасидир. Шоир қатор поэмаларида йирик характерлар яратиб, катта ижтимоий-ҳаётий мазмунни эпик планда ҳаққоний, таъсирли ифодалаш, монолог ва диалоглар яратишда катта тажрибага эга бўлган ҳолда драматургияга қўл урди.

“Ўзбекистон қиличи” драмасини ишлаш борасида Н.Погодин билан ҳамкорлик қилиш Ҳ.Олимжон драматургик талантининг жило топишида муҳим восита бўлди.

Драма фабуласига Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобидаги Муқанна воқеаси асос қилиб олинди. Драматург, шунингдек, Бартольд, Вамбери, Якубовский, С.Айний сингари олимларнинг ишларига ҳам таянган ҳолда иш кўрди.

“Муқанна” бошлиқ ватанпарварларнинг арабларга қарши кураши фашизмга қарши кураш ғояси билан мустаҳкам боғланган. Наршахий китобида Муқаннанинг вилоятларга махсус нома билан ўз ташвиқотчиларини юбориб, халқни ўзини қўллаб-қувватлашга даъват этгани ёзилган.³

Ҳамид Олимжон тарихдан бу фактни олади ва ундан Муқанна образига боғлиқ сюжетни гавдалантиришга мослаб, ижодий фойдаланади:

Душманларнинг босқинидан қутулмоқ,
Қўпганларнинг, ўз устига кийиб оқ.

³ Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи.—Т., 1966 й.

Келиб қабул этсин менинг йўлимни,
Фақирларга узатаман қўлимни.
Менга келсин барча жабр кўрганлар,
Уйи куйиб кўча-куйда юрганлар.
Муҳаммади, Исоси ҳам ўзимман,
Иброҳими, Мусоси ҳам ўзимман⁴

Келтирилган парчаданок маълумки, Ҳамид Олимжон Муқанна нутқини индивидуаллаштиришда, унинг характеридаги жасурлик, мардонаворлик, ғалаба иштиёқи билан ёниш сингари хусусиятларини очишда бадиий тасвир воситаларидан кенг фойдаланган. Сўнгги байтдаги Муқанна ҳукмининг таъсирли чиқишида тавзе, тарсе сингари шеърӣ санъатлар муҳим роль ўйнаган.

Муқанна ва Баттол диалогларидаги, Муқанна нутқидаги анафора унинг характеридаги жўшқинликни эмоционал тарзда ифода этган:

Нима учун юрт чиқмайди оловдан?
Нима учун эл қутулмас таловдан?
Нима учун элни босган ҳашарот,
Дин, хирож деб ўз-ўзига қўйди от.

Муқаннанинг Баттолга бўлган нафрати, ундан ғолиб эканлиги тарсе санъати орқали ифода қилинган:

Гўрга кирсанг, қулоғингдан тортарман,
Кўкка чиқсанг, оёғингдан тортарман.

Наршахий Муқаннани “Боши кал, бир кўзи кўр бўлганидан ҳамиша боши ва юзига кўк парда тутиб юрар эди”, -деб хабар беради ва бир неча бетдан кейин Муқаннанинг эллик минг лашкари йиғилиб, “ўз эгамизнинг дийдорини кўрмас эканмиз, бу ердан қайтиб кетмаймиз”, -деганларини ёзган.

Драматург бу деталдан сюжетни таранг тортиш учун фойдаланган. Бош қаҳрамоннинг ҳамиша ниқобда юриши, Саййид баттол ва Ферузнинг қочиб кетиши қўзғолончиларни турли норозиликка олиб келади. Қўзғолончилардан Ҳаким

⁴ Ҳамид Олимжон. Асарлар. 3-том, 23-бет.

Муқаннани “мохов эмиш, афти хунук, кўзи кўр эмиш” деб аскарлар ўртасида иғво таркатади.

Душман хуружи кучайиб бораётган оғир шароитда бу гапнинг тарқалиши воқеа ва характерлар драматизмини янада кескинлаштиради, образлар талқинидаги ҳаётийлик ва жонлиликини оширади.

Мууқанна ўз сафдошлари саволига меҳр ва самимият билан жавоб беради:

Йўқ: мен – сизман, худди ўзингиз,
Бу кўзларим худди сизнинг кўзингиз.
Сизни йўлдан агар оздирса жинлар,
Пешонамда пайдо бўлар ажинлар.

Мисралардаги аллитерация, анафора каби шеърӣ санъатлар Муқанна нутқига жозибадорлик бахш этмоқда.

Ҳамид Олимжон Гулойин нутқини ишлашда халқ мақолларидан ўринли фойдаланган. Унинг нутқидаги “ойни этак билан ёпиб бўлмайди” мақоли негизида яратилган:

Оқча билан ўлчаб бўлмас у бошни,
Танга билан тўсиб бўлмас қуёшни,-

мақоли Муқанна ишининг тантанасига бўлган ишончни ифода этган. Ёки Гулойиннинг Баттолга бўлган нафрати ҳам мақол воситасида берилган “кўр асони йўқотади бир марта”.

Муқаннанинг ўлими ҳақида ҳам тарихий манбалар турли маълумотлар беради. Ҳамид Олимжон ғоявий ниятига мос бўлганини –Муқаннанинг ўзини оловда куйдириш фактини олади ва бу билан асар сюжетининг фожиавийлигини, қаҳрамонона ва романтик руҳини, оламини таъкидлашга хизмат қилдиради. Муқаннанинг ўлим олдидаги монологи курашчан руҳда, ғалабага чорловчи, юксак ғоявий характерда берилган:

Халққа айтинг мен асло ўлганим йўқ,
Ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ.
Мен элимнинг юрагида яшайман,
Эрк деганнинг тилагида яшайман.

Драма тўғридан-тўғри урушдаги жангчиларга қарата ёзилган эди. Шунинг учун ҳам Ҳамид Олимжон қаҳрамонлар монологига кўтаринки ва фалсафий рух, жанговар публицистик оҳанг ва сафарбарлик, чақириқ руҳини сингдиришга интилан. Унинг эҳтиросли ва оловли сўзлари тўғридан-тўғри китобхон-томошабин-жангчиларга қаратилган эди:

Таслим бўлиш мумкин эмас йигитлар,
Қаҳрамонга тамом ётдир бу ҳунар.
Қаранг, Ватан кул бўлиб соврилмоқда,
Ота-она оташда қоврилмоқда.

Ҳамид Олимжон юксак ғоя, поэтик либосга ўралган лирик шеърлари, “Муқанна” драмаси билан фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшди.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ШЕЪРЛАРИДА МАКОН МУНОСАБАТИНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ

Шоҳидахон Юсупова, АДУ
педагогика фанлари доктори

Маълумки, тилнинг табиати, хусусияти, моҳияти нутқий мулоқот жараёнида намоён бўлади. Унинг маъно хусусиятлари ҳам нутқ жараёнида амалга ошади. Сўзловчи эса воқеликда кечаётган ҳодисаларни турлича тасаввур қилади ва баён этади. Яъни шахс уни маълум **макон**, **замон** миқёсида тасаввур этади ва нутқий фаолиятда уни воқелантиради. Сўзлаш жараёнида доимо нутқни воқелик билан боғлаш ҳамда унга шахсий муносабат билдириш эҳтиёжи туғилади. Бундай эҳтиёжни амалга ошириш учун мулоқот кечаётган макон, замон тушунчаларини тўғри тасаввур этиш ўринлидир. Тасаввурда сўзловчи бевосита кўрмаётган, аммо сўзловчилар учун маълум бўлган предмет, воқеа, ҳодисага ишора қилинади:

Шағирлайди бетиним *дарё*,
Шағирлайди ваҳм тўлган *жар*.
Шағирлайди қоронғи дунё,
Шағирлайди *водий*., *даралар*

Шағирлайди... Бурмайди уйқу,
Хаёлларим бўлар паришон.
Бир изланиш бошланар менда,
Тушунчамга яна кирар жон.
Ҳолбуки тун – бунда, одатда,
Бутун *борлиқ* ухларди сокин.
Бутун *ер осмонга* ўраниб
Олар каби кундузидан тин...
Сойга тушдим, *кўкка* чикди ой,
Нур ёғилди оқ булутларга.
Нурга тўлди *дара*, тўлди *сой*,
Нур ёғилди қоронғи *жарга*.

Ҳ.Олимжоннинг “Ҳолбуки тун” шеъридан олинган парчада макон муносабати жуда чиройли акс эттирилган бўлиб, бунда дарё, жар, водий, даралар тасвири ўқувчи идрокини ривожлантириш, тасаввурларини кенгайтириш учун хизмат қилади. Тасаввурлар асосидаги таҳлил мурккаб жараён бўлиб, у ҳар қандай ўқувчининг асарни тўлиқ тушунишига эришишни кўзлаб ташкил қилиниши, бунинг учун ўқувчиларга бериладиган савол-топшириқлар ҳам уларнинг қизиқишларини жалб этишга қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Тасаввурнинг қай даражада тўғрилиги ўқувчиларнинг берилган савол-топшириқлар моҳиятини қанчалик теран англаб етишига, матн мазмунини идрок этиши, ҳиссиёти, ҳолатларига боғлиқ. Тасаввур асосидаги таҳлилда ўқувчиларда ҳаётий тажриба билан боғлиқ ҳолда ижодий тасаввур ҳам аста-секин шакллана боради.

Ўқувчи ўз тасаввурлари асосида макон, замон, шахс муносабатини аниқлай олса, мантикий фикрлашни тўғри амалга оширган ҳисобланади. Чунки S.C. Левинсон фикрича, дейктик марказни таркиб топтирувчи қисмлар тил ва нутқда алоҳида аҳамиятга эга:

1. Марказий шахс – сўзловчи;
2. Марказий вақт (замон) – нутқий ҳаракат ижро этилаётган вақт;
3. Марказий макон – сўзловчининг нутқий ҳаракат бажарилаётган пайтдаги ўрни;
4. Ижтимоий марказ – сўзловчининг ижтимоий мавқеи.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам тўрт ўлчовли майдон сифатида тасаввур қилинаётган дейктик майдоннинг марказида сўзловчи шахс туради. Кечаётган ҳодиса ҳақидаги ахборотни маълум қилаётган шахс замон ва маконни ўзи эгаллаган ўрнига, вақтига нисбатан белгилайди. Сухбатдошларнинг ижтимоий мавқеи ҳам сўзловчига нисбатан белгиланади. Воқеани идрок этаётган, унинг ҳақида фикр юритиш истагидаги сўзловчи масофа ўлчовини ўзидан бошлайди ва воқеа маконлари жойлашувини аниқлайди. Вақт ўлчови ҳам сўзлашувчидан бошланади, маълум қилинаётган воқеа қисмларининг “вақт чизиғи”даги жойлашувининг мантиқий модели сўзловчи тасаввурида қайта ишланиб, лисоний тус олади. Бошқача айтганда, воқеанинг ўтган, ҳозирги, келгуси замонда кечишини (кечганлиги, кечаётганлигини) белгилашда сўзловчининг мантиқий тафаккур фаолияти муҳим ўрин тутди (S.C. Левинсон)¹. Шунингдек, воқеанинг қаерда кечишини белгилашда ҳам мантиқий фикрлаш амалга ошади. Чунки формал мантиқ қондасига кўра, **замон, макон, шахс** ўртасидаги алоқадорликни тўғри билиш муҳим аҳамиятга эга.

“Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарсларида ўқувчилар нутқини ривожлантириш, фикрлаш қобилиятини ўстириш, мантиқий фикрлашни тўғри амалга ошириш учун тил ва адабиёт дарсларини алоқадорликда ўрганиш фанлараро интеграция масаласини ижобий ҳал қилишга ёрдам беради. Шу асосда она тили дарсларида ўқувчиларга Ҳ.Олимжоннинг “Ҳолбуки тун” шеъри проектор орқали кўрсатилади ва ундан макон муносабатини билдирувчи сўзларни топиб, унга изох беришлари талаб этилади.

Шеърий матндан маконни ифода этувчи сўзларни аниқлагандан сўнг, бундай сўзларни ўқувчилар ўз тасаввурлари асосида таҳлил этадилар, уларга изох беришлари талаб этилади. Жумладан, *дарё, жар, водий, дара, борлиқ, ер, осмон, сой, кўк, коинот* каби сўзларнинг а) луғавий маъносини изохлаш; б) уларнинг кўринишини тасвирлаш; в) ундан сўз бирикмаларини ҳосил қилиш; г) шеърдаги сўз ясовчи қўшимчаларни топиш; д) шеърда ишлатилган такрор (шағирлайди) сўзлар ва уларнинг услубий вазифасини аниқлаш, шунингдек, а) макон муносабатини акс эттирувчи сўзларда баҳор келганда табиатда

¹ Бу ҳақда қаранг: Сафаров Ш. Прагматингвистика. -Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. 166-бет.

содир бўладиган қонуний ўзгаришларни ифодалаш ҳам талаб этилади.

Она тили дарсларида шеър матни устида ишлаш, унинг мантикий, эстетик мазмунини англаш, ундаги асосий жиҳатларни ажрата билиш, улар ўртасидаги боғланишларни кузата олиш, фикрини асослай билиш ўқитишдаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Чунки “маълум вақт оралиғида бажарилган ақлий иш кўлами ва сифати – тафаккур мустақиллиги, маҳсулдорлиги ҳамда самарасини ўлчаш мезони бўлиб хизмат қилади”. Тил ва адабиёт дарсларини кўшалок ҳолда ташкил этиш эса кутилган натижага эришиш гарови ҳисобланади. Бундай мақсадни амалга оширишда Ҳ.Олимжоннинг “Ҳолбуки тун” шеъри мисол бўлади.

Сўзни идрок этиш, англаш, билиш, ўрганиш ҳаётий фаолият турларини билиш демакдир. Шу боис, матнлардаги **шахс, макон, замон** муносабатини ўрганиш кутилган натижани беради.

Тил таълими ҳам ижтимоий, кундалик фаолиятда мавжуд бўлган ва янгидан юзага келадиган ҳодисалар, вазиятларни англаш ва уларни лисоний баён қилиш малака ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилмоғи керак.

Воқелик, макон, замон баёнини мулоқот муҳити билан боғлаш кўникмасига эга бўлган ўқувчигина лисоний билимга эга бўлиши мумкин. Лисоний фаолият инсон онгли фаолиятининг ажралмас қисми. У лисон ва ижтимоий тажриба уйғунлигида кечади. Тил таълимининг когнитив асослари айнан шу тамойилга асосланади⁵. Бундай тамойил, албатта, ўқувчиларни излашга, шахс, макон, замон муносабатларини тўғри амалга оширишга имкон беради, борлиқни англаш, тушуниш илми тўғри амалга оширилади.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ШЕЪРИЯТИДА СЎЗ СЕҲРИ

Лазокатхон Жалолова, АДУ
филология фанлари номзоди

Ҳамид Олимжон шеърияти ижодкорнинг ички кечинмаларини, унинг дунёқарашини, қалб торларининг энг

⁵ Сафаров Ш. Прагмалингвистика.-Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. 166-бет.

нафис, энг нозик оҳанглари акс эттиради. Шоир руҳияти, ижодий уфқлари, қалби, сирли туйғулари унинг шеърларида бор гўзаллиги билан намоён бўлади. Шунинг учун ҳам бетакрор шеърият соҳиби Ҳамид Олимжон шеърлари, мана бир асрдирки, ҳануз кутб юлдузидек чакнаб, китобхонларни ўзига чорлаб турибди.

Шоир шеърлари мавзу жиҳатидан ранг-баранг, бадий жиҳатдан сеҳрга тўладир. Унинг ижодида пейзаж лирикаси алоҳида ўрин тутди. Ҳамид Олимжон чинакам табиат шайдоси бўлиб, ундаги гўзалликни, унинг бутун латофатини қалбдан, меҳр билан куйлайди.

Кўм-кўк,
 Кўм-кўк,
 Кўм-кўк,
Кўклам куёшидан кўкарган қирлар,
Пўлат яғринларни кўтарган ерлар
 Кўм-кўк...

деб ёзар экан, шоир бахмал водий манзарасини, водий узра отаётган янги ҳаёт тонгини маҳорат билан тасвирлайди.

Ҳ.Олимжон табиатдаги ранглар жилосини, садолар рангини нозик ҳис этади:

Салқин саҳарларда
 уйқудан турган,
Булоқ сувларига
 юзини ювган.
Мармар ҳаволарнинг қўйнига чўмган,
Зилол бўшлиқларга
 кенг қулоч қўйган,
Мустақиллик ишқи билан
 ёнган далалар
 кўм-кўк

Бу мисраларда бетакрор тасвирий воситаларнинг ўринли қўлланишини кўрамыз. Шоир жонлантиришнинг ташхис кўриниши (*уйқудан турган, кенг қулоч қўйган, ишқи билан ёнган*), оҳорли сифатлашлар (*пўлат* яғрин, *мармар* ҳаво, *зилол* бўшлиқ),

такрор (*кўм-кўк*) ва градациядан санъаткорона усталик билан фойдаланади.

Ҳ.Олимжон шеърларида ошуфта шоир қалбининг муҳаббат туйғулари салмоқли ўринни эгаллайди. Шоир муҳаббатга, унинг беқиёс кучига ишонади:

Ҳар юракнинг бир баҳори бор,
Ҳар бир қалбга ишқ бўлар меҳмон.
Ҳар юракда гуллар муҳаббат,
Бўстон этар уни бегумон.

Бу парчада эса анафора (*ҳар юрак, ҳар бир қалб*) ва ташхис (*бўлар меҳмон, гуллар муҳаббат, бўстон этар*) шоир мақсадини амалга оширишда муҳим восита вазифасини ўтаган.

Ҳ.Олимжон беадад муҳаббат эгаси эди. Шоир ўз қалбидаги севги туйғуларини “*Хаёлинг-ла ўтади тунлар...*”, “*Хаёлимда бўлдинг узун кун...*”, “*Соғинганда*”, “*Кечир мени, нозли малагим*”, “*Севги десам, фақат сен десам...*”, “*Савол*” каби гўзал шеърларида зўр эҳтирос билан ифода этади ва уларда параллелизм ва метафорадан унумли фойдаланади. Масалан:

Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда.
Шунда кўрди кўзим баҳорни,
Шунда қалбим таниди ёрни.
Қушлар сайрар жонимга пайваст,
Мен севгининг бўйи билан маст.

Бу оташин мисралар шоирнинг ишқ сеҳридан масрур, бахтиёр ҳолатини ёрқин намоён этади.

Инсон ўз севгиси, муҳаббати билан бахтли бўлади, ўзини беҳад бахтиёр ҳис этади. Юрагида муҳаббати бор инсонга эса олам, борлиқ, гўзал ва фусункор кўринади. Шоир бу ҳолатни шундай тасвирлайди:

Бахтим борки, ҳар нарса гўзал,
Кўринади менинг кўзимга.

Ҳ.Олимжон теран ақл, нозик таъб, кенг хаёл, зукко нигоҳ, юксак руҳий куч ва ирода, салоҳият эгаси эди. Унинг ижоди ифода имкониятларининг кенглиги, серқирралиги, асарларининг мавзу кўлами, ғояси, бадиияти ва тимсоллар тизими билан кенг китобхонлар қалбидан ўрин олган.

Шоир бир шеърида:

Тушмаса юзга ҳеч ажиндан из,
Яна бир муддаоки, ҳал бўлса.
Бахтимиз борҳо ёйиб илдиз,
Умримиз бир аср тугал бўлса. -деб ёзган эди.

Шоирнинг ўзи жисман қисқа яшаган бўлса —да, лекин унинг бадиий мероси, яратган асарлари аср юзини кўрди. Мана юз йилдирки, шоир номи ва шеърияти барҳаёт.

Ҳ.Олимжон серқирра ижодкор сифатида халқнинг орзу-армонларини куйлагани учун ҳам, у яратган асарлар, шоир номи, авлоддан-авлодга, тилдан-тилга кўчиб, бундан кейин ҳам абадиётга дахлдор бўлиб қолаверади.

“ҲОЛБУКИ ТУН” ШЕЪРИДА ПОЭТИК ТАСВИР

**Дилдора Абдуллаева, АДУ
филология фанлари номзоди**

Шеър ижодкор бадиий тафаккурининг маҳсулидир. Табиат ва жамиятдаги воқеа-ҳодисаларнинг бадиий ифодаси лирикада ўз аксини топиши, шубҳасиз.

Ҳамид Олимжоннинг табиат тасвирига бағишланган шеърида лирик қаҳрамон олами, руҳияти яққол намоён бўлади. Шоирнинг “Ҳолбуки тун” шеъри тун манзарасини кузатаётган шахснинг ички кечинмалари, ҳиссиёти талқинига бағишланган.

Лирик қаҳрамон тун манзарасини дарёнинг қаршисида кузатади. Тунда ҳаммаёқ сокин, шунинг учун бўлса керак, ушбу ажабтовур сукунат ҳар қандай инсонни беихтиёр равишда ўйларга чўмишига сабаб бўлади. Лекин ҳаёт давом этаётгани, ҳеч бир нарса тиним билмаслиги англашилади.

Одатда, сувнинг оқиши давомида чиқадиган овоз “шовулламоқ”, “шилдирамоқ”, “жилдирамоқ” каби сўзлар билан ифодаланади. Ҳамид Олимжон дарё сувини эса “шағирлайди”

деган ўзига хос сўз билан тасвирлайди. Дарёнинг шағирлаши эса бутун борлиқни қамраб олади. Шоирнинг назарида “ваҳм тўлган жар”, “қоронғу дунё”, “водий, даралар” – ҳаммаси дарёга қўшилиб шағирлайди. Ана шу овозлар шоирга уйқу бермайди, бу манзара унинг илҳомини кўзғатади.

Дарё суви ва осмон тунда уйғунлашиб кетгандай туюлади. Бу ҳолат-манзарани шоир ернинг осмонга ўраниб ухлашига қиёслаб, ўзига хос тасвир этади. Лирик қаҳрамон тун манзарасидан ҳаяжонланиб сойга тушганда қуйидаги ҳолат рўй беради:

*Сойга тушдим, кўкка чиқди ой,
Нур ёғилди оқ булутларга.
Нурга тўлди дара, тўлди сой,
Нур ёғилди қоронғи жарга.*

Тунда ойнинг акси сувда жимирлаб, ялтираб кўринади. Гўё ой сув ичида сузаётгандек бўлади. Лирик қаҳрамон сойга тушганда эса ой осмонга чиқиб кетгандай тасаввур беради. Шоир “Сойга тушмоқ” ва “кўкка чиқмоқ” антонимик сўзларни қўллаб тасвирни янада жонлантиради. Сойга тушган одам албатта сувни бутун вужуди билан ҳис қилишни истади. Сувни икки қўли билан боши узра сочганда эса ўзига хос завқ пайдо бўлади. Сочилган сув зарраларининг гўё булутларга кўчишини шоир “нур сочилди”, “нур тўкилди”, “нур таралди” деб эмас, балки “ёғилди”, яъни нурга тўлиқ кўмилди маъноси билан ифодалайди.

Мисралар бошида нур сўзининг такрори анафора услуби орқали шоир таъкидни кучайтирган. Осмондаги ойнинг нури, юлдузларнинг ёғдуси, сувнинг ялтираши ўзаро уйғунлашиб кетади. Бу ёғдулар сирасига лирик қаҳрамон кўзларидаги аксланиш қўшилади.

Зилол сув остидаги тош ҳам ялтираб, товланади. Бу тасвирни шоир “Ой нурига чўмилувчи тош” каби ташхис билан ифода этади. Одатда тоза, соф, тиниқ сифати “зилол” шаклида сувга нисбатан қўлланилади. Шоир эса булутлар ҳақида шундай тасвир яратади.

*Кўзим тикдим парху булутлар,
Кўчар эди зилол ва тоза.*

*Лочин каби самолёт учар,
Учар эди солиб овоза.*

Тунда атроф, бутун дунё қоронғиликда қолгандай бўлади. Лекин лирик қаҳрамон кузатаётган тун манзасидаги ёруғлик, нурлар қаторига энди самолёт чироқларининг нури қўшилади.

Шоир тун манзарасидан ҳаяжонга тушиб, ўз ҳисларини қоғозга туширар экан, қалбидаги туғён қалам тутган қўлларига кўчади, қўллари титрайди.

Лирик қаҳрамон тун манзарасини кузатибгина қолмай, табиат ва борликда кечаётган ҳодисалар ва ҳаракатларда ўзи ҳам қатнашади. Демак, у ўзини табиатнинг бир бўлаги деб ҳис қилар экан, бу туйғудан у жуда мутаассир бўлади. Шағирлаган дарёнинг овози энди осмону ҳавога кўчади. Энди бутун коинот шағирлайди.

Шеърнинг дастлабки бандида “шағирлайди” сўзи қўлланган бўлса сўнгги банда эса “шағирларди” ўтган замон давом феъли шаклидан фойдаланилганки, бу шакл дарё, осмон, ҳаво, умуман бутун коинотда маълум бир вақт (тун)да узлуксиз такрорланиб турган ҳаракатни ифодалайди. Демак, гарчи тун ниҳоясига етган бўлса-да, лекин ҳаёт давом этмоқда. “Шағирларди” сўзидаги “р” товушларининг кетма-кет келган бўғинларда қўлланиши ўзига хос оҳангни берса, банд бошида бу сўзнинг такрорланиши, яъни анафорани шоир таъкидламоқчи бўлган фикрни юзага чиқарган:

*Шағирларди осмон ва ҳаво,
Шағирларди бутун коинот.
Шағирларди бетиним дарё,
Шағирларди дарёда ҳаёт...
Ҳолбуки тун...*

Ҳамид Олимжон табиатни яқиндан ҳис қилган хассос шоир сифатида табиат манзараларини образли тасвирлай олган. Унинг поэтик тасвир яратиш услуби ўзига хослиги билан давр синовларидан ўтиб яшайверади ва китобхонлар қалбини ром этаверади.

ҲАМИД ОЛИМЖОННИНГ АДАБИЁТШУНОСЛИК ФАОЛИЯТИ

**Муқаддас Тожибоева, АДУ,
филология фанлари номзоди**

Мамлакатимиз адабий ва илмий жамоатчилиги томонидан таваллудининг 70 йиллиги кенг нишонланаётган беназир ижодкор Ҳамид Олимжон нафақат шоир, дostonнавис, эртаки, балки маданий меросимизнинг синчков тадқиқотчиси, фаол тарғиботчиси сифатидаги фаолияти билан ҳам ўзбек адабиётининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшган ижод соҳибидир.

Ҳамид Олимжоннинг илмий тадқиқот асарларида йирик назарий масалаларни қўйишга ва уларни аниқ фактлар асосида ҳал қилишга, илмий далиллашга ҳаракат қилади. Бой адабий меросимиз билан фахрланган Ҳамид Олимжон адабий меросимизни чуқур ўрганиш ва уларни халқ мулкига айлантириш йўлида баҳолиқудрат изланишлар олиб борган. Натижада Алишер Навоий, Муқимий сингари шоирларимиз ижодининг моҳиятини очиб берувчи қатор мақолалари пайдо бўлди. Қардош халқлар адабиётидан Пушкин, Лев Толстой, Маяковский, Якуб Колас, Тарас Шевченко каби номдор адиблар ижодиётига ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлди ва уларга бағишланган жиддий мақолалар ёзди.

Ҳамид Олимжоннинг илмий фаолияти ҳақида гап кетганда, унинг шоирлар султони бўлмиш Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасидаги хизматларини алоҳида таъкидламоқ зарур. Зеро Ҳамид Олимжоннинг тадқиқотчиликдаги маҳорати Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини тадқиқ этишда бутун қирралари билан ёрқин намоён бўлди. Тадқиқотчи Ҳамид Олимжоннинг Навоий асарларига бағишланган мақолаларининг номини санашнинг ўзиёқ бу фикрни тасдиқлаши мумкин: “Ўзбек халқининг улуғ шоири Навоий”, “Фарҳод ва Ширин образлари ҳақида”, “Алишер Навоий ҳақида”, “Навоий ва замонамиз”, “Фарҳод ва Ширин ҳақида”, “Адабиётимизнинг буюк асос қурувчиси”, “Навоий ва халқ” ва ҳоказо.

Тадқиқотчи Ҳамид Олимжон Навоий ҳақидаги мақолаларида асарларини чуқур таҳлил қилиш, ҳаётдаги ижтимоий фаолиятини очиб бериш орқали “Навоий ўз асрининг энг катта шоиригина эмас, энг катта олими ҳам эди. Навоий ўз ҳомийлигида тарихчиликни тараққий қилдирди, санъатшуносликка, музикачиликка, рассомликка, ҳайкалтарошликка раҳбарлик қилди. Навоий тил илмининг бошида турди. Навоий кўл остида жуда кўп шоирлар етишдилар” деган илмий хулосани беради.

Мазкур мақолаларда Ҳамид Олимжон бир мақоладан иккинчисига ўтган сайин ўтмиш адабий меросига муносабат масаласига тоборо чуқурроқ кириб борганини сезиш мумкин. Тадқиқотчи дастлаб Навоийнинг ўзбек адабиёти тарихидаги ўрнини, унинг миллий адабиёт ва санъатни ривожлантиришдаги хизматларини белгилашга катта аҳамият қаратган. Кейинги ишларида эса Ҳамид Олимжон ўзининг улуғ шоир ҳақидаги тушунчаларини деталлаштириш йўлидан боради. Энди у асосий диққатини Навоийнинг бадиий образ яратишдаги маҳоратига, аниқроғи, шоирнинг ижод лабараториясига қаратади. Унинг “Фарҳод ва Ширин” образлари ҳақида”, “Фарҳод ва Ширин ҳақида” мақолалари фикримизни далиллайди. Тадқиқотчи ўз мақолаларида Фарҳод ва Ширин афсонасини асрлар оша халқ қалбида яшаб келаётганлигининг сабаби “зоҳиран икки киши ўртасидаги севги фожиасининг тарихидан иборат бўлиб кўринган бу асарнинг асосида жуда чуқур инсоний фикрлар, туйғулар” ётганлигида деб белгилайди. Бу туйғу ва фикрларни ҳар бир образнинг таҳлили орқали очиб беришга муваффақ бўлади. Фарҳод образи ҳақида гапирар экан, “Фарҳод тафаккур, онг-идрок кишисидир. Навоий Фарҳод руҳида буюк одам образини яратган” деган асосли хулосани беради.

Ҳамид Олимжон мазкур асарни эстетик жиҳатдан таҳлил қилар экан, албатта, асарга, ундаги образларга баҳо беришда шарт –шароит ва муҳитни эътиборга олади, бадиий асар нафосатини чуқур ҳис қилади, воқелик ва образлар талқинида ҳам ўткир фикрларни лўнда, мухтасар ифодалаш йўлини тутди. У кўп гапирмайди, аммо маъқул гапирди.

Ширинга баҳо беришда ҳам айнан шу йўлдан боради: “Агар Ширин Фарҳоддан маънан заррача кам бўлса эди, икки ўртада ҳеч қандай гармония юзага келмас ва бундай умрбодлик дўстлик

достони ҳам тўқилмаган бўлур эди. Агарда Шириндаги мардлик ва садоқат Фарҳод билан тенг бўлмаганда эди, Фарҳод ҳам ўз севгисига бунчалик баланд кўтарилмаган бўлар эди. Фарҳод ҳаётини маънан тўлдирган Шириндир”.

Тадқиқотчи Ҳамид Олимжоннинг услуб талаби ана шундай: сўзда аниқлик, ўткир фикр, сермаъно фикрларни лўнда ва мухтасар ифодалаш. Шунинг учун ҳам унинг фикрлари ортиқча изоҳ талаб қилмайди.

Кўринганидек, Ҳамид Олимжон Навоий асарларига ниҳоятда меҳр-муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлган. Уларни тарғиб-ташвиқ қилишда даврнинг фаолларидан эди, Навоийга бағишланган бир қанча мақолалар ёзган, Навоий таваллудига бағишланган анжуманларга бош-қош бўлган, Навоий ижодига оид тадқиқотлар учун доимо материаллар йиғиб борган, бир сўз билан айтганда, ўзбек навоийшунослигига, Шарқ миллий тафаккурига муносиб ҳисса қўша олган адабиётшунослардан бири бўлган, десак хато бўлмас.

Ҳамид Олимжоннинг адабиётшунослик фаолияти Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш билангина чегараланмайди. Унинг Муқимий, қардош халқлар адабиётини ўрганиш борасидаги хизматлари ҳам озмунча эмас. “Муҳаммад Амин Муқимий”, “Ўзбек халқининг ўлмас шоири”, “Салом Пушкин”, “Толстой ва ўзбек халқи”, “Тарас Шевченко”, “Жамбул ва халқ”, “Якуб Колас”, “В.В.Маяковский ҳақида” сингари мақолалари ана шу хизматларининг натижасидир.

Унинг мақолаларини характерли томони, Ҳамид Олимжоннинг бошқа адабий танқидий асарларига ўхшаб у ёки бу масалани текширишда ғоявий-эстетик таҳлилни фалсафий таҳлил билан биргаликда олиб борилганлигидир.

Тадқиқотчи Муқимий ҳақида ёзган мақолаларида шоир яшаган давр ва ижодиётининг умумий руҳияти хусусида шундай фикрларни ёзади: “Муқимий ўз ижодини ўзбек халқи тарихида энг қора ва энг мудҳиш кунларда бошлади. Муҳаммад аминхўжа Муқимийнинг шоир сифатида майдонга чиқиши қора булут босиб ётган адабиёт осмонида бир яшин чакнагандек, қуёш чиққандай бўлди. Муқимий ғазалларидаги ҳоким руҳ – протест руҳи, норозилик руҳи, алам ва фарёд руҳи эди”.

Мақолада шоирнинг таржимаи ҳолига алоқадор маълумотларни келтиради, ижтимоий ва ҳажвий асарларини кенг

ва батафсил таҳлил қилади. Булар ҳозирги кун адабиётшунослари ва китобхони учун оддий маълумот бўлиб туюлиши мумкин, аммо мақола ёзилган даврни ҳисобга олганда, 30-40 йилларда Муқимий ижодини ўрганишнинг дастлабки намунаси сифатида муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, Ҳамид Олимжоннинг мазкур мақолаларидан кейин Муқимий шахси ва унинг ижодига мўътадил ёндашиш бошланди дейиш мумкин.

Бундан ташқари Ҳамид Олимжоннинг бир неча мавзуларга оид, хусусан, халқ оғзаки ижодиётига оид тадқиқотлар учун материаллар йиққанлиги маълум.

Шулардан келиб чиқиб, булар ҳақида ҳам йирик тадқиқот асарлари ёзишга аҳд қилган деган тахминни илгари суриш мумкин.

Хуллас, Ҳамид Олимжон ҳассос шоир, дostonнавис, таржимон бўлиш билан бир қаторда дунёқараши, билиб доираси кенг адабиётшунос олим ҳамдир. У қайси бир ижодкорнинг ҳаёти ва ижодиётини қаламга олса, ўзига хос миллий тафаккур тарзи нуқтаи назаридан муносабат билдирди.

Немис файласуфи, ёзувчи Иоганн Гердернинг шундай гапи бор: “мутафаккирларнинг фикрлари билан танишиш мия учун тенгсиз машқ: ақлга ақл қўшади ва фикрни чархлайди”.

Шунингдек, Ҳамид Олимжоннинг принципиал ўзига хос хусусиятлари намоён бўлган адабий меросга тааллуқли мақолаларида айtilган ёрқин фикрлар бугун яшашга ҳақли. Файласуф ёзганидек, бундай фикрларни ўқиш ва уқиш “ақлимизга ақл қўшади ва фикримизни чархлайди”. Зеро, яхши фикрларни қайта-қайта ўқиш ва такрорлаш ҳеч қачон ортиқчалик қилмаган.

ҲАМИД ОЛИМЖОН АСАРЛАРИДА ИЧКИ ЗИДДИЯТНИНГ РЕАЛЛАШУВИДА АНТОНИМЛАРНИНГ ФУНКЦИЯЛАНИШИ


**Ҳафизахон Зокирова, АДУ,
Тилшунослик кафедраси катта ўқитувчиси**

Бадиий асарнинг ғоявий-бадиий қимматини оширишда ҳар бир шоир ва ёзувчининг халқ тили бойлигидан ўзига хос тарзда фойдаланиши муҳим аҳамиятга эга. Ижодий ёндашиш бадиий

асарнинг мазмунлилик, мукамаллилик касб этишини таъминлайди. Шоир ва ёзувчилар воқеликни, нарс ва ҳодисаларнинг белги-хусусиятларидаги фарқли томонларини кўрсатишда, бир-бирига қарама-қарши қўйиб тасвирлашда – контрастлар, антитезалар⁶ ҳосил қилишда антонимлардан ўринли фойдаланади. Жумладан, Ҳамид Олимжон бадий объектнинг ички зиддиятини усталик билан очишда халқ тили бойлигидан, унинг лексик воситаларидан, айниқса, антонимлардан унумли фойдаланган. Шоир антонимлардан турли воқеа-ҳодиса ва предметларнинг белгиларини беришда, лирик қаҳрамоннинг ички зиддиятини ифодалашда, қаҳрамоннинг воқеаларга бўлган муносабатини ифодалашда антонимлардан фойдаланган. Масалан:

Шудир кизнинг бошидаги ғам,
 Шудир атир сочувчи раъно,
 Шудир аччиқ ва ширин маъно
 Шудир этган қиз кўксини оқ
 Ва йигитнинг кўкрагини тоғ⁷.

Юқоридаги мисолда *аччиқ-ширин* антонимик жуфтлик ишлатилган бўлиб, ҳар иккиси *маъно* сўзига боғланаяпти. Шу ернинг ўзида маънодаги ички зиддият реаллашаяпти. Бунини қуйидагича тасвирлаш мумкин:



Ҳамид Олимжон антоним сўзларни қўллаш билан контраст образлар яратади ва асарларда ифодаланаётган драматизмни кучайтиришга эришади. Бу жиҳатдан шоирнинг “Бахт тўғрисида” шеъри характерли.


Кўплар ўтди, кўпгина одам
 Таний олди дўзахни, ўтни,
 Дунё деди кўзни очди-ю
 Лекин кўрди фақат тобутни.

⁶ Қаранг: Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. Тошкент, 1970, 30- бет.

⁷ Ҳамид Олимжон. Асарлар.5 томлик. 2-том. Тошкент, 1971, 153- бет.

Шодлик истар эди барчаси,
Лекин келиб кучарди мотам.
Хурсандликка зор дийдаларда,
“Шодлик мен” деб кулар эди ғам⁸.

Бу шеърдаги ички зиддиятни қуйидагича тасвирлаш мумкин:



Бу матнда яна *дунё – тобут, шодлик – мотам* сингари контекстуал антонимларнинг қўлланиши контрастли образлар яратади.

Ҳамид Олимжоннинг ички зиддиятни очиш имкониятларидан моҳирона фойдаланганлигини яна шунда кўришимиз мумкинки, у *олов, тонг* каби поэтик интонацияли сўзларни қўллаш зарурати туғилганда, бу сўзлар олдидан эпитет келтириб, уларнинг ички мазмунини тескарисига, қарама-қарши қутбга йўналтиради. Масалан:

Сенинг кўз илғамас майдонларингда
Жаҳаннам қўрқажак жанглари кўрдим.
Бир қарра ёв ўтган ўрмонларингда,
Кўмирдан ҳам қора тонгларни кўрдим.⁹

Келтирилган парчада мисралардан бирини *кўмирдан ҳам қора тунларни кўрдим* дейиш ҳам мумкин эди, аммо бундай ҳолни туннинг қора зулмати *кўмирдан ҳам қора* эпитети билан контраст ҳосил қилмас эди. Кузатишлар шуни кўрсатадики, шоир лирик образларнинг ички зиддиятларини очишда қуёш – зулмат, қуёш – булут, кеча – кундуз, кун – тун, кундуз – оқшом, баҳор – қиш, ўт – сув сингари антоним ва контекстуал антоним сўзлардан унумли фойдаланган. Масалан, Ҳамид Олимжоннинг “Кел” шеъридаги қуйидаги мисраларга эътибор берайлик:

Биз баҳор, қаршимизда қишлар бор,
Биз олов, қаршимизда сувлар бор.
Бизни кўплар битирмоқ истади,

⁸ Ҳ.Олимжон. Мукамал асарлар тўплами. 10 томлик. 1- том. Тошкент, 1979, 233- бет.

⁹ Ўша асар. 289-бет.

Яна ўз ўртамизда бир дайди
Бўш хаёлларга бўлди ул кун ёр¹⁰.

Кўринадики, баҳор – қиш, олов – сув антонимлари шоир қалами остида ўша 20-йилларнинг жўшқин, мураккаб бўлган ички зиддиятини ҳаққоний акс эттирган.

Ҳамид Олимжон асарларида антонимлар турли стилистик мақсадларда қўлланилган бўлиб, асарнинг ғоявий-бадий қийматини, ички зиддиятни очишда муҳим фактор бўлиб хизмат қилган.

ХАМИД АЛИМДЖАН

Зухра Касимова, АГУ, ассистент

Ҳамид Алимджан родился в 1909 году в семье труженика, в городе Джизаке, который стал центром народных волнений 1916 года. Он учился в джизакской школе, которую окончил в 1923 году. Продолжал образование в Самаркандском педагогическом училище и окончил в 1928 году. Затем Хамид Алимджан учился до 1931 года – на общественно-экономическом факультете Педагогической академии.

Большого мастерства достиг Алимджан в лирике, в особенности в жанре поэмы. Участь у великих мастеров лирической поэзии умению показать интимный мир человека. Хамид Алимджан вложил в свою лирику чувств богатую гамму настроений, любовь к прекрасному. Его лирический цикл о природе будит воображение и заставляет даже равнодушного человека оглянуться вокруг и залюбоваться природой. Вот как он описал весну-волшебницу:

Ветер... Зима на дутарах играет.
В танце кружится серебряный снег.
Сердце ж дыханье весны ощущает, -
Песней пробился в нем юный побег!

Смейся, весна, молодыми устами,
Землю целуй, опьяняющий день,

¹⁰ Ўша асар. 3-бет.

Рощи, холмы разукрасив цветами,
Щедро природу в шелка разодень!

Ты закипи и прорвись сквозь бураны,
Чтобы прийти к нам нежданной, желанной!
Радостью каждый росток напои,
Как напоила ты песни мои.

Газель написана поэтом ещё в юношеские годы. Она, может быть, по форме не так уж совершенна, но подкупает молодым восприятием окружающей красоты, жизнеутверждающим началом. В лирике раскрывается вся поэтическая душа Алимджана: нежная грусть, глубокая любовь, стремление к прекрасному. Музыкальность его газелей напоминает творения мастеров прошлого, удивительная наблюдательность, умение охватить все, что его окружает, присущи поэту в его лирических произведениях.

Хамид Алимджан был большим знатоком народного творчества. С глубоким уважением он относился к мудрым и талантливым хранителям богатого поэтического наследия народа - бахши и шаирам, посвящая им свои стихи (например, стихотворение “Воображению певца”, посвященное народному шаиру Фазылу Юлдашеву в 1936 году).

Народнопоэтическое творчество было одним из источников мастерства и творческих успехов поэта. Под влиянием фольклора Х.Алимджан в 1932 году написал высокохудожественную поэму «Шакимардан». В этой поэме поэт написал о Родине певца революции Хакимзаде Ниязи, которого зверски убили узбекские националисты и басмачи. Под впечатлением нежных детских воспоминаний, сказок, услышанных от бабушки, в 1937 году была написана поэма “Ойгуль и Бахтиёр”, в 1939 году “Зайнаб и Аман”, в 1939 году опубликовал поэму “Симург”. Во выступлении к поэме “Айгуль и Бахтиёр” он написал:

Я вспоминаю детство... Ночь,
А я не сплю, заснуть невмочь,
Я сказкам бабушки внимаю...
Я вспоминаю, вспоминаю
Красавиц, месяца нежней,

Без крыльев реющих коней
И крылья, мечущие пламень,
«Тахир-Зухру», «Рассыпся камень»,
Горящий в облаках ковер
И вас, Ойгуль и Бахтиёр.

В поэме “Зайнаб и Аман” созданы образы новых людей, показаны черты мораль узбекской женщины. Её герои Зайнаб и Аман разрушают ставшие оковами в их любви старые обычаи. Такие попытки были и в прошлом, но всегда они кончались трагично. Но эта поэма новаторского содержания, она песня счастливой любви.

Она

О бурном огне, запывавшем в крови,
О первой, единственной в жизни любви,
О тихом сиянье доверчивых глаз,
О дружбе и верности – этот рассказ.

Поэма “Симург” была названа именем птицы счастья “Симург”. Дочь хана красавица Паризад поставила условие претендентам на её руку, что выйдет замуж за того, кто на боевом коне вырвет древний чинар, который высился над площадью. Многие герои пытались это сделать, но гибли. Но вот пастуху удалось выполнить условие красавицы. Он вырвал чинар с корнем, тогда красавица сказала, что богатырь должен совершить ещё один подвиг: отправиться в страну тьмы, расположенную на западе, и победить злого духа, который пожирает людей, приносит всем горе. Преодолев множество препятствий, герой достигает вершины горы. Там он видит огромного змея, готового проглотить птенцов, сидящих на большом дереве. Герой убивает его, но сам падает без чувства. Прилетает птица-мать. Узнав от птенцов о поступке пастуха, она приводит его в чувство и отговаривает ехать в страну тьмы, ведь дочь хана – подруга злого духа, поэтому она и посылает к нему свои жертвы. Но юноша хочет выполнить обещание. Птица перевозит его в страну тьмы, юноша побеждает злого духа и возвращается на родину. Но здесь его ждёт разочарование. Девушка не хочет выходить за пастуха, так как считает его не равным себе. Смеётся над его наивностью. Юноша огорчён. Но ему придает силу сознание, что он победил

царство зла, покончил с владительницей страны тьмы, принёс людям счастье. Он презрительно говорит девушке:

Нет, красавица, не тебя
Убивать мне, в слезах скорбя!
Нет, ни гибель твоя, ни кровь
Не вернет мне мою любовь.
Ты – не та, для которой я
Все земные прошел края,
Видел реки, вершины гор,
Неоглядных песков простор,
Звал меня в богатырский бой
Ясный голос, совсем не твой.
Не тебя я в душе носил
И совсем не тебя любил.

Народ помог ему достичь желанной цели. Так поэт переосмыслил старую сказку, придав ей новое звучание.

Хамид Алимджан как учёный сделал очень много для исследования узбекского фольклора и классической литературы. Он был автором десятка теоретических работ, статей об “Алпамыше” и об Алишере Навои. Изложенные в его статьях концепции легли в основу освещения истории узбекской литературы. Вполне закономерным было избрание его членом-корреспондентом в 1943 году Академии наук Узбекистана.

3 июля 1944 года трагически оборвалась его жизнь при автомобильной катастрофе. Но жизнь произведений поэта намного продолжительнее, чем жизнь их создателя. Его стихи народ выучил наизусть, композиторы переложили на музыку, по мотивам “Зайнаб и Аман” создана опера. Его книги издаются многотысячными тиражами. Его имя носит театр в Самарканде, дом писателей Узбекистана. В памяти народный поэт вечно жив как пламенный певец счастья узбекского человека.

КРЕМЛДА ОЛҚИШЛАНГАН ШОИР

**Шукуржон Валиев, АДУ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент**

1981 йилнинг 15 декабри куни Москвадаги мухташам “Украина” меҳмонхонасида “эртага Кремлдаги Колонна” залида Ҳамид Олимжон ижодига бағишланган кеча бўлади. Қатнашишингларни сўраймиз! - деган хабарни етказишди республикамиз ваколатхонасидан.

Бизлар бу хушxabардан ниҳоятда севиндик. Ахир, ўзбек шоири Москванинг Кремлида олқишланса қувонмай ва фахрланмай бўладими?

Эртасига белгиланган вақтда мен, шерикларим — пахтаободлик жамоа хўжаликларидан бирининг раиси Абдувоҳид ака Мажидов, Рибалко номидаги Москва ҳарбий академияси тингловчиси Шаробиддин Ўринбоев Кремлнинг Колонна залига кириб бордик.

Ўша кеча биз учунгина эмас, балки ўзбек санъати ва маданияти учун ҳам чиндан тарихий воқеа бўлганини эндиликда чуқур англаяпман. Бу воқеа севимли шоиримиз солномасига битилгани хусусида ҳозиргача бирор маълумот учратмадим. Адабиётимиз, санъатимиз ва ҳатто республикамизнинг дунёга машҳур давлат арбоби қардош рус халқи адабиётининг таниқли вакиллари қатнашган бу тарихий кеча Ҳамид Олимжон таржимаи ҳоли ва ижодидан албатта муносиб жой олиши мақсадга мувофиқ бўлишига шубҳа йўқ.

Ўша кечада ватанга садоқат тимсоли, XX аср ўзбек шеърятининг маликаси Зулфияхоним, атоқли давлат арбоби Шароф Рашидов, ўзбек миллий эстрада асосчиси ва афсонавий кўшиқчи Ботир Зокиров, Кумуш образини илк бор кино экранда юксак маҳорат билан ижро этиб эл ҳурматига мушарраф бўлган Гулчеҳрахоним Жамилова ва бошқалар иштирок этди.

Кечада қатнашган 400 га яқин Москваликлар Ўзкомпартия марказқўми котиби, техника фанлари доктори, профессор Оқил Салимовнинг Ҳамид Олимжон ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маърузасини мароқ билан тинглашди. Гулчеҳра Жамилова Зулфияхонимнинг “Яна ўрик оппоқ бўлиб гуллади” номли янги шеърини (Римма Казакова таржимаси) рус тилида қойилмақом

қилиб ўқиди. Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров Ҳамид Олимжон шеърига битган музыкаси билан кўшиқ ижро этди. Истеъдодли рус шоираси ва Ҳамид Олимжон шеърларининг таржимони Римма Казакова шоир меросининг ғоялари хусусида нутқ сўзлади.

Биз қисқача ҳикоя қилган кеча унинг қатнашчиларида катта таасурот қолдирди. Шахсан мен, шоир ҳаёти ва фаолияти, бадиий ижоди ва унга оид қатор монографиялар билан танишган зиёли сифатида, Ҳамид Олимжон халқаро миқёсда машҳур шоири эканлигини янгидан ҳис қилдим, унинг миллий ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлганлигини янгидан англадим.

Ҳамид Олимжон менинг тақдиримга, хусусан илмий ижодимга, публицистик фаолиятимга кучли туртки берганлигини зикр қилишим шарт. 1959 йил педагогика институтининг тарих-филология факультети 2 курс талабаси эдим. Устозим, адабиёт муаллими, ўнг оёғини фашистларга қарши жангда бой берган Файзулла Дадахонов раҳбарлигида “Ҳамид Олимжон ижодида бадиий приёмлар” (ўша вақтларда ўзбекча сўз ўрнига русча сўзни ишлатишдек маданиятсизлик мода эди) мавзусида курс иши ёзган эдим. Илк бор илмий иш ёзишим, бу соҳада жуда ғўрман. Баҳоли қудрат мавзу устида кунт билан ишлашга интилдим. Кўп нарсани ўргандим, шоир шеъриятигагина эмас, балки унинг бадиий маҳоратига муҳаббатим ортди.

Ўша, бизнинг йигитлик йилларимизда тўй-тўрқин, турли байрам тантаналарида Ҳамид Олимжоннинг “Ўзбекистон” шеърини ифодали ўқиш анъанага айланган эди. Жасадини дафн этишга қабристон тополмай сарсон бўлганда ўзбек отахони бағрикенглик қилиб ўзбеклар қабристонида дафн қилиш лавҳасида миллатимизнинг буюк инсонпарварлигини ифодалайди.

Зикр қилинган бадиий воситаларни шоир асарларига оммабоплик ва барҳаётлик бахш этган. Курс ишим шунинг учун бир қисми вилоятимиз газетасида эълон қилинди. Ана шу мақола менинг илмий ижодимга йўл очди ва бунинг учун оташин шоиримиздан қарздорман. Ҳамон баъзи-баъзида шоирнинг:

Кўм-кўк, кўм-кўк, кўм-кўк.

Кўклам қуёшидан кўкарган.

Қирлар кўм-кўк,

сатрларини маъруза машғулотларида ифодали ўқиб бераман ва нима учун “кўм-кўк” сўзини такрор-такрор ишлатишини таҳлил қилиб бераман. Ўзим ҳам завқланаман, шогирдларим ҳам.

Ҳамид Олимжондек шоиримиз бўлганлиги билан фахрланайлик, уни ўқиб ва ўрганиб, ўқитиб ва уқтириб юришни одат қилайлик.

ҲАМИД ОЛИМЖОННИНГ ТАРЖИМОНЛИК МАҲОРАТИ

Шаҳноза Алиева, АДУ аспиранти

Ҳамид Олимжон ўз сўзи, овозига эга бўлган серқирра ижодкор, ўзига хос поэтик мактаб яратган буюк санъаткоргина эмас, балки Байрон ва Гёте, Пушкин ва Лермонтов сингари жаҳон поэзиясининг етук сиймолари шеърларини ўзбек тилига ўгирган моҳир таржимон ҳамдир.

Ҳамид Олимжон таржимонлик маҳоратининг ўзига хослиги шундаки, у ўзи қўл урган асарни ўзбек китобхониغا асл нусхасида қандай бўлса, шундай ҳолатда, мукамал ва гўзал қилиб етказиб бера олган сўз санъаткоридир. Чунончи, Ҳамид Олимжон рус шоири Светловнинг «Грекада» сарлавҳали шеъри таржимасини олиб кўрайлик. Шеърда шоир ўзи туғилиб ўсган юрт Грекада ҳақида куйлашни ёктирадиган дўстининг ҳис туйғуси ва руҳиятини ифодалайди. Буни Ҳамид Олимжон худди асл нусхадаги каби ифодалай олган:

Жабҳаларда йўл босдик,
Милтиқни қўлга ушлаб.
“Яблочко” қўшигин,
Тишларимизга тишлаб.

Ҳамид Олимжон “Яблочко” қўшигини “Олма” деб таржима қилмайди. Чунки “Олма” сўзига нисбатан “Яблочко” сўзи рус халқининг миллий руҳига яқинроқ. Шунингдек, шоир “қўшиқ ёки ашула айтдик” демасдан “Тишларимизга тишлаб” иборасини ишлатади. Бу иборада эксперессив буёқ кучлироқ.

Дўстим кўшиқ айтарди,
Узоқ ернинг дардида.
Куйни доим у бирга
Таширди эгарида.

У куйларкан, боқарди,
Узоқ тукқан элларга:
- Гренадам, Гренадам,
Гренадам маним.

Ҳамид Олимжоннинг таржимонлик маҳоратини шундан ҳам сезишимиз мумкинки, шоир “Куйни у доим бирга таширди эгарида” дея мажозий маъно қўллаб, фикрни аниқ ифодалайди. “Гренадам” сўзини “маним” сўзини қофия қилиб қўллаш билан шеърнинг жарангдорлигини янада оширади.

Жудо бўлмас эдилар улар,
Бадкирдорлар жудо этдилар.
Ортиқ қалблар сақлайди жафо,
Осмондадир ҳақиқат вафо.

Шодлик битди уларга мангу,
Ёшлик ҳазон, яшаш-да оғу.
Айри яшаш деган ўй-хаёл,
Бўлди захар, оғули бир ҳол.

Ҳамид Олимжон таржима қилган байтларнинг “Видо” шеъри шундай сатрлар билан асл таржимасидаги маънони китобхонга тўлиқ етказиб беришнинг ўзига хос поэтик усулини топган. Шеърда “Бадкирдор” деган сўз қўлланган. Бу сўз ўзбек тилида жуда кам қўлланилади. Ҳамид Олимжон таржимада ушбу сўзни қўллаш орқали экспрессив бўёқни янада кучайтиришга эришган. Рус тилида бу сўзнинг “негодяй”, “злодей”, “изверк” каби вариантлари мавжуд. Шоир ана шулардан келиб чиқиб, энг мақбул вариантини танлаган, бита сўз орқали кучли маъно англатишга эришган. Шунингдек, шеърда инглизларга хос миллий колорит ҳам сақлаб қолинган.

Шундай, довул уриб ажратган,

Икки қоя зулматда ёнур:
Шўрликларни сўнгсиз, беомон,
Денгиз қаҳри ажратиб ётар,
Қалдиروقлар уриб титратар.
Лекин ва на чақмоқ, на бўрон,
Ва на ўтда куйдурувчи ёв,
На қишдаги қаҳратон хаёл.
Бир замонлар иккита дўст-ёр,
Юрагида бўлган муҳаббат.
Изларини нобуд тору мор,
Ҳалок эта олмагин албат.

Агар “денгиз қаҳри” ва “қаҳратон хаёл” ибораларига этибор қаратсак Ҳамид Олимжоннинг ҳар бир сўз устида заргарона бош қотирганига, ҳар бир сўзни чертиб-чертиб энг сарасини ажратиб олганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Ҳамид Олимжоннинг таржимонлик маҳоратини Пушкиннинг “Сизни севган эдим” шеъри мисолида ҳам кўриш мумкун. Севгилисининг маҳбубга аталган ушбу дил изҳори атига саккиз мисрадан иборат. Шунинг учун биз шеър матнини тўлиқ келтирамиз.

Сизни севган эдим: қалбдаги олов,
Сўниб битмагандир ҳали эҳтимол.
Ранжитмасин лекин, сизни ушбу ҳол,
Койитмайман асло ва бўлмайман ёв,
Сизни севган эдим: сокит бенаво,
Жасоратсиз эдим, ғамда бедаво:

Сизни севган эдим, содик, вафодор,
Энди ҳақ айласин бошқага дилдор.

Бетакрор сатрлар муаллифи кимлигини бирданига англаб олиш қийин. Бу ўтли ва соҳир сатрлар Пушкин қаламига мансубми ёки унинг муаллифи Ҳамид Олимжонми, дея ўйлаб қоламиз. Ҳамма гап шундаки, Ҳамид Олимжон Пушкинни қойилмақом қилиб ўзбекча сўзига олган. Таржималардаги жумлалар сиқиклиги, тўқ қофиялар қўлланилганлиги бу икки ижодкорнинг маҳоратидан далолатдир. Қолаверса, Ҳамид

Олимжон таржимонлик санъатини пухта эгаллаганлигидан далолат беради.

Ҳамид Олимжон украин шоири Тарас Шевченконинг бир қатор асарларини, жумладан, “Васият” шеърини таржима қилган. Бу таржима юқорида мисол келтирилган шеърдан бутунлай фарқ қилади. Унда қони қайноқ ва жанговар Тарас Шевченконинг шиддаткор овози янграб тургандай.

Ўлсам менинг жасадим,
Украинага кўмилсин.
Қабрим у кенг даланинг,
Энг ўртасида бўлсин.
Поёни йўқ она-Ер,
Ва зангори Днепр.
Кўриниб турсин менга,
Вазиллаб оққан дарё
Билиниб турсин менга!

Шоирнинг маҳорати шундаки, у шеърга Украина, Днепр каби географик атамаларни худди асл нусхадагидек киритиб юборган. Балки бошқа таржимон бу сўзларни шеър сатрларида қўллашда иккиланган бўлармиди. Лекин Ҳамид Олимжон бу сўзлардан жуда маҳорат билан фойдалана олган. У ҳатто Днепр сувини она Ер сувига қофиядош қилиб, шеърнинг таъсирчан ва жанговор чиқишига эришган.

Уруш йилларида рус шоири К.Симоновнинг “Мени кутгил” шеъри жуда машҳур бўлиб кетган ҳатто уни жангчи йигитлар кўкрак чўнтагига солиб юрганлар, севган қизи ва ёрига мактубга қўшиб ёзиб юборганлар. Бунда Ҳамид Олимжоннинг хизмати катта бўлган. Чунки шоир бу шеърни юксак маҳорат билан таржима қилган. Шеър шундай дилтортар сатрлар билан бошланади.

Мени кутгил ва мен қайтарман,
Фақат гулгил жуда интизор.
Кутгил, ёмғир зериктирганда,
Мени кутгил, ёққанида қор.
Атрофингни ҳарорат қоплаб,
Еру кўкни чанг тутганда, кут,

Бошқаларни узатган дўстлар.
Кечагина унутганда кут.
Хат келмасдан узоқ ерлардан,
Юрагингни қилганида қон,
Кутгил, сен-ла бирга кутганлар.
Зериккандан чекканда фифон.

Шеър шу тариқа давом этади. Унда жангчи йигитлар руҳияти, ҳижрон азоби, умид ва ишонч, фидоийлик, Ватан ва ёрга садоқат, барча-барчаси мужассам. Ҳамид Олимжоннинг маҳорати эса шеърни дилга яқин қилиб ўзбекчага ўтирганидир.

ҲАМИД ОЛИМЖОН АСАРЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

**Меҳриноз Алиева, АДТПИ инглиз
филологияси факультети, 4-босқич талабаси**

Бахт ва шодлик куйчиси, олим ва жамоат арбоби Ҳамид Олимжон серқирра ижодкор эди. Унинг бахт, баҳор ва ҳаётни тараннум этувчи шеърлари дейсизми, меҳнатни мадҳ этган достонлари ёки халқ оғзаки ижодига мурожаат қилиб ёзган ғаройиб асарларини тилга олайликми, уларнинг ҳамма-ҳаммасида шоирнинг уйғоқ қалби ва сержило истеъдоди нафаси уфуриб турганлигининг шоҳиди бўламиз. Том маънода олганда, Ҳамид Олимжонни эрк куйчиси, десак ҳам янглишмаган бўламиз. Жумладан, шоир томонидан яратилган драматургиямизнинг шоҳ асарларидан бири ҳисобланган “Муқанна” шеърӣ драмасидан олинган куйидаги сатрлар фикримизнинг исботидир:

Халққа айтинг, мен асло ўлганим йўқ,
Ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ.
Мен элимнинг юрагида яшайман,
Эрк деганнинг тилагида яшайман.
Қуллик билан туrolмайман бир ерда,
Душман билан ётолмайман бир ерда.
Халқ тангрини ахтарганда мен унга,
Хурриятнинг оллоҳини келтирдим,
Йўл бошловчи бир доҳийни келтирдим.
Ва кўрсатдим озодликнинг зўр роҳин.

Озодлик, ҳуррият ҳақида бундай оташин сатрлар битиш учун шоирда журъат ва жасорат бўлиши керак. Боиси, ўша 1937 йилларнинг қатағон “эпкин”лари ҳали мамлакатни тарк этмаганди. Мана шундай бир суронли даврда халқ қаҳрамони Муқанна ҳақида ёзиш катта бир жасорат эди.

Ҳамид Олимжон ҳақиқий ватанпарвар эди. У халқини, Ватанини жонидан ортиқ севарди. Шоир, айниқса, халқимиз тарихини ва халқ оғзаки ижоди намуналарини яхши билар эди. Шоирнинг эртакона сюжет асосига қурилган “Ойгул билан Бахтиёр”, “Семурғ” достонларида ҳам зулфқор рух манзараларини, эрк ва озодлик мотивларини кўриш мумкин. Чунки Ойгул ва Бахтиёрлар ҳам озод ва обод юрт ва эрк учун курашадилар. “Семурғ” достони қаҳрамони Бунёд ҳам оддий халқ ичидан чиққан қаҳрамон. У халқининг бахт-саодати, тақдири учун қайғуради. Шунданми, Ойгул ўзи ёвуз девга қарши курашга отланишдан чўчимайди. У ёвуз дев одамларни қул қилиб олишини, кексалару болаларни еб битиришини, инсоният бошига қулфатлар келтиришини истамайди. Бундан кўриниб турибдики, шоирнинг ҳар иккала достони ҳам миллий ва умуминсоний ғоялар руҳи билан суғорилган.

Шоирнинг машҳур “Ўзбекистон” шеъри ватанпарварлик мавзусида ёзилган энг бадиий юксак асардир. “Водийларни яёв кезган” шоир ўз киндик қони тўкилган юрт каби гўзал юртни бошқасига ўхшатолмайди. У ғурур ва ифтихор билан қуйидаги сатрларни битади:

Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон,
Достонларда битган гулистон
Ўзбекистон дея аталур,
Уни севиб эл тилга олур.

Шеърда халқона рух, миллий қадриятларимиз ҳам улуғланган. Буни шоир фахр ва ифтихор билан битган. “Бу ўлкада ҳар нарса бордир”, “Аму билан Сирдан сув ичган, Зарафшонни лойлатиб кечган, Чавондозлар бордир бу элда”, “Арғумоқлар қўшиғи бордир – Бу шундайин ажиб диёрдир” каби мисраларда ҳам кўриш мумкин.

Бахт ва толе ёр бўлган “Бу шундайин ажиб диёр”ки:

Бунда булбул китоб ўқийди,
Бунда қуртлар ипак тўқийди,
Бунда ари келтиради бол,
Бунда қушлар топади иқбол.
Бунда қорнинг тағларида қиш,
Баҳор учун куйлайди олқиш.

Ва яна, бу диёрнинг:

Ёвларига осмон тутундир,
Шунинг учун бағри бутундир,
Шунинг учун ёқилмаган хас,
Шунинг учун кийинар атлас.

Булардан кўриниб турибдики, шеърда Ўзбекистон бор кўрки-қудрати, виқори билан ифодаланган. Шеърда Ўзбекистоннинг икки улкан дарёси Амударё ва Сирдарё билан ёнма-ён турувчи Зарафшон дарёси, ўзбек халқининг чавандозлари, машҳур армуғоклари, бу элнинг атлас кийган, ҳамма-ҳаммаси ёрқин бўёқларда камалак мисол жилов беради.

Шоир шеърга ажойиб хулоса ясайди:

Шафтолизор боғларни кўрдим,
Гул кўтарган тоғларни кўрдим.
Меҳр қўйиб унган сари оқ,
Оппоқ бўлди бу азиз тупроқ.
Водийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди менда...

Ҳа, шоир Ватан ҳақида куйлашни ўзи учун бир саодат, олий бахт деб билади. Шунинг учун ҳам шоирнинг лирик қаҳрамони водийларни яёв кезиб чарчамайди, аксинча Ватанининг гўзал жамолини, ҳаёт завқи ва буюк яратувчининг ишларини кўриб қалби ғурур ва ҳисга тўлади. Энг характерлиси, шоир Ватанни матҳ этишда ҳар бир поэтик образ, ҳар бир сўз ва ҳар бир поэтик приём воситасидан моҳирона фойдалана билди.

Улар фонетик, ритмик ва бошқа қатор хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради.

Шоирнинг “Ўрик гуллаганда”, “Шарқ”, “Сиёб”, “Ленталар”, “Ўзбекистон”, “Бахтлар водийси”, “Қиз”, “Чимён эсдаликлари” каби бир қатор шеърларида ҳам Ватан мавзуси қаламга олинган. Шоирнинг қайси шеърларини олманг, уларда ҳануз Ҳамид Олимжоннинг ўзига хос бой ва гўзал, серқирра ва сермазмун ички дунёси акс этганлигини кўрамиз.

Мана, бугун шоир таваллудининг бир асрлиги кенг нишонланмоқда. Шундай роҳатбахш кезларда шоирнинг “Шодликни куйлаганимнинг сабаби” дея этироф этишида бир ҳикмат мужассам эканлигига яна бир бора амин бўласан, киши. Шоир бахт ва шодликни куйлашни, Ватаннинг бекиёслигини тараннум этишни ўзи учун катта бахт деб билди. Ҳамид Олимжон ўзи этироф этгандай бугун элининг юрагида, қошида, жонида барҳаёт. Ҳа, шоирлар ҳеч қачон ўлмайдилар, улар ўзлари яратган оташин сатрлар аро мангу яшайдилар.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ИЖОДИДА ВАТАН ВА ЁР ТИМСОЛИ

**Зилола Эшонова, АДУ ўзбек
адабиёти кафедраси ассистенти**

Ҳамид Олимжон ўзбек адабиётида ўзига хос овоз ва услубга эга бўлган шоирлар сирасига киради. У ўз шеърларида фикр, ҳис-туйғу, қалб ҳолатини борича тасвирлашга уринади.

Ҳамид Олимжон ижодий йўлининг иккинчи босқичини уруш йилларидаги асарлари ташкил қилади. Она Ватанни ардоқлаш ҳамма даврлар адабиёти учун муштарак ҳодиса бўлиб, шоир Ватан тимсолини ёр билан бирга қўяди. Унинг ижодида ёр, Ватан ва жангчи тимсоллари муштарак тушунча сифатида талқин қилинади. Хусусан, унинг уруш мавзусидаги “Яқинлик”, “Сен туғилган кун”, “Ниҳол” каби шеърлари Ватан, ёр ва жангчи тимсоли муштараклиги асосида яратилган. Шоир муҳаббат мавзусини ёритганда табиат лавҳаларини жонлантиради, лирик қаҳрамон туйғуларини бахт-саодат ёғдулари ва ишонч руҳи билан нурафшон этади. Ҳамид Олимжоннинг “Яқинлик”, “Сен туғилган кун”, “Ниҳол” каби шеърларида табиат манзараларини ёрқин чизишда ва инсон руҳияти билан боғлашда шоир бадиий

махоратининг юксак чўққиларига кўтарилганлигини кўришимиз мумкин. Ҳамид Олмжоннинг уруш йилларидаги ишонч ва умид руҳи барча асарлари сингари мазкур уч шеърининг ҳам қон томирига сингдириб юборилган. Унинг ҳарбий лирикасига мансуб мазкур шеърларида (“Яқинлик”, “Сен туғилган кун”, “Ниҳол”) публицистик жўшқинлик туйғулар ҳарорати билан тутшиб кетган ва бу омил уруш даври ҳақиқатининг бадий ифодаланишига имконият яратган. “Яқинлик”, “Сен туғилган кун”, “Ниҳол” шеърлари яратилиш даври, услуби ва ғоясига кўра бир хил бўлиб, унда шоир уруш даври воқеаларини, унга сафарбарлик руҳини бадий акс эттиради.

Хусусан, “Яқинлик” шеърида шоир жанг майдонлари тасвирини муҳаббат туйғулари ва ишқий кечинмалар тасвири орқали беради. Шоир наздида ёр, Ватан, жангчи муштарак тимсоллардир. Шоир шеърда ёр тасвирини маҳорат билан чизади:

Йигит урушга кетди,
Орқасида ёр қолди,
Юраги ўт ичида
Кўзлари хумор қолди.¹¹

Ёрнинг руҳий ҳолати, изтироб ва кечинмалари “юраги ўт ичида”, “кўзлари хумор”, “ёр бағри лоладек қон” каби ташбеҳ ва муболаға сингари бадий тасвир воситалари орқали таъсирчан ёритилади. Шоир шеърда мактуб детали орқали ёрнинг вафодорлиги, самимий муҳаббати изҳорини маҳорат билан беради. Шоир жангчи йигит ва ёр муҳаббатини Ватан ҳимоясидек муқаддас бурчни адо этишга хизмат қилдиради. Йигит Ватан ҳимоясини ор ва номус бўлган ёр ҳимояси билан бир нарса сифатида идрок этади. Бу ҳолни шоир йигит мактуби орқали тасвирлайди.:

Йигит дер : “Сенинг-чун ҳам
Ёвга отар ўқим бор”-
Ёр унинг келишига
Боғини қилар гулзор¹²

¹¹ Ҳамид Олимжон. Танланган асарлар. 3 томлик. 1- том. Шеърлар. –Т., 1957 йил, Б-266.

¹² Ўша асар. Б-267.

Шоир шеърни гўзал ўхшатиш билан якунлайди:

Каптарлар олиб учар,
Икки томон хатини,
Гўё қўшгандек бўлиб,
Икки ёр тоқатини.

Уруш – жангчи йигит ва қизнинг сабру тоқати, матонати, қийинчилигу алам- изтироблари эвазига бартараф қилинувчи ёвуз куч. Уни эса йигит ва қизларнинг ғалабага бўлган ишонч ва умид руҳигина енга олади. Бу руҳ Ҳамид Олимжоннинг “Ниҳол” шеърининг ҳам қон томирига сингиб кетган дейиш мумкин. Шоир “Ниҳол” шеърида табиат манзараларини сўз ёрдамида худди рассом мўйқаламидек гавдалантиради ва инсон қалби ҳолатларини юзага чиқаришга хизмат қилдиради. Шоир мазкур шеърида ниҳол тимсоли тасвири орқали ғалабага ишонч, келажакдаги орзулар рўёбига умид туйғуларини ифодалайди. Шеърнинг лирик қаҳрамони жангга кетган ёрини кутаётган вафодор аёл. Шоир вафодор ёр кечинмалари замирида жангчи йигит матонати, жасоратини тасвирлайди.

Сен ўтказиб кетган ниҳол,
Ўсиб бўйингдай бўлди
Новдалари барг чиқарди.
Боши гулга кўмилди.¹³

Шоир ниҳол тасвири орқали қиз туйғулари, кечинмаларини маҳорат билан ифодалайди. Жангчи экиб кетган ниҳол жуда азиз. Ниҳол – келажакка ишонч. У, албатта, ўз мевасини беради. Шоир ниҳол тасвирини жонлантириш тасвир воситаси орқали маҳорат билан чизади.

Қачон сени кўргим келса,
Тикиламан ўшанга.
Кўп нарсалар айтган каби,
Қараб туради манга.

Қиз учун ниҳол унинг қалб кечинмаларини ҳис этувчи дардкаш:

¹³ Ўша асар. Б-286.

Саволимни тушунгандай,
Силкинади у секин.
Соғинибсан бечора деб,
Энтикиб оламан тин.

Ҳатто, унинг япроқлари у билан дардлашади, унинг туйғуларини ифодалайди.

“Зориқтирмай келсангчи бир,
Интизор қилдинг бунча...”
Деб япроқлар тебранади,
То чарчаб ухлагунча.

Шоир мазкур мисраларда қиз қалбидаги туйғулар (вафо, соғинч, севги)ни япроқлар тили билан интоқ тасвир воситаси орқали ифодалайди. Жангчи йигит муқаддас бурч адоси учун кетган. Шунинг учун бутун боғ: олмазор, олучазор, гул барглари ҳам уни интизорлик билан кутади. Унинг келиши ғалаба дегани. Шоир лирик қаҳрамони ғалабага қатъий ишонади. Ҳамид Олимжон Ватан тимсолини шу оддий ниҳол, барг, олмазор, олучазор ва боғ орқали яратади. Шеърнинг сўнгги байтларида Ватан тимсолини ёр-маъшуқа тимсоли билан параллел қўяди. Ўзининг ғоявий мақсадини сўнгги бандда беради:

Мен гуллардан, боғлардан ҳам,
Соғинганман ортиқроқ.
Эртароқ кел, юрак -бағрим,
Ёвни енгиб тезроқ кел.

Сўнгги бандда шоир ғоявий мақсади ниҳол тасвири эмас, балки ёр кечинмалари: соғинч, муҳаббат изтироблари, ғалабага ишончини тасвирлаш эканлиги аён бўлади. Мазкур ғоя ўзига хос услуб ва бадиий маҳорат билан ифодаланган.

Ҳамид Олимжоннинг уруш мавзусидаги “Сен туғилган кун” шеърида жўшқинлик, туйғулар ҳарорати орқали уруш даври ҳақиқати бадиий ифодаланган. Шеърнинг лирик қаҳрамони – жангчи йигит. У оғир жангга кетаётиб ҳам ёрини ўйлайди. Унинг кечинмалари замирида уни кутаётган вафодор ёр тасвирланади.

Шу билан бирга, вафодор ёр уни ғалаба билан қайтишини кутаётган Ватан тимсоли ҳамдир.

Сенга томон талпиниб қалбим,
Бир қуш бўлиб учар ҳавода.
Мен кетидан қарайман ҳайрон,
Икки кўзим тўниб самога.¹⁴

Бандда лирик қаҳрамон жангчи йигитнинг самимий қалб туйғулари, вафодорлиги, муҳаббатини ҳис этамиз. Гўё бу туйғу ўқувчига ҳам юққандек бўлади. Шоир жангчи йигит ички кечинмалари, соғинчи, муҳаббати ва қалб изҳорларини қуш тимсоли орқали ифодалайди:

Қуш дейдики: “Эй тўлишган қиз,
Жангда юрган ёрингдан салом.
Сенинг учун урушга кетган,
Номусингдан, орингдан салом”

Шоир мазкур мисраларда ҳам ёр ва Ватан ҳимоясини ягона тушунча ва мақсад деб билади. Мазкур шеърда ҳам ёр, Ватан ва жангчи йигит тимсоли бирлиги орқали ғоявий мақсад юксак маҳорат билан ифодаланган. Шоир қуш тимсолида жонлантириш ва интоқ тасвир воситасининг гўзал намунасини яратади. Албатта, бу омил лирик қаҳрамон – жангчи йигит кечинмалари, самимий туйғулари ва тилаклари ифодасига хизмат қилган:

Қуш дейдики: ёшинг ҳеч қачон,
Ўн тўққиздан ошмасин асло.
Йигит сени жуда соғинган,
Ёрим, -дейди, -шошмасдан асло.
Ўн тўққиздан ошмай тур, гўзал,
Йигит сендан шуни сўрайди.
Йигит сени меҳр, садоқат
Ва ишқ гули билан ўрайди.

¹⁴ Ўша асар. Б-271-272.

Шоир куш тимсоли орқали лирик қаҳрамон – жангчи йигитнинг ғалабага ишончини тасвирлаш орқали ўзининг ғоявий мақсадини ҳам ифодалайди :

У келади албат қошингга,
Элга шодлик олиб келади.
Элга шодлик, омонлик ва бахт,
Олиб, доврўғ солиб келади.

Шеърнинг сўнгги мисрасида шоир шеърнинг ғоясини юксак бадиийлик билан хулосалайди:

Ётоғингга қайтасан сен маст,
Кўрган каби гўёки бир туш.
Менинг қалбим бўлиб кўринар,
Сенга шунча сўзлар айтган куш

Демак, куш тимсоли тилидан айтилган сўзлар лирик қаҳрамон –жангчи йигит қалбидаги сўзлар бўлиши билан бирга шоирнинг ғоявий мақсади – қалбидаги сўзлари ҳамдир.

Ҳамид Олимжон шеърларининг мавзу кўлами, ғояси, бадиияти ва тимсоллар тизими билан ўқувчилар қалбидан ўрин олган. Айниқса, шоир ёр, жангчи йигит тимсолларини бадиий маҳорат билан яратади. Ўқувчи қалбида ёр ва жангчи йигит тимсолларига нисбатан меҳр туйғусини уйғотади ҳамда Ватан ҳимоясини муқаддас бурч сифатида талқин қилишга эришади.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ИЖОДИДА МУМТОЗ ШЕЪРИЯТ АНЪАНАЛАРИ

Гулбаҳор Кучакова, АДУ магистранти

XX аср ўзбек шеърляти улкан бир уммонга ўхшайди. Унда эса дурлар сероб. Уларни юзага олиб чиқиш, кашф этиш, “ғаввослар”нинг, яъни бугунги адабиётшуносларнинг муҳим вазифаларидандир. Ана шундай уммон тубида ўсиб, улғайган, ўзига хос овози, услуби билан ўзбек шеърлятида муносиб ўрин олган ижодкор Ҳамид Олимжон шеърляти ҳам гўё қимматбаҳо дурга ўхшайди. Шоир ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан юксак

савиядаги шеърлар яратди. Шоирнинг шеърият гулзорига сайр қилсангиз, унинг турфа, сархуш ҳидларидан баҳраманд бўласиз.

Айниқса, шоир шеъриятида табиат лирикаси, борлиқнинг тасвири ўзига хос ранглари касб этади. Унинг “Ўзбекистон”, “Ўрик гуллаганда”, “Ҳолбуки тун”, “Куйгай”, “Севги” сингари ўнлаб шеърларида табиат тасвири билан шоир кечинмалари, туйғулари уйғунлашиб кетганлигини кўриш мумкин. Зеро, ҳақиқий шеърда самимий туйғулар изҳори акс этади. Ҳақиқий шеър шоир руҳияти ва маънавиятини ўзида мужассам этади. Жўнгина кўринган ҳодисалардан шоир мўъжиза топа биладики, буни “Ҳолбуки тун” шеърида ҳам кўриш мумкин:

“Шағирларди бетиним дарё,
Шағирларди дарёда ҳаёт...
Холбуки тун ...

дея тугаллайди.

Дарё бу – ҳаёт оқими демак. Ҳаёт эса тиним билмай давом этаверади, гўё сув оқимидай. Тунда эса борлиқ ухлаганда дарё ҳам шағирлайди, овози оламни тутди. Шоир тун қўйнида қайнаётган қизгин табиат ҳаётига назар солиб, ўз руҳиятига мосликни илғай олади, самимий ва беқиёс сатрлар яратади.

Ҳамид Олимжон гарчи кўпроқ янги давр кишиси сифатида бармоқда ижод қилган бўлса-да, мумтоз шеърият анъаналари унинг ижодиётини ҳам четлаб ўтмади. Аксинча, у ғазал мулкининг султони Мир Алишер Навоийга хос услубда бадий, пухта ғазаллар битди. “Бўлсам” радифли ғазалида ошиқнинг кечинмалари, туйғулари гўзал ифодалар орқали ўқувчи ёдида қоладиган байтлар яратади:

На бўлғай бир нафас мен ҳам яноғинг узра хол бўлсам,
Лабинг япроғидан томган ки гўё қатра бол бўлсам.

Ошиқ ёрга тинмай интилади. Унинг ҳатто юзидаги, яноғидаги хол бўлишга тайёр, ҳеч бўлмаса бир нафасга, бир онга. Кейинги мисрада эса маъшуқа лабидан томган бол (тупик) бўлишга тайёр. Шоир ушбу ғазалида ташбеҳ (гўё қатра бол бўлсам), сифатлаш (қатра бол) санъатларидан унумли фойдаланган.

Бутоғингга қўниб булбул каби хониш қилиб тунлар,
Ўпиб ғунчангни очмоқликка тонг чоғи шамол бўлсам.

Одатда, ошиқ булбулга, маъшуқа гулга ўхшатилади. Ошиқ ёр учун тунлари булбулдай хониш қилишга, шамол бўлишга тайёр. Ғазалда тадриж санъати ҳар бир байтда қўлланган. Матлаъда шоир ёр учун унинг юзида бир нафас хол бўлишни истаса, ғазал сўнгида ҳатто, жонини фидо қилиб, увол бўлишга ҳам тайёр бўлади. Ғазалда хол, бол, шамол, лал, хаёл, дувол, қамол, увол сўзлари қофиядош бўлиб келган. Унда мумтоз анъаналаримизга хос оҳанглар акс этган. Демак, Ҳамид Олимжон Навоий ижодини ҳам мукамал ўрганган. Бу борада шоирнинг Навоий ҳақидаги тадқиқотлари ҳам эътиборга молик.

Ғазал арузнинг кенг қўлланадиган гўзал вазнларидан – ҳазажи мусаммани солим (мафойилун-мафойилун-мафойилун-мафойилун) вазнида ёзилган. Ғазалда учта – ошиқ, маъшуқа, рақиб образи учрайди.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, Ҳамид Олимжон шеървати ғоявий ва бадиий жиҳатдан мукамал, ўзига хос санъатдир. Унда мумтоз адабиёт анъаналари ҳам, давр руҳияти ҳам яққол сезилиб туради. Чин маънода, Миртемир таъбири билан айтганда “Ҳамид Олимжон нодир истеъдод эгаси. Қонида, кўз қорачиғида, тўқсон икки томирида туғма зукколик, шоирона сажия, билгичлик аён. Билмагани оз, ўқимагани чин маъноси билан ўқимишли қаламкаш эди.”

ҲАМИД ОЛИМЖОН ИЖОДИДА ДИНИЙ АТАМАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Дилободой Каримова, АДУ магистранти

Ҳамид Олимжон ўзбек адабиётида шоир, адабиёшунос, йирик жамоат арбоби сифатида ном қолдирган.

Ҳамид Олимжон 1909 йилда Жиззах шаҳрида деҳқон оиласида таввалуд топган. Ушбу ижодкор ўзбек адабиётига 20-йилларнинг ўрталарида кириб келди. У ўзининг 20 йиллик жўшқин ижодий фаолияти давомида яратган поэтик, прозаик ва драматик асарлари, публицистикаси ва таржималари,

адабиётшунослик ва адабий танқидчилик соҳасидаги фаолияти билан ўзбек адабиётига муносиб ҳисса қўшди.

Шоир шеърляти, айниқса, халқимиз учун қадрлидир. Чунки Ҳамид Олижон кенг қамровли ижодкор бўлишига қарамасдан, биринчи галда шоир сифатида ардоқли. Унинг шеърляти мавзу жиҳатдан ранг-баранг. Шу билан бирга шоир ўз даврининг илғор кишиси сифатида давр воқеалари, ижтимоий тузум ва мафкура билан боғлиқ ғояларни ўз ижодида, табиий равишда, акс эттирган эди.

У яратган бир қатор шеърларни таҳлил қилар эканмиз, шоир ижодида ҳам диний мотивлар ёки диний атамаларнинг жуда кўп ўринларда қўлланганлигига дуч келамиз. Бу ҳолатнинг этиборли томони шундаки, атеистик ёки дарҳриёна қарашларга асосланган ва уни рағбатлантирган ҳукмрон тузумга тўлалигича ишонган ва хизмат қилган Ҳамид Олимжон ижодида бизни қизиқтирган мавзу қай даражада, қай йўсинда акс этиши аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, диний мотивлар ёки диний атамалар ижодкорлар асарларида ишлатилганида, улар муайян ижодкор ёки шоирнинг диний этиқод белгисигина бўлмай, балки динни инкор қилиш ёки диний қарашларни танқид қилиш кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Қуйида биз таҳлилга қилмоқчи бўлган Ҳамид Олимжоннинг бир қатор шеърлари ҳам ўша пайтда жамиятда ҳукмрон мафкура ғоя ва идеалларини қўллаб-қувватлаш мақсадида диний атамаларнинг ишлатилганлигига гувоҳ бўламиз. Хусусан, шоирнинг 1926 йилда ёзилган “Яна ёшларга” шеъри ана шундай шеърлар сирасига киради.

Бизга мулла, бизга тангри керакмасдир, ёронлар,
Келинг бирга, қўл ушлашиб ишлашайлик ўртоқлар.

Айни ўша пайтда ҳукм сураётган “Дин – афюндир” маъносидаги ғоя Ҳамид Олимжон ижодига ва унинг дунёқарашининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмасди, албатта. Чунки худосизлик руҳи халқ онига сингдирилиб борилаётган бир паллада шоир ўсмир ёшда, жамият ҳаётида пайдо бўлаётган янги фикрларни тез қабул қиладиган ёшда бўлганлигини таъкидлаш лозим, деб ўйлайман.

Ҳамид Олимжон туғилиб, эсини таниши билан ўлкадаги вайронагарчиликни, халқнинг маънан қашшоқ эканлигини кўриб

вояга етди. Шўро ҳукумати ана шундай ҳолатдан унумли фойдаланиб, эндигина ўсиб-улғаяётган навниҳолларга ўзининг “Дин – афюндир” ғоясини сингдиришга уринди ва бун муваффақият билан амалга оширди. Халқимиз онгидаги чекланишларни уларнинг динга бўлган муносабатларида, кўпинча, динга онгсизларча, кўр-кўрона сиғинишлари орқасидан деб билди. Ана шундай ғоянинг таъсирини шоирнинг “Жабҳа бўйлаб” достонида ҳам кўришимиз мумкин.

Ер!

Амр берди

большевик

ўртоқ,

Тарих билмас

одимлар-ла

юксалди қишлоқ

Қуръонларнинг

қонунлари

барбод этилди,

Ленин йўли

кўнгилларга

маҳкам битилди.

1944 йилда ёзилган диний уламо, авлиё ҳақидаги “Шоҳизинда” шеърида Ҳ.Олимжон дин пешвоси баҳонасида диний қарашлар ва ғояларни калака қилмоқчи бўлади.

Шунда ноҳос тобутда пайдо,

Бўлди олтин кафан авлиё.

-Дўстлар, тезрак айлангиз тавоб,

Қаҳ-қаҳ урар беҳаё жасад.

Синдиргудай ойнани беҳад.

Юқоридаги шеър Ҳ.Олимжон ижодида даҳриёна қарашларни маълум маънода кучли эканлигини далиллайди.

Биз Ҳ.Олимжон ижодида қўлланган диний атамаларни таҳлил қилар эканмиз, уларни, яъни диний атамаларни икки йўсинда қўлланганлигига гувоҳ бўлдик. Бири юқорида таҳлил қилинган ақл билан ишлатилган диний атамалар бўлса,

иккинчиси ғайриихтиёрий ҳолатда, яъни инсоннинг онги шуури орқали сингдирилиш асосида қўлланган диний атамаларга дуч келдик. Бундай диний атамаларнинг шоир ижодида келиши эса унинг аслида даҳрий эмаслигини исботлайди. Шоир, табиий равишда, ўз шеърларида рух, тақдир, толе, Тангри, Худо, жаннат, дўзах, фаришта атамаларини қўллайди. Бу атамалар динда қандай маънога эга бўлса, шоир ижодида ҳам ана шундай маъно касб этган. Масалан, 1929 йилда ёзилган “Чўллар” шеърида:

Узоқларда жонсиз кўринган,
Овуллар ҳам йиғлаб ухлаган.
Саҳар туриб шўрли ҳар хотин,
“Тангрим” деган, тўлиб йиғлаган.

Дарҳақиқат, инсон бирон бир нарсага муҳтожлик сезса, дарров яқинларидан мадад кутади, ниҳоят, ҳеч кимдан мадад бўлмагач, ҳар бир одам Тангрига илтижо қилади. Шоир шеърида ҳам ана шундай ҳолат тасвирланган.

1936 йилда ёзилган “Москва”, 1937 йилда ёзилган “Ўлка” шеърларида жаннат атамаси ном сифатида эмас, балки белги билдирувчи сифат маъносида келган бўлса ҳам, жаннатнинг ўз маъноси сақланиб қолган. Жумладан, “Москва” шеърида:

Жаннат ўлкасини яратган инсон,
Ошиқар умрида энг бахтли дамга.

-дейиш билан ўзи ишонган мамлакатни жаннатга қиёслайди. Бизга маълумки, жаннат — бу инсон вафот этгандан сўнг бу дунёда қилган яхшиликлари учун бериладиган мукофот, яъни у тушадиган жой. Ҳар бир мусулмон дунёга келибдики, жаннат учун ҳаракат қилиб яшайди. Жаннатнинг манзарасини эса сўз билан таърифлашнинг иложи йўқ. Шоир “Ўлка” шеърида ҳам жаннат атамасини худди ана шундай маънода қўллаган.

Сенинг жаннат водийлариндан,
Наҳрлардай тўлиб оқурман.

1936 йилда ёзилган “Офелиянинг ўлими” шеърида бирданига бешта диний атама ўз ўрнида, ўз маъносида қўлланганлигига гувоҳ бўлдик.

Жаннат, фаришталар, тоза малаклар,
Бир пулдир, энг маъсум ва энг пок ўпиш.
Дўзах ичра Ҳамлет ёниб алахлар,
Бутун олам кўринади, рўё туш.

Худди шу шеърида яна руҳ атамаси қўлланган.

Қўйнингда бир қучоқ оқ ва нафис гул
Лекин руҳинг тўла мотам ва аза.

Тўғри, юқоридаги ўринда руҳ тўлақонли диний атама маъносида эмас, балки кайфият маъносида ҳам келяпти. Лекин шоир шу руҳ атамасини кўллаш орқали ўзининг даҳрий эмаслигига ишора қилган бўлса, не ажаб. Боиси, руҳга динсизлар ишонмайди, улар учун ўлимдан кейинги ҳаёт йўқ, фақат шу ҳаётгина бор. Ислom динида ҳар бир инсон жисмида руҳ мавжуд. У ўзининг “мен”и ҳисобланади. Инсоннинг жисми йўқолса ҳам руҳи мангудир.

Ҳ.Олимжон руҳ атамасини ўзининг онги шуури асосида яъни табиий ҳолатда қўллаши унинг ички “мен”и бирор бир динга эътиқод қилишини билдиради. Қуйидаги сатрларда эса тақдир, толе атамаларининг шоир ижодида қўлланилиши эса фикримизни янада мустаҳкамлайди:

Тақдири шу
 зўр оқинга
 тўсиқ бўлганнинг,
 Тақдири шу
 қизил тарих
 ғилдирагининг.

Маълумки, ислом динида иймоннинг етти шарти мавжуд. Шу шартларнинг еттинчиси тақдирга ишонишдир. Ислом динида тақдир она қорнидаёқ битилади. Тақдири азал – бу инсон бирор вақтда манзилга етиб бориши керак бўлса, мана шу манзилга қай

ҳолатда етиб бориши унинг тақдири ҳисобланади. Шоирнинг бу шеърида ҳукумат оёғига болта урадиган, ёвларнинг аҳволи қандай бўлишни, гарчи динга ишонмаса ҳам тақдир дейиш орқали ўз мақсади йўлида ўзи ишонган ғояни, албатта, ғалаба қилишига ишонч руҳини туғдиради.

1932 йилда ёзилган “Шоҳимардон” достонида ҳам тақдир атамаси тақдири азал маъносида қўлланган.

Тақдир ёзмишига исён қиладир,
Исён қиладилар бутун умрга.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ҳамид Олимжон ўзини зоҳиран даҳрий ҳисоблагандир, лекин унинг руҳи, қалби яъни “мен”и даҳрий бўлмаганлигига юқоридаги шеърлар исбот бўла олади, деб ўйлайман.

ДАРЁ КАБИ УЙҒОҚ ШОИР

**Ситора Муталипова, АДУ
филология факультети 3-босқич талабаси**

Табиат кўрки мусаввири Ҳамид Олимжон 1909 йил 12 декабрда Жиззах шаҳрида таваллуд топган. У Нариманов номидаги бошланғич мактабни тугатгач, Самарқанд педагогика билим юртида ўқиди.

Талабалик йилларидаёқ шеър ёза бошлаган Ҳамид Олимжон 1927 йилдан “Зарафшон” газетаси муҳарририятида ишлади. Ҳамид Олимжоннинг “Кўклам” (1929), “Олов сочлар” (1931), “Ўлим ёвга” (1932), “Пойга” (1932) шеърий тўпламлари, “Дарё кечаси” (1936), “Чирчиқ соҳилларида” (1937), “Ўлка” (1939), “Бахт” (1940) тўпламлари унинг номини элга машҳур қилди.

Улуғ ватан уруши йилларида шоир драматургиямизнинг гултожи бўлган “Муқанна” шеърий драммасини, “Жиноят” драмаси, “Жангчи Турсун”, “Роксананинг кўз ёшлари” каби қатор балладаларни яратди.

Ҳамид Олимжон шеърляти халқ оғзаки ижоди намуналаридан озиқланган. Унинг “Икки қизнинг” ҳикояси, “Ойгул билан Бахтиёр”, “Зайнаб ва Омон”, “Семурғ” дostonлари ана шулар жумласидандир.

Шоир халқ оғзаки ижодининг билимдони эди. У халқ дostonлари, эртаклар, қўшиқлар, мақол ва маталлардан ижодий таъсир олган эди. Унинг машҳур “Ойгул билан Бахтиёр” дostonи ана шундай ижодий таъсир самарасидир. Мазкур эртак-doston халқ эртаклари йўналиши ва сюжети асосида ёзилган:

Болалик кунларимда,
Уйқусиз тунларимда,
Кўп эртак эшитгандим,
Сўйлаб берарди бувим.
Эсимда ўша дамлар,
Ўзи учар гиламлар.
Тоҳир Зухра, Ёрилтош,
Ойни уялтирган қош.
Ўт боғлаган қанотлар,
Беқанот учган отлар.
Бахтиёр билан Ойгул,
Қиз бўлиб очилган гул.
Сўйлагувчи деворлар,
Бола бўп қолган чоллар,
Бувимнинг ҳар қиссаси
Ҳар бир қилган ҳиссаси
Фикримни тортар эди,
Ҳавасим ортар эди.
Тинглар эдим бетиним,
Узун тунлар ётиб жим...

Ҳамид Олимжоннинг мазкур қаҳрамонлари худди эртаклардагидек мурод-мақсадларига етадилар. Эртакда адолат ёвузлик устидан ғалаба қозонади.

Шоирнинг “Семурғ” поэмаси ҳам халқона сюжет асосига қурилган. Поэмада афсонавий Семурғ, ботир йигит, алдамчи малика, дев образлари борки, булар Ҳамид Олимжоннинг халқ оғзаки ижоди намуналаридан ижодий фойдаланганлигининг яна бир ёрқин исботидир.

Ҳамид Олимжон “Болалик” деб номланган шеърида халқимизнинг удумлари, болалар ўйинлари ҳақида алоҳида тўхталиб, шундай деб ёзади:

Нурли ойдин кечалар,
Порлар эди кўчалар.
Тўпланардик,
“Яшинмачоқ” ўйнардик,
Сўнг чарчардик.
Чумчуқ каби
Чирқиллашни
Ташлаб биз,
Роҳат-фароғат
Қўзи каби ухлардик.

(“Куйчининг хаёли”). 19-бет.

Шеърда шоир болалик билан хайрлашиб, шаҳарга ўқишга кетиш жараёнини ҳам худди афсонавий эртак каби тасвирлайди:

Кунлар ўтди
Шаҳар бизни
Олов кўзли,
Темир танли
От билан
Кўкрагига чақирди.
Узоқ кетдик,
Йўлда тоғлар,
Бир тегирмон тошида
Чир айланиб қолдилар.

(“Куйчининг хаёли”) 19-бет.

Шоир халқ эртакларини шунчалар севганидан, бу руҳни шеърга ҳам чуқур сингдириб юборган. Шунинг учун у “поезд” ёки “трамвай” деб эмас, “олов кўзли, темир танли от” деб тасвирлайди. Булар шоир болалигидан турли-туман халқ эртакларидаги учар отлар, ёғоч отлар, темир отлар ва бошқа сеҳрли нарсалар ҳақида яхши тасаввурга эга бўлганлигини кўрсатади.

Ҳамид Олимжоннинг “Бахтлар водийси” шеърида ҳам халқимизнинг руҳи ва кайфияти акс этганлигини кўриш мумкин:

Эй, ўлкамиз
томиридан

жўшган
тоза қон.
Салом сенга!
Эй, Қайнардан
чиққан
қаҳрамон!
Салом сенга!
Полосонлик
Ҳайдар капитан
Кўм – кўк...
Кўм – кўк...
Кўм – кўк!..
(“Бахтлар водийси”)

Агар биз ушбу шеърнинг 1932 йилда ёзилганлигини ҳисобга олсак, ўша даврда “Қайнардан чиққан қаҳрамон”, “Полосонлик Ҳайдар капитан” каби ўбеклар ҳақида ёзишнинг ўзи бир жасорат эди.

Ҳамид Олимжоннинг “Куйчининг хаёли” шеъри атоқли халқ достончи бахшиларидан бири Фозил Йўлдошга бағишланган. Шеърнинг ҳар бир сатри халқона оҳанг билан суғорилган. Қуйидаги сатрлар сўзимизнинг исботидир:

Оёқлар остида ястанар сойлар,
Қошлар чарх уриб айланар ойлар,
Қулларга амр этиб, қамчи ўйнатиб,
Экинни билмаган йилқини бойлар.

“От чопса гумбирлар тоғнинг дараси,
Урушда билинар марднинг сараси”,
Олтойчилик йўлда қолган жўр элнинг,
Кўринарми юлдузининг қораси.
(“Куйчининг хаёли”). 19-бет.

Ушбу сатрлар халқ достонларига ҳамоҳангдай жаранглайди. Бевосита достонларда кўп қўлланиладиган “От чопса гумбурлар тоғнинг дараси, Урушда билинар марднинг сараси” деган анъанавий ибора эса шеърнинг халқчиллигини таъминлашга, унинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган. Шеърда

“сўзсиз ҳикоялар, энг буюк сирлар”ни “дарёдан тошиб” сўзлаш истеъдодига эга бўлган куйчининг образи меҳр билан чизилган. Куйчининг ўй – хаёлини банд этган турли вазиятлар атрофлича тасвирланган. Достончи куйлаган мавзулар қайд этиб ўтилади. Шоир уларни таърифлашда “Йиғласам ҳолимга йиғлар бир кеча...”, “Ғам билан сарғайди гулдайн дийдор” каби достонлардан олинган куйма сатрлардан фойдаланади. “Алпомиш” достонининг қаҳрамони номини келтиради:

Қирғоқларга урар дарё ўзини,
Осмон қуршамишдир тупроқ юзини.
Баҳорий даштларга, гул водийларга,
Ойбарчин тикмишдир қора кўзини...

Бундан кўриниб турибдики, шоир “Ойбарчин” ўрнига “Адолат”, “Ёқутхон”, “Чаманой”, “Холида” ёки бирор бошқа қизлар исмини келтириши ҳам мумкин эди, лекин шоир айнан Ойбарчин исмига мурожаат қилган. Чунки бу исм ҳамма учун таниш ва қадрдон. Ойбарчинни ҳамма танийди. Бундан ташқари, шоир шеърда бу исмни келтириш билан бирга “баҳорий даштлар ва гул водийлар” Ойбарчин туғилиб ўсган эртақчилар ва достончилар юрти эканлигини ҳам таъкидламоқчи бўлган. Шоирнинг “Ҳар юракнинг бир баҳори бор” шеърида ҳам халқ достонларидаги Лайли ва Ширин тимсоллари тилга олинади:

Лекин Лайли бошига келган,
Қора кунлар бизга ёт бутун;
Бизга ётдир Ширин бахтини
Поймол этган у қоп – қора тун.

У Лайли яшаган даврга ишора қилмоқда.

Ҳамид Олимжон шеърларида ровийдан фойдаланади. Масалан, шоирнинг “Офелиянинг ўлими” шеърида воқеалар ровий тилидан ҳикоя қилинади:

Ҳамлет севар эди, унинг қалбини,
Гўёки икки чўғ, иккита оташ.
Бўлиб ёндирадди кўзинг тун-куни,
У ҳам қилмас эди бу оташга ғаш.

Ҳамлет юрагига берарди барди ҳаёт,
Сенинг у оташин, гулбарг лабларинг,
Жасур ҳаёлига боғларди қанот,
Сенинг у оташин боғидан бир кезиб ўтганинг сенинг.

Шу тариқа шоир воқеаларни ровий тилидан баён этган ҳолда, буюк Шекспирнинг шоҳ асари бўлган “Гамлет”даги севги фожеасини маҳорат билан кўрсатиб бера олди.

Одатда халқимизнинг удумларига кўра, йигит билан қиз севишганда йигит қизга қасамёд қилиб ваъда беради. Уни ардоқлашига, чин қалбдан севишига ишонтиради. Ҳамид Олимжон халқимизнинг шу удумидан фойдаланиб, ўзининг “Ҳаёлинг-ла ўтади тунлар” шеърида ажойиб манзара яратади.

Лирик қаҳрамон анъанавий тушга ишониб, севгига шубҳа билан қараган маҳбубасига муҳаббати чинлиги ҳақида қасамёд қилади. Шоирнинг эртак ва достонлардаги туш мотивидан фойдаланиши ҳам диққатга сазовордир. Шоир йигит тилидан қуйидаги каби қасамёд сўзларини битади:

Шу рост эса ўтга тушсин жон,
Ёмғирдайин бошга тушсин ғам.
Яшаганим – дунёда ёлғон,
Қасам ичдим: эмасман одам.

Номард кетай, юракда туғён
Шу тўлқиндан зарра кам эса,
Номард кетай, шу оташ юрак
Сендан бошқа ўзгани деса.

Номард кетай, бўлса юрак тинч,
Ва севгига бўлса ниҳоя.
Душман бўлсин менга бахт, севинч,
Ғам булути бошимга соя.

Ҳарна бўлай, айласам жафо
Севинчимни бой бериб қўйсам.
Ҳарна бўлай, этмасам вафо,
Сендан бошқа бировни севсам.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Шоирнинг “Чимён эсдаликлари”, “Холбуки, тун...”, “Хаёлимда бўлдинг узун кун...”, “Ишим бордир ўша оҳуда”, “Қора денгиз бўйида”, “Соғинганда”, “Ўрик гуллаганда”, “Ўлка” каби бир қатор шеърларида ҳам шоир қалбининг ёниқ тафти, халқ ижоди намуналарининг у ёки бу қирраси уфуриб турибди. Булар Ҳамид Олимжоннинг халқ оғзаки ижоди намуналарини қайта-қайта мутоала қилиши, бебаҳо хазина бўлган фольклор асарларига тез-тез мурожаат қилиб туришидан бир нишонадир. Ҳамид Олимжон ижодида фольклор анъаналари мавзусини батафсил тадқиқ қилиш фольклоршунослигимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Шоир:

Кўзларимни юммасман асло –

Дарё каби уйғоқ ўтурман, – деб бежиз таъкидламаган.

Халқ чашмасидан сув ичган, халқона оҳанглар маржонидан тузилган Ҳамид Олимжон шеърляти доимий уйғоқдир.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ШЕЪРЛАРИДА СИНТАКТИК НОРМАДАН ОҒИШНИНГ КЎРИНИШЛАРИ

**Нодира Маҳмудова, АДУ филология
факультети 2-босқич талабаси**

Шеърнинг ташкилланишида унинг муסיқийлиги, таъсирчанлиги ва ҳиссий тўйинтирилганлиги кўпроқ шеърй синтаксис ҳисобига таъминланади. Шеър синтаксисига хос нормадан оғишнинг инверсия, эллипсис, жим қолиш, синтактик параллелизм, такрор каби кўринишлари бор. Бу усуллар севимли шоиримиз Ҳамид Олимжон ижодида жуда кенг ва моҳирона қўлланган. Буни қуйидаги мисоллар орқали кўриб чиқамиз:

Бутун борлиқ жон қулоғини
Қўйиб тинглар Омоннинг сасин,
Икки дўстнинг бахтли чўғини
Икки ёрнинг оташ бўсасин...¹

¹ Ҳ.Олимжон Мукамал асарлар тўплами. 2–том. Зайнаб ва Омон.

(“Зайнаб ва Омон”)

Она кўзларга тунлар чўкади,
Она ўртанади, ёшлар тўкади.²

Бу мисраларда синтактик сатҳдаги оғишларнинг кўринишларидан бири эллипсис³ ҳодисаси қўлланган бўлиб, унда гап бўлакларидан бири атайин тушиб қолдирилади. “Она” шеъридаги иккинчи мисрада эга тушириб қолдирилган. Яъни, “Она ўртанади, она ёшлар тўкади” бўлиши керак эди. “Она”нинг тушириб қолдирилиши натижасида дастлабки мисралардаги оҳангнинг сақланишига эришилади.

Шеърий мисраларнинг атайин тугатилмай қўйилиши яна бир синтактик фигура – жим қолиш⁴ни юзага чиқаради:

Шағирларди осмон ва ҳаво,
Шағирларди бутун коинот,
Шағирларди дарёда ҳаёт...
Ҳолбуки, тун...

Ҳамид Олимжон ушбу гўзал мисраларда тун тасвирини чизар экан, уни китобхон кўз олдида гавдалантиради, шоирнинг ўзи эса сўнгги мисраларда жим қолади. Бу эса китобхонда асарга нисбатан қизиқиш уйғотади ва уни давом эттиришга чорлайди. Шу билан биргаликда, мисраларда шеърий синтаксисда энг фаол қўлланилувчи воситалардан бири такрорни ҳам кузатиш мумкин. Шоир мисралар бошида, “шағирлайди” сўзини такрорлаш орқали анафора ҳодисасини қўллаган. Ёхуд “Зайнаб ва Омон” достонидаги қуйидаги парчада ҳам анафора ҳодисасини кузатиш мумкин:

Нада ота, на она қолди,
На бир кулба, на хона қолди,
На бир паноҳ, на бир ошиён,
На бир ғамхўр, на бир меҳрибон.
На бир сирдош, нада бир йўлдош,

² Ҳ.Олимжон Мукамал асарлар тўплами. 2–том. Она. 14-бет.

³ Д.Қуронов Адабиётшуносликка кириш Шеърий нутқ ҳақида. Тошкент.: Фан нашриёти, 2007 й. 143-б.

⁴ Ўша китоб. 143-б.

На бир ўртоқ, на бир қайғудош...

(“Зайнаб ва Омон”)

Юқоридаги мисраларда нафақат сўз такрори, балки жим қолиш ҳодисаси ҳам намоён бўлмоқда. Шоирнинг маҳорати шундаки, у фикрини “ҳеч нарсасиз қолди” деган биргина жумла билан ифодаламасдан такрор орқали маънони кучайтириб, шеърнинг таъсир кучини, оҳангдорлигини ошириб боради. Натижада ўқувчида ҳам ўша ҳис-туйғулар кучайиб, чуқурлашиб боради.

Ҳамид Олимжон шеъриятида такрорнинг жуда кўплаб кўринишларини учратиш мумкин. Шу жумладан, мисралар охирида битта сўзнинг такрорланиши, яъни эпифора ҳодисасини ҳам кузатиш мумкин:

Ўзига бир йўлдошни истар,
Бир кадрдон сирдошни истар

Ёки:

Юлдуз бўлиб учар эмиш у
Яшин каби кўчар эмиш у
Она унга уй қилмоқчидир,
Дабдабали тўй қилмоқчидир

Шоирнинг қуйидаги мисраларида эса айнан бир сўзнинг эмас, балки маънони кучайтириб такрорлашга асосланган усул – градация ҳодисасини кўриш мумкин:

Етти кеча, етти кун,
Ўтди кундуз, етти тун

(“Семурғ”)

Ёки:

Шунинг учун жимлик сақларди
Шунинг учун ичида дарди.
Шунинг учун қийналса ҳам жон,
Севгисини тутарди пинҳон.

(“Зайнаб ва Омон”)

Инсонни жимлик сақлаши, дардини ичига ютиши ҳолати бу – жоннинг қийналишига олиб боради. Мазкур ўринда шоир маънони кучайтириб такрорлаш орқали, лирик қаҳрамон

кечинмаларидаги динамикани бериш билан бирга, китобхонда ҳам ўша кечинма кучайтирилиб, чуқурлашиб боришига эришган.

Шунингдек, Ҳамид Олимжон ижодида синтактик қурилмани тескари тартибда такрорлашга асосланган хиазм¹ ходисасини учратиш мумкин. Буни қуйидаги мисолда кўрамиз:

Она севмас фарзанд топилмас,

Фарзанд йўқдир онани севмас.

(“Зайнаб ва Омон”)

Серқирра ижодкор Ҳамид Олимжон шеъриятида синтактик нормадан оғишнинг деярли барча кўринишларини учратиш мумкин. Бу кўринишлар шеърнинг эстетик самарасини, таъсирчанлигини, оҳангдорлигини, мусиқийлигини оширишга ва китобхонга тез юктиришга хизмат қилади. Ҳамид Олимжон шеъриятининг неча йиллардан бери улуғланиб, ўз таъсир кучини йўқотмай келаётганига сабаб ҳам шу бўлса керак.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ВА ФОЛЬКЛОР

**Камолова Ирода, АДУ, филология
факультети 3-босқич талабаси**

Шоир ижодининг бутун жилоси унинг асарларида бўй кўрсатувчи халқона оҳанг ва фольклоризмларнинг қўлланишида десак, адашмаган бўламиз. Чунки шоир болалигиданоқ халқ оғзаки ижоди намуналаридан баҳраманд бўлди. Фольклорнинг энг нодир намуналари, халқ донишмандлигининг ажойиб фазилатлари шоирни ўзига тортган, завқини оширган, адабиётга ҳавасини уйғотган, бадиият оламига киришига катта таъсир этган. Ҳамид Олимжон халқ оғзаки ижоди асарлари таъсирида “Ойгул билан Бахтиёр”, “Семурғ” ёки Паризод ва Бунёд” каби ажойиб дostonларни яратган. Бу эртақ-dostonлар халқ оғзаки ижодида мавжуд бўлган “Маликаи Ҳуснобод” эртаги асосида яратилган “Ойгул билан Бахтиёр”да шоир ватанни севиш, зулмга қарши ғзаб, нафрат билан курашни тарғиб қилади. Dostonнинг бош қаҳрамони Ойгул “Маликаи Ҳуснобод” эртагидаги подшо

¹ Д.Қуронов Адабиётшуносликка кириш. Т., Фан нашриёти, 2007, 145-бет.

қизи образидан фарқли ўлароқ халқ қаҳрамонларига хос сифатлар эгаси: халқ кучи ва иродасини ўзида мужассамлаштирган образ.

Шу ўринда Ҳамид Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр” эртагида фольклорга мурожаат қилган бир жиҳатини кўрайлик. Бизга маълумки, эртақларда сеҳр, фантастика етакчи ўринда туради. Эртақ-достонда Ойгулни Жайхун балиғи ютганда ҳам тирик қолиши фольклор таъсирини аниқ кўрсатиб беради. Шоир Ойгул образини яратиши билан халқ кучи ва иродасини ҳеч қачон енгил мумкин эмасилигини ишончли қилиб кўрсатган. “Семурғ” ёки Паризод ёки “Бунёд” достонидаги чўпон Бунёд образида ана шундай муҳим, халқчил ғоялар олға сурилади. Ойгул сингари Бунёд ҳам халқ қаҳрамони ва халқ орзуларининг тимсолидир. Достонда тасвирланишича, камбағал чўпон йигит Бунёд хон қизи Паризоднинг не-не шахзодалар уддалай олмаган шартларини бажариб зўр қаҳрамонлик кўрсатади. Халқ фарзанди Бунёднинг мардлигига ҳамма қойил қолади. Лекин хон ва хоннинг қизи Паризод бу жасур йигитнинг қадрига етмайди. Паризод ўз ваъдасини бузиб, субутсизлик қилади. Шунинг учун Паризод маккорлик, аҳдбузарлик ва ёлғончилик тимсолидир.

Бунёднинг қаҳрамонлигини бўрттириб кўрсатиш учун ранг-баранг тасвирий воситалар, халқ оғзаки ижодига хос ажойиб муболағалар, мазмундор ўхшатишлар, сифатлаш ва жонлантиришлардан ўринли фойдаланилган. Шоир ўрмондаги даҳшатли девни ва унга қарши курашни тасвирлар экан, шундай ғаройиб муболағалар яратадики, улар достон тилини безабгина қолмасдан, Бунёд образининг ёрқин чиқиши учун ҳам бевосита хизмат қилади.

Бунёд қилич чиқарди,
Ўрмон ялтираб қолди.
Бунёднинг қаҳри келди,
Девнинг ҳам захри келди.

Бир сўз билан айтганда, бу бекиёс ижодкор Ҳамид Олимжоннинг эртақ-достонлари китобхонларга эстетик завқ бериш билан бирга ёш авлодни қаҳрамонлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялайди.

МАҲОРАТ УЧҚУНЛАРИ

(ёхуд Ҳамид Олимжон таржималарига бир назар)

**Раҳмонова Зилола, Олтинкўл
иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси**

Адабиётшунослик ва унинг бир бўлаги бўлган таржимачилик ҳар доим адабиёт ихлосмандларини ўзига жалб қилиб келган. Таржимачилик олдидаги муайян илмий-тадқиқий муаммони ҳал этиш, турли йўналишда ва гоҳо таржима этилаётган асарга ижодий ёндашиш шоир ёхуд адибдан анчагина малака ва истеъдод талаб қилади. Бугун сўз юритмоқчи бўлганимиз улуғ ижодкор Ҳамид Олимжон таржималари ана шу ёрқинликларни ўз ичига олади. Табиат гўзалликларини, инсон қалбини, муҳаббат жилоларини нозик ҳис этувчи шоир ўз таржималарида ҳам гўзал оҳангдорликка юз тутди. Ижодкор Пушкин, Байрон, М.Светлов, Н.Асеев, А.Безименский, Нозим Ҳикмат, Н.Островский кабиларнинг нодир асарларини ўзбек тилига ўғирди.

1936 йил Ҳамид Олимжон учун ижодий самарадорлик йили бўлган, десак, муболаға бўлмайди. Шу йили шоир ўзи таъриф берганидек, “Қояларда асрли дoston, Дараларда оппоқ мангу қор, Чўққиларда оташ саратон, Ён бағирлар бинафша баҳор”га айланган Чимён тоғлари бағрида дам олади. Айнан жойнинг гўзаллиги, мафтункорлиги, илҳомбахшлиги сабабли ижодкорнинг ажойиб ижод намуналари, гўзал таржималари дунёга келади.

Пушкиннинг 1829 йилда ёзилган ишқий мавзудаги ўзбек тилида “Сизни севган эдим: қалбдаги олов, сўниб битмагандир ҳам, эҳтимол” – дея бошланувчи машҳур шеърини завқ билан ўзбекчалаштирди ва шеър мухлислар орасида катта шуҳрат қозонди. Аслида шеър севгилиси билан видолашаётган йигитнинг оташин севгиси бошқа дилдорга ҳам насиб этсин, деган поэтик ғоя билан хотималанади. Аммо Ҳамид Олимжон гўзал оҳангдорликни ҳис этгани ҳолда “Сизни севган эдим, содиқ, вафодор, энди ҳақ айласин бошқага дилдор”, -дея шеърни чиройли тугаллайди.

Шундай ўтли шеърлар билан бир қаторда Ҳамид Олимжон малоҳатга тўла, завқли тоғ ёнбағрида 1936 йилнинг июнь-июль

ойларида рус шеърятининг улкан намоёндаси Пушкиннинг “Кавказ асири” ҳамда “Сув париси” асарларини катта маҳорат билан ўзбек адабиёти оламига олиб кирди.

Ҳамид Олимжон Пушкин асарларини ўгириш билан бир вақтда Байрондан ҳам ўтли таржималар қилди. Унинг 1936 йил Байрондан қилган таржимаси 1953 йил нашр этилган, “Шеърлар” тўпламида ҳам босилган. Ушбу тўплам сўзбошиси муаллифи Сарвар Азимов Ҳамид Олимжон таржималари ҳақида чиройли фикрлар билдирган. Шоирнинг таржимаси асосидаги “Видо” номли машҳур шеъри, яъни “Жудо бўлмас эдилар улар, бадкирдорлар жудо этдилар”, -деб бошланувчи шеъри айниқса диққатга сазовордир. Унда 26 сатрдан кейин “Кольрижнинг “Кристабель” поэмасидан” деган кичик сарлавҳа билан, “Алвидо ёр, агар шу бало Қисматда бор бўлса – алвидо!” деган сатрлар билан бошланувчи бошқа шеър келади. Симюэль Тейлор Кольриж – машҳур инглиз романтик шоири. Афсуски, унинг чуқур маънодор, фалсафий тимсолларга бой шеърятини биз ўзбек ўқувчиларига етарли маълум эмас. Маълумки, Байрон “Видо”га “Кристабель”дан катта бир парчани эпиграф қилиб олган эди. Ҳамид Олимжон хизмати туфайли Кольрижнинг машҳур асаридан парча ўзбек шеърятига ҳам Байрон эпиграфи орқали кириб келди. Шоир таржимасидаги “Видо” шеъри кейинчалик 1974 йилда нашр этилган Байроннинг “Сайланма” асарларига ҳам киритилди.

Ҳамид Олимжон “Кавказ асири”да тасвирланган: урушда черкасларга асир тушган рус йигитининг тақдири, бу ерда гўзал черкас қизининг оловли муҳаббатига дуч келгани каби воқеалар тизимини таржима қилишда ўзбек адабий тилининг гўзал ва бой имкониятларидан моҳирона фойдаланди.

Пушкиннинг “Сув париси” ҳам бошқа трагик асарлари каби содда, халқчил вазнда ва қофиясиз ёзилган. Шунга қарамай, бизнинг ўзбек шоиримиз дадиллик билан қофиясиз, аммо қатъий вазнли шеърни адабиётимизга олиб кирди. Пушкин сув парилари қўшиғида равон қофияга мурожаат қилгани боис Ҳамид Олимжон ҳам парилар қўшиғи учун чиройли қофиялар топади.

Ҳамид Олимжон Тарас Шевченконинг “Васият” шеърини шундай маҳорат билан таржима қилганки, шеър, наздимизда, худди аввалдан ўзбек тилида ёзилгандай таассурот уйғотади.

Шоир бадийй проза таржимачилигига ҳам муносиб улуш қўшди. Николай Островскийнинг “Пўлат қандай тобланди” романи шоир қалами билан ўзбекчада янградики, уни ҳар даврда севиб ўқишлари, шубҳасиз.

Шунингдек, шоир Светловдан “Гренада”ни, Нозим Ҳикматдан “Қуёш ичганлар қўшиғи”ни моҳирона таржима қилди.

Ўзбекнинг буюк фарзанди Ҳамид Олимжоннинг ўткир ва истеъдод оловида чархланган қалами туфайли ўзбек тилида янграган жаҳон адабиётининг бир нечта нодир асарлари адабиётимизнинг олтин хазинасидан ва айни дамда адабиёт ва шеърят ихлосмандлари қалбидан ўчмас жой олди, халқимизнинг, миллатимизнинг бой маънавий мулкига айланди.

ЗАЙНАБ – ЗАМОНДОШИМИЗ

Манзура Абдулҳамидова, АДУ магистранти

Ҳамид Олимжон юксак поэтик маҳоратни эгаллаган истеъдодли ва серқирра ижодкордир. Шоирнинг “Зайнаб ва Омон”, “Семург”, “Ойгул билан Бахтиёр” каби дostonлари ўзбек поэзиясининг энг сара асарларидан ҳисобланади.

Биз ушбу мақоламизда “Зайнаб ва Омон” поэмасидаги Зайнаб образи хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз. Мазкур поэма автобиографик характерда бўлиб, Зайнабнинг прототипи ҳаётда мавжуд бўлган. 30-йилларда донгдор пахтакор Зайнаб Омонованинг ибратли ишлари бутун республикага ёйилди. Ҳамид Олимжон Зайнаб Омонованинг ҳаёт йўли билан танишгач, “Зайнаб ва Омон” поэмасини яратди.

Ҳамид Олимжон ўз поэмасида “Тоҳир ва Зухра” сингари ишқий-қаҳрамонлик дostonлари, Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, А.С.Пушкиннинг “Евгений Онегин” каби асарларидаги анъаналарни бир нуқтага жамлаган ҳолда “Зайнаб ва Омон” поэмасини яратди. Асар қаҳрамонлари на Тоҳиру Зухра, на Фарҳод ва Ширин ёки Лайли ва Мажнунга ўхшаб адолатсизлик қурбони бўлмайдилар, саҳроларда ёлғиз кезмайдилар. “Зайнаб ва Омон” поэмасининг қаҳрамонлари бахтиёр ёшлар. Улар ўзлари туғилиб ўсган юртни обод қилиш, унинг бойлигига бойлик қўшиш ишқи билан ёнайдилар. Шоир поэма қаҳрамонларини меҳр-муҳаббат билан тасвирлайди.

Ҳамид Олимжон қаҳрамонлар характери яратар экан, уларнинг бой ички кечинмаларини ифодалаб, гўзал интилишлари ва булоқ каби мусаффо туйғуларига заргарона сайқал беради. Буни шоирнинг “Тулга тўлиб серишва серноз, унинг кўнглин хушлайди боғлар” деган сатрларидан ҳам билишимиз мумкин.

Шоир Зайнаб ўсган элни, унинг гўзаллигини зўр эҳтирос ва илҳом билан тасвирлайди. Зайнаб сиймосида эса гўзалликни, гуллар нишонасини кўради. Бинобарин, Зайнаб “баҳор каби тўлиб боради, ҳар куни гулдай бўлиб боради”. “Ҳар юракнинг ўз баҳори бор, Ҳар юракка ишқ бўлар меҳмон”, деганларидек, Зайнабнинг қалбига ҳам ишқ меҳмон бўлади. Шоир Зайнаб характери унинг Омонга бўлган севгиси орқали очиқ беради.

Зайнаб – меҳнат кишиси. У меҳнат қилиб чарчамайди. Унинг дунёқараши ҳам ўзи каби гўзал. Шоир таърифича:

Кокиллари унинг тол-тол,
Лабларида битган қора хол.
Бир дунёга арзугидай бор,
Кўзлар ёниб ахтарар бир ёр,-
Ёр ахтариб боққанда қийғоч,
Қоши бўлиб худди қалдирғоч,
Атрофида ойлар чарх урар,
Теграсини юлдузлар ўрар.

Шоир Зайнаб образини икки хил усул – лирик ва драматик тасвирий компонентлар орқали яратади. Биз энг аввало, поэмада Зайнабни бахти кулган қиз сифатида тасаввур қиламиз. Ундаги гўзаллик ва малоҳат қизнинг ички гўзаллиги, одоби, ҳаёси билан ҳамоҳангдир. Зайнаб қишлоқдаги барча йигитлар ичидан Омонни танлайди. Чунки Омон ҳам Зайнабни севади, лекин севгисини изҳор этолмай қийноқда. Бироқ уларнинг севгиси қаршиликларга учрайди. Зайнабнинг онаси Анор уни бошқа йигитга узатмоқчи. Зайнаб тақдирга тан бериб кетадиган қизлардан эмас. У ўз тақдири учун курашади. Буни қуйидаги диалогда ҳам кўришимиз мумкин:

-Бўлмайдими, Собир, тез гапир,
-Она бўлмас, жоним, гапим бир.
-Ё мени де ёки Омонни,

-Нетай тикдим йўлида жонни.
-У пасткашнинг зоти ким экан,
-Она, урма қалбимга тикан.

Тўғри, бундай хулосага келиши Зайнаб учун ҳам осон кечмаган. Буни унинг Анор ўз уйидан қувгандаги қуйидаги сўзларидан ҳам билиш мумкин:

Этолмадим тузингни ҳалол,
Чорам йўқдир, жон она, хуш қол.

Кўриниб турибдики, Зайнаб тузини ичиб, тузликқа тупуриб кетадиган инсонлардан эмас. У Анорнинг олдида берган тузини оқлай олмаганидан ҳижолатда. Демак, Зайнаб инсофли, диёнатли ва виждонли қиз. Шунданми, у ҳақсизлик олдида ҳам Анор тузини “ҳалол этолмагани” учун қайғуради. Анордан кечирим сўрайди. Зайнабнинг мана шу соддадиллиги ва ифбатли фазилати таҳсинга лойиқдир.

Биз Зайнабни замондошимиз дедик. Боиси Зайнабда халққа ва жамиятга фойда келтириш, Ватан бойлигига бойлик қўшиш, интилиш туйғуси кучли. У ҳақсизликка тоқат қилиб турмайди. Ўз бахти учун курашади. Зайнабнинг Анорга қарши исёнини тўғри тушуниш керак. Аслини олганда, катталарнинг фикрига қарши чиқиш нотўғри. Лекин бу дегани ўзингиздан катта одам ҳар қанча адолатсизлик қилса ҳам чидайвериш деган гап эмас. Мана шу нуқтаи назардан Зайнаб тутган йўлни баҳолашда адашмаслигимиз керак.

Асар қаҳрамонларидан бири Омон она алласини тинглашга зор ўтган бола. У оқсоч кампирнинг тарбиясида эсини танийди. Сўнгра соҳилларда “Зарафшондай югуриб”, “Юрт бошини зулм босганда, адоват билан ўлим босганда”, муҳтожликда ва очиликда вафот этган ота-онасидан дарак ахтариб, бахт излаб йўлга чиқади. Омон ўз бахтини “саодатни бахт бўстонида” ва бу бўстоннинг бир гули бўлмиш Зайнаб сиймосида топади. Поэмадаги Омон ва Зайнабни бирлаштириб турувчи занжир сифатида тасвирланган Ҳури образи ҳам ўзига хос самимият билан тасвирланган.

Ҳамид Олимжон таваллудининг 100 йиллиги нишонланаётган шу кунларда биз шоир асарларини қайта-қайта

мутоала қилар эканмиз, шоирнинг “Зайнаб ва Омон” поэмасидаги Зайнаб образи ўзининг янги-янги қирралари билан яққол намоён бўлади. Булар шубҳасиз, шоирнинг юксак бадий маҳоратининг ёрқин мевасидир.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ШЕЪРИЯТИДА МУМТОЗ АДАБИЁТ АНЪАНАЛАРИНИНГ ТАДРИЖИ

**Манира Яқубова, АДУ филология
факультети 2-босқич талабаси**

Мумтоз адабиёт намуналаридан баҳраманд бўлмай туриб ижодкор бўлиш мумкин эмас. У қайси халқ вакили бўлмасин ўз миллий адабиёти илдизлари билан таниш бўлиши лозим. Ҳ. Олимжон гарчи шўро мафкураси принципларига ҳамоҳанг қадам ташлаган, нафас олган бўлса-да, у ўтмиш адабиётга тош отаётганларга қарши чиқди. Унинг ижодида “Бўлсам” радифли ғазал мавжуд бўлиб, унда шоир мумтоз адабиётимиз анъаналарининг давомчиси сифатида кўринади.

Ғазалнинг лирик қаҳрамони анъанавий образлардан бири ошиқ. Ошиқ маъшуқа васлига интилади. Бу интилиш шу қадар кучлики, ошиқ ёр юзидаги холга, лабларидаги болга айланиб қолишни истади. Мумтоз адабиётда ёрнинг лаблари одатда лаълга, ғунчага, гулга ўхшатилади. Шоир эса ёрнинг лабларига нисбатан “лабинг япроғи” бирикмасини қўллайдики, ўқувчи кўз олдига япроқ устидан томчининг томиши манзараси янада жонлироқ гавдаланади:

Лабинг япроғидан томган ки гўё қатра бол бўлсам.

v - - -/ v - - -/ v - - -/ v - - -/

Ҳазаж мусаммани солим

Мумтоз адабиётда ошиқнинг тимсоли булбул, ёрнинг тимсоли эса гул эканлиги маълум. Эмишки, булбул тун бўйи гулнинг юзини очишига умидвор бўлиб сайрар экану, тонг чоғи айни гул юзини очадиган вақтда ғафлатда қолар экан. Шу боис бўлса керак, иккинчи байтда ошиқ “булбул каби хониш қилиб тунлар” хоҳлайди, бироқ тонг чоғида ғунчанинг очилишини кўриш учун

шамолга айланишни истайди. Ошиқ шамол бўлиб ёрнинг бўйини бутун оламга тарқатишни орзу қилади:

Бўйингни тарқатиб оламни қилсам масту мустағрик,
Ўзимнинг санъатимга сўнг ўзим ҳайратда лол бўлсам.

Ўқувчи кўз ўнгида ёрнинг қиёфаси намоён бўлар экан, шоир тасаввуридаги образ идеал ёр экани англашилади. Ошиқнинг ёр билан оламда ёлғиз қолиб, сўнг ўзини-да тополмай охири ҳаёлга айланишининг ҳам образли баён қилинади:

Сенинг бирла қолиб бу масту лол оламда мен ёлғиз
Ўзимни ҳам тополмай, майлига, охир ҳаёл бўлсам.

Ошиқлик ўздан кечишдир. У ёр ишқида собит ва садоқатлики, ўзини ёрнинг руҳи, дили, жони билан бирикиб кетган ҳисоблайди. Шунинг учун “майлига, охир ҳаёл бўлсам” дейди. Ёрнинг боғидаги гуллардан бири бўлолмасам, ҳеч курса шу қасрнинг девори бўлишга ҳам розиман, дейди ошиқ.

Мумтоз адабиётдаги етакчи образлардан бири рақибдир. Мазкур образ ошиқ ишқининг оташинлиги, кучлилиги, пурзўрлигини таъкидлашда янада самара беради. Рақиблар рашкига кўкрак кериб, қамалда қолган каби бўлсам дейди:

Бошим ҳеч чиқмаса майли маломат бирла бўҳтондан,
Рақиблар рашкига кўкрак керай, майли, қамал бўлсам.

Ошиқнинг “қамал бўлиш”и Ҳ.Олимжон ижодига хос ифодадир. Байт мазмунидан ўқувчи кўз олдига қамалда қолганлар орасидан кўкрак кериб рақиблар олдига чиққан ошиқ намоён бўладики, бундай ҳаётий ҳодисанинг лирик шеърга сингдирилиши ғазалнинг таъсирчанлигини оширади, ўқувчида бадиий завқ уйғонади.

Ошиқнинг садоқати шу қадар кучлики, у жонини фидо қилишга ва увол бўлишга-да розилигини изҳор қилади.

Ғазалнинг шакли ҳам мумтоз шеърятимиз мезонларига тўла мос келади. У ҳазаж баҳрида ёзилган.

Кезиб сахро-ю водийлар етишсам бир висолингга,

Фидо жонимни қилдим йўлингга майли увол бўлсам.

v - - -/ v - - -/ v - - -/ v - - -/

Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун

Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун

Ҳазажи мусаммани солим

Ғазал анъанавий шаклда, 7 байтдан иборат. Ғазалнинг сўнги байтида таҳаллус қўлланмаган.

Ҳ.Олимжон гарчи мумтоз шеъриятимиз жанрларида баракали ижод этмаган бўлса-да, ўтмиш адабиётимиз анъаналарини яхши билган ва ўзи яратган ғазалда устоз шоирлар изидан борган. Ва бу ҳақли равишда маҳоратли ва хассос шоир Ҳ.Олимжон анъанавий образлар орқали ўзига хос ифода ва услуб ярата олган; оригинал ғазал намунаси, дунёга келган, дея айта оламиз.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ИЖОДИДА ВАТАН МАВЗУСИ

**Гулбахор Дехқонова, АДУ, филология
факультети 1-босқич талабаси**

Эй муқаддас ватанимиз – жонимизсан,
Номусимиз, шарафимиз, шонимизсан.
Тупроғингни кўзга сурмоқ энг улуғ бахт,
Томирларда қайнаб турган қонимизсан.

-деб куйловчи Ватан ишқи ва унинг гўзаллигини мадҳ этувчи атоқли шоир Ҳамид Олимжондир. Ҳамид Олимжон бахт ва шодлик куйчиси, шу билан бир қаторда унинг шеърларида ватанига бўлган меҳри, халқининг ички кечинмалари, дарду қувончлари яққол акс этган. Ватан – инсон туғилиб ўсган, унинг киндик қони тўкилган юрт ҳисобланади. Ҳар бир инсон, хоҳ у шоир, хоҳ хизматчи, оддий касб эгаси бўлсин шу юртда яшайптими, шу тупроқнинг нонини еяптими, демак бу тупроқ шу инсоннинг ватани ҳисобланади. Жумладан, шоир шундай ёзади:

Мен дунёга келган кунданоқ,
Ватаним деб сени уйғондим.
Одам бахтли биргина сенда,

Бўлурымга мукаммал қондим.

Шоир шу юртда дунёга келганидан, уни ватаним деб уйғонганидан, ўз бахтини биргина ундан топганини ва мукаммал инсон бўлганини, шу юртда яшаётганидан бахтли эканини айтиб ўтади.

Шеърларда юртни қандай тасвирласа ўқиган китобхон кўз олдида шундай тасвирланади. Унда табиат манзараси халқнинг турмуш тарзи, ундаги одамларнинг қилаётган ишлари, ҳатто ёш болаларнинг мактабга боришлари-ю, кўчадаги юз бераётган воқеалар шундай тасвирланганки, ўқувчи кўз ўнгида шу манзара яққол гавдаланади.

Чунки, элим қайғуни билмас,
Чунки йўғдир ватанда мотам.
Озод халқим бошига келмас,
Энди сира мусибат ва ғам.
Шунинг учун шодман бир умр,
Шунинг учун шодлик ҳамдамим.
Ҳар кун ўтар кўзларимда нур,
Шунинг учун йўқ асло ғамим.

Қаранг қандай гўзал ва таъсирли шеър. Шеърнинг ҳар бир сатрида элнинг қайғуси йўқлиги халқнинг озодлиги мусибат ила ғам ундан йироқлиги шунинг учун шодлигини, шунинг учун унга доим шодлик ҳамдамлиги ва бундан бахтли эканини айтиб ўтади.

Аммо бу тинчликка эришиш, бу бахтли кунларга етишиш осон бўлмаган. Бунинг учун қанчадан қанча ота-боболаримиз кураш олиб борган. Ватан озодлиги, эл-юртнинг тинчлиги учун ҳатто жонларини фидо қилганлар. Хоҳ ёш йигит, хоҳ қари чол бўлсин буларнинг бари ватан учун қўлига қурол олган. Шоирнинг “Қўлингга қурол ол” шеърида ушбу ҳолат яққол ифодаланган.

Бўлсин десанг дунё сенга кенг,
Қолсин десанг қўлингда эркинг,
Бўлай десанг сен одамга тенг,
Бўлмай десанг ёвларга ҳаммол,
Қўлингга қурол ол.

Юрса агар томирда қонинг,
Азиз бўлса бир парча нонинг,
Керак бўлса номус виждонинг,
Бўлсанг йигит, бўлсанг ҳамки чол,
Қўлингга қурол ол.

Шеърдаги ҳар бир сатр инсонни ватанпарварликка чорлайди. Дунёни кенг бўлиши учун боғинг, яъни оиланг гуллаб яшнаши, ўстирган фарзандларинг увол бўлмасин десанг, қўлингга қурол олгин, яъни фашистдан қасос олай десанг юртингни кўриқлаш учун ҳар ишники қилгин, кейин аттанг қилиб қолмаслик учун ватан учун жангга отлан, томирда қонинг қолгунча, бир парча нонинг ўзинга тегишли бўлиши учун, керак бўлса номусинг, виждонинг учун қўлингга қурол ол, деб ватан учун жангга чорлайди. Бу сўзларни балки баъзи одамлар баландпарвоз гап деб ўйлар, лекин ҳақиқий ватанни севган инсон бу сўзлар замирида қандай умумбашарий маъно борлигини англаб етади.

Шоир урушнинг оғир оқибатларини, қанчадан-қанча онаизорларнинг бағрини бўзлатиб кетган урушни, оналар қон қақшаб қолганини жуда таъсирчан ҳолда тасвирлаб берган. Бунга мисол қилиб “Жангчи Турсун” балладасини олайлик. Бу балладада Турсуннинг ватан учун жон олиб жон бергани моҳироналик билан акс эттириб берилган. Урушда кўп инсонлар ҳалок бўлганини кўриб Турсуннинг ватанга муҳаббатидан кўрқув устун келгани бир пайтда унга онасининг ёзган хати кўмак беради. Онасининг кўп жангларда Турсуннинг жанг майдонини ташлаганидан қаҳри келганлиги агар ўша пайтда олдида бўлса, орқангга қайт деб ҳайқиргиси келганини айтиб ўтади ва ўғлига шундай дейди:

Ўғлим бу оғир кунлар,
Бир кун ўтиб кетади.
Лекин кўрқоқнинг шаъни,
Минг, йилларга ўтади.
Шунинг учун жангда мард,
Бўлганинг яхши менга.
Қочиб тирик қолгандан,

Ўлганинг яхши менга.

Қаранг она фарзанд учун жонини бергудай бўлса ҳам лекин ватанга муҳаббат оналик меҳридан устун келади. Бу сўзларни ўқиган Турсун қалбида Ватан меҳри янада жўш уради. У ватан учун жангга киради ва ҳалок бўлади. Лекин у жуда хурсанд бўлиб тупроққа бош қўяди. У худди ёш боладек, онанинг кучоғида ётгандек ватан тупроғига бош қўяди. Ватан шундай буюкки, у инсонни комилликка етказди. Шоир шундай дейди.

Мен элимнинг юрагида яшайман,
Эрк деганнинг тилагида яшайман.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ЛИРИКАСИДА ПЕЙЗАЖ

**Бегзод Мирзаев, АДУ филология
факультети 1-босқич талабаси**

XX асрга келиб ўзбек адабиётида қатор-қатор буюк шоир ва ёзувчилар чиқиб келди. Лирикада ижод қилган Ҳамид Олимжоннинг халқ қалбида алоҳида эътироф ва мақтовга сазовор десак, хато бўлмайди.

Ҳамид Олимжонни академик Ойбек “Оташин ватанпарвар шоир” деб таърифласа, Уйғун “Шодлик ва бахт куйчиси” деб таъриф берган. Шоирга бундай таърифлар берилишига сабабни у ёзган шеърларини ўқиб билиб оламиз.

Биламизки, адабиётда пейзаж муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Пейзаж – табиат тасвири, манзара, шоир томонидан табиатни шеър қилиб тасвирлаш демакдир. Ҳамид Олимжон ёзган шеърларини кўп қисмини мана шу тасвир воситасидан кенг маънода фойдаланганини кўрамиз. Шоирнинг барчамизга ёд бўлиб кетган “Ўзбекистон” шеърида бу фикримиз тўла исботини топади:

Водийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди манда.

Шеърнинг бошланишида келадиган ушбу мисраларга эътибор қилган киши шоир кўнглида кечаётган туйғуларни, Ватан туйғусини “ажиб ҳис” билан таърифлаётганини кўрамиз.

Чиройлидир гўё ёш келин,
Икки дарё ювар кокилин.
Қорли тоғлаб турар қошимда,
Гул водийлар яшнар қошимда.
Чор атрофга ёйгандай гилам,
Асло йўқдир бундайин кўклам.

Ушбу мисраларни ўқиган ҳар қандай инсон кўз олдига шоир тасвирлаётган табиат манзараси, беихтиёр келади. Мусаввир жаннатмакон диёримизни бўёқлар ёрдамида тасвирласа, шоир уни сўзлар ёрдамида кўз олдимизда гавдалантиради.

Кундан кунга, ўсади пахта,
Барг чиқади ҳар-бир дарахтда.
Олмазорлар гилам тўкади,
Мева боғлаб шохин букади.

Мана бу мисраларда ва пейзаж ёрдамида сўзлар кетма-кетлиги билан қўллаши кўз олдимизда навбат билан пайдо бўлади. Барг чиқариб пахтанинг ўсиши, олмазорларнинг гул тақиб, мева боғлашини Ватанимизнинг гўзал тасвири уйғунлигида кўрамиз. Қуйида Ҳамид Олимжоннинг “Лола”, “Ниҳол”, “Ўлка”, “Ўрик гуллаганда”, “Баҳор”, “Қиш”, “Куз” каби шеърларидан мисоллар кўрамиз.

Шоир “Қиш” шеърида оппоқ қорлар, дарахтлар ҳам оппоқ кийимда, кўчаларни ҳам оппоқ кўринишда тасвирлаши орқали биз кишни англасак, “Баҳор” шеърида эса кўклам далалар, гуллаган дарахтлар, гўзал кўринишдаги водийларни тасвирлаш орқали баҳорни англатади. Шу маънода шоирнинг табиат тасвири орқали ёзаётган шеърлари нафақат табиат, балки лирик қаҳрамон-шоирнинг ўй-фикр, ички кечинмаларини табиат тасвири воситаси орқали намоён қилаётганини библиб оламиз. Ижодкор ниҳол кўчатни тасвирлаш орқали ёш ўсаётган ўспирин инсоннинг ҳаётга интилиб яшашини тасвирласа, мажнунтол дарахти образини тасвирлашда инсонни қариб кучдан қолганига

ўхшатади. Биламизки, ниҳол ҳам, мажнунтол ҳам дарахт ҳисобланади. Аммо шоир бу образлардан ўз шеърларида юксак маҳорат билан фойдаланган.

Ҳ.Олимжоннинг “Болалик” шеърисида тасвирланган чаманзорлар тасвирини ўқиган инсон оддий бир чаманзорни кўриши мумкин, аммо шоир талқинида эса чаманзор – болаликнинг кенг маънода беғуборлиги, бу чиройли манзара ҳар қайси инсон учун йиллар ўтиб армон бўлиб қолаётгани англашилади.

Бу каби мисолларни шоирнинг жуда кўп шеърларидан келтиришимиз мумкин. Ҳ.Олимжоннинг ҳар бир шеърини ўқиётган ҳар қандай инсон шоир бу шеър орқали нима демоқчи? Шеърга асос қилиб олинган фикр нима ўзи, аслида? Унинг ўй-кечинмалари қай ҳолатда тасвирланаяпти? Бу каби саволларга жавоб топишга интилиши зарур.

Она юртимиз бизга жуда кўп буюк шоиру, ёзувчиларни етиштириб берган. Лекин Ҳамид Олимжон кучли шоир, буюк истеъдод эгаси, моҳир драматург, ўткир адабиётшунос, публицист шоир сифатида алоҳида ажралиб туради.

Шоир қисқа умр кўрган бўлса-да, бутун умри мобайнида ёзиб қолдирган шеърлари ҳалигача бизни чин меҳрни, ёшлик, ватан, гўзалликни англашимизда ўзининг бекиёс ўрни ва аҳамиятига эга.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ШЕЪРИЯТИДА МЕТАФОРА

**Моҳидил Низомова, АДУ, филология
факультети 1-босқич талабаси**

“Ҳамид Олимжон нодир истеъдод эгаси. Қонида кўз қорачиғида, тўқсон икки томирида туғма зукколик, шоирона сажия, билгичлик аён”,- деб таъкидлайди шеъриятимизнинг “бобо деҳқони” бўлган Миртемир.

Дарҳақиқат, бахт ва шодлик куйчиси ҳисобланган Ҳамид Олимжоннинг ижодига назар ташлар эканмиз, унинг чиндан ҳам нодир истеъдод соҳиби эканлигига гувоҳ бўламиз. Ўзбек лирикаси тараққиётига улкан ҳисса қўшган шоирлар орасида Ҳамид Олимжон ижоди алоҳида ажралиб туради.

30-йилларнинг ўртасига келиб, Ҳамид Олимжон ижодида “кўнгил лирикаси” намуналарининг пайдо бўлиши билан унинг лирик истеъдоди чаман гуллари сингари очила бошлади. Ҳамид Олимжон шу даврда яратилган энг яхши шеърлари билан ўзбек лирикасига гўзал инсоний туйғу ва кечинмалар, табиат манзаралари тасвирини олиб кирди, ўзбек шеърятининг бадий имкониятларини бойитиб, унга мусиқий латофат ва жозиба бағишлади.

Унинг шеърларида акс этган, воқеликдаги нарсалар орасидаги бизга кўринмаган, бироқ санъаткорнинг ўткир нигоҳи билан илганган ўхшашлик, алоқадорлик орасидаги кўчимлар барчамизни ҳайратга солади ва шу билан биргаликда кишига ўзгача бир завқ бағишлайди. Масалан, шоирнинг қуйидаги сатрларини кўриб чиқсак:

Гул киприги оппоқ,
Бир дуру садафдек.
Лолалар қизарди,
Бир лахча оловдек.

ушбу сатрларда бир қатор ўхшашлик алоқаларини учратамиз. Шоир “Қир қучоғида” номли бу шеърда тонг чоғи қирда очилган гулларга қўнган шабнамни бамисоли дурга, одам кўзини қувонтирадиган қип-қизил лолаларни эса, бир ҳовуч чўғга қиёслайди. Ҳ.Олимжон шеърда табиат манзарасини тасвирлабгина қолмай, унда ўзининг ички ҳис-туйғулари, руҳий кечинмаларини ҳам акс эттиради. Шеърнинг ҳар бир сатрида шоирнинг ҳаётга бўлган муҳаббати яшашга бўлган интилиши, унинг табиатидаги шодлик ҳисси уфуриб туради. У бутун борлиққа муҳаббат кўзи билан боқади ва атрофини қуршаб турган табиат манзарасидан завқ олади. Шунинг учун ҳам шоир оддийгина қир қучоғидаги манзарадан юқоридагича ўхшашликлар кашф этади. Ҳамид Олимжоннинг:

Тунда ой нурини эмас сувлар,
Ялтирар нурлари кумушлардек.

сатрларида тунда ой шуласининг сувга сингиб кетиши ва шу ўринда сув юзасида жилваланган нурлар ялтироқ кумушларга ўхшатилади. Шоир шу аснода сувда кўринган ой аксини ёрнинг

жамолига қиёслайди. Шоир хаёлида севикли ёри сув бўйида худди унга жилмайиб боқиб тургандай туюлади. Бу эса шоир ҳис-туйғуларини уйғотиб юборади ва уни ижод қилишга ундайди.

Гумроҳлардек булутларнинг кўзлари,
Тасбиҳ каби дона-дона ёш тўкди.
Тиланчилар кўйлагидек йиртилди,
Оғочлардан парча-парча япроқлар.

шоир ушбу тўртликда куз манзарасини тасвирлайди, яъни у ёмғир ёғишини, айбдор булутларнинг ёш тўкишига, ёмғир томчиларини эса, тасбиҳ доначаларига қиёслайди. Куз фаслида дарахт баргларининг тўкилиши барчамизга аён ҳодиса, бироқ шоир шохларидан узилиб тушаётган япроқларни тиланчилар кўйлагининг йиртилишига ўхшатади. Шоирнинг юқоридаги ўхшатишлари замирида унинг табиатидаги руҳий тушқинлик аломатини илғаш мумкин.

Ҳ.Олимжон куз манзарасини тасвирлаш орқали, одамзоднинг умри ўтқинчи эканлигини таъкидлайди. У дарахт япроқларини сарғайиб тўкила бошлашини, инсонларни умри поёнига етиб, куч-қувватдан қолиб, нураб бориши билан боғлайди. Шоирнинг ана шундай ўхшатишларини, унинг руҳий ҳолатини, ҳис-туйғуларини англаш, уларнинг маъноларини тушуниб етиш учун ижодкор кечинмаларини юрак-юракдан ҳис қилиш, уни қалб-қўрига кириб бориш керак бўлади.

Ҳамид Олимжоннинг “Севги” деб аталган шеърида ҳам баъзи ўхшашликларни топишимиз мумкин:

Бугдой бошоғидай кўкка интилиб,
Мен шунда тупроқдан кўтараман бош.
Сенинг қонларингдан ўсар қизил гул,
Ёқутга айланар сойлардаги тош.

Шоир ушбу шеърда иккинчи жаҳон урушида нафақат бепоён мамлакатнинг тақдири, балки ошиқ ва машуқалар муҳаббатининг тақдири ҳам ҳал бўлганини айтади. Шеърда тасвирланишича, қизга урушда ҳалок бўлган ёри хотираси куч-

қувват бағишлайди. У ҳам ёри сингари ўлимга тик боқади. Қиз ўзининг ва ёрининг қони беҳуда кетмаслигига ишонади.

Ҳ.Олимжон ҳудди ана шу ҳолатни юқоридаги тўртликда акс эттиради, яъни у қиз кўмилган тупроқлардан буғдойлар униб чиқишини, йигит қони тўкилган ерлардан қизил гуллар униб чиқишини, сойлардаги тошларнинг ёқутга айланишини – вақтлар ўтиб ёруғ кунлар бошланиши, халқ бир умр орзу қилган мустақилликка эришажагини, жангларда шахид кетган фидойи ватанпарварлар хотираси мангу барҳаёт эканлиги билан боғлаган бўлса, не ажаб.

ҲАМИД ОЛИМЖОН

**Исаева Хосият, АДУ, филология
факультети 1-босқич талабаси**

XX асрда ўзбек шеърининг анъанавий аруз вазнидан халқ ижодига хос характерли бармоқ вазнига ўтганида, Чўлпон “Гўзал” сингари сўлим шеърлари билан янги ўзбек лирикасини бошлаб берди. Чўлпондан кейин ўзбек лирикасининг энг яхши намуналари унинг издошлари томонидан яратилди.

Ўзбек лирикаси тараққиётига улкан ҳисса қўшган шоирлар орасида Ҳамид Олимжон ижоди алоҳида ажралиб туради.

Ҳамид Олимжон лирикасининг энг машҳур намуналаридан бири “Ўрик гуллаганда” шеъридир.

Деразамнинг олдида бир туп,
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади.

Шеърнинг бу дастлабки сатрларида шоир ўзига каттик ҳаяжон бағишлаган, ҳатто энг машҳур шеърининг пайдо бўлишига сабабчи бўлган воқеани шундай тасвирлайди. Бу тасвирда шоирни қуршаган ҳис-ҳаяжондан биронта белги ҳам йўқ. Байт, ҳудди газета хабаридек, қуруқ фактнинг қайдидан иборат. Лекин Ҳамид Олимжон шеърининг кейинги бандларида ўрикнинг гуллаб турган манзарасини чизар экан, шоирона латиф образлар ва ифодалардан фойдаланади. Натижада шеърга секин-аста баҳор нафаси кириб кела бошлайди:

Новдаларни безаб ғунчалар,
Тонгда айтди ҳаёт отини.
Ва шаббода қурғур илк сахар,
Олиб кетди гулнинг тотини...

Шоир табиатнинг ана шу ажабтовур манзарасини чизар экан, эрта баҳорда очилган ўрик гулларининг пушти баргчаларини баҳор шабадасида учиб, чор атрофга сочилиши тасвирини моҳирлик билан ифодалайди.

Ҳамид Олимжоннинг лирик қаҳрамони ер билан битта бўлиб сочилиб ётган гул баргчаларни кўриб, нохуш ҳаёлларга берилади. Унинг назарида, гул баргчаларининг куз хазонидек сочилиб ётиши дилга қандайдир ғашлик бағишлайдиган манзарадир. Лирик қаҳрамон “шаббода қурғур” ни олиб қочишига аллақандай шубҳа билан қарайди.

Эҳтимол, Ҳамид Олимжон шу шеърни ёзаётган пайтда мурғак болалик дамлари отасидан жудо бўлганини эслагандир. Ҳар қалай, шоир ҳар баҳорда елларнинг “гул тоти” ни қочишини ҳаёлдан ўтказиб, бундай ёзган:

Майли, дейман ва қилмайман ғаш,
Ҳаёлимни гулга ўрайман;
Ҳар баҳорга чиққанда яккаш,
Бахтим борми, дея сўрайман.

Лирик қаҳрамонни ҳаёжонлантирган, қийнаган саволга нафақат шаббода, балки кушлар ҳам, нафақат кушлар, балки ҳамма нарса “бахтинг бор!” деб роз айтгандек бўлади. Фақат бахтни мақтаган овоз у юрган боғларни тўлдириб юборади:

Мана сенга олам-олам гул,
Этагингга сиққанича ол.
Бунда толе ҳар нарсадан мўл,
То ўлгунча шу ўлкада қол.

Умрида ҳеч гул кўрмай йиғлаб,
Ўтганларнинг ҳаққи бор сенда.
Ҳар баҳорни йиғлаб қаршилаб,
Кетганларнинг ҳаққи бор сенда...

Ана шу тарзда чаман бўлиб очилган ўрик гуллари бахт мавзуси билан тутшиб, катта фалсафий маъно касб этади. Бу шеърда олға сурилган бахт мавзусидан, табиат манзараси тасвиридан ташқари, бизни ўзига жалб этувчи яна бир нарса бор, бу шеърда бадий жозиба бағишлаб турган шакл, мусикий оҳанг ва ёқимли бир руҳдир.

ҲАМИД ОЛИМЖОН

**Севара Ғаниева, АДУ, филология
факультети 1-босқич талабаси**

Биз ёшлар Ҳамид Олимжон адабий меросини ўрганар эканмиз, унинг порлоқ ижод намуналарига дуч келамиз. Ўқувчилик пайтимизда унинг шеърларидан ташқари шеърый услубда ёзилган эртаклари ва тарихий асари “Муқанна”ни севиб ўқиган эдик. Бу асар биз ўқувчилар қалбига узок ўтмишимизни олиб кириб, афсонавий Широқ каби озодлик учун жон фидо қилган аждодларимиз бўлганлиги ҳақида хабар беради.

“Ойгул билан Бахтиёр” эртагини эса биз жуда севиб ўқиганмиз ва унинг бошланғич пролог қисми ҳаммамизга ёд бўлган эди. Ундаги Ойгул каби оддий қизнинг жасорати бизни ҳайратга солса, инсонларнинг оғир ҳаётига ачиниш туйғусини уйғотган ва золим хонга ғазаб, Ойгул каби озодлик курашчиларига хайрихоҳлик туйғулари ёш қалбимизни эгаллаган эди.

Шоирнинг яна бир шеърый эртаги “Семурғ ёки Паризод ва Бунёд” ҳам бизга таниш. Уни болаликда бир эртак сифатида қизиқиб ўқиган бўлсак-да, ҳозирда менга бу эртакда Ҳамид Олимжон яшаган давр одамларини ҳам шу эртак қаҳрамонларига ўхшашлиги бордай туйилади. Эртакдаги маккора ва гўзал малика Паризод учун Бунёд ҳаётининг қизиғи йўқ эди. У Бунёдни ўлиб кетар деган ўйда, унга турмушга чиқиш ва бахтли қилиш ҳақидаги ваъдасини бериб, бир шартини бажарган бўлсада, яна бир оғир шартга – девни ўлдиришга жўнатади. Лекин ўзи Бунёдни кутмай у кетиши билан отасининг вазирига турмушга чикди. Бу ҳолат совет давридаги тенг ҳуқуқли қиламиз деб бойларимизни ҳайдаб, сўнг ўзлари оддий

халқни қаттиқ ишлатгани-ю, деҳқонларга ер бўлиб бериб кейин уни яна қайтариб олганлигига ўхшаб кетади.

Ҳамид Олимжон шеърлари ҳақида ўйласак, унинг шеърларининг баъзиларида замон мавзусини кўришимиз мумкин. Масалан, “Дарё тиниқ, осмон беғубор” шеъридаги бир бандини олайлик:

Айбим йўқдир, гул водийларда,
Бадбинларни хушлай олмасам.
Кўкка караб туриб саҳарда,
Шод ўтарман деб ичсам қасам.

Бу мисраларда унинг ватанимиз гул водийларига келиб олганларни бадбин инсонлар дея таърифлаганини кўрамиз ва унинг тонг пайти “қуним шод ўтади” дея ичган қасами бизнинг бу ёруғ кунларимиздан далолат бўлса не ажаб.

Ҳамид Олимжоннинг кишига завқ бағишлайдиган шеърлари ҳам бир қатор, унинг “Ҳолбуки тун” шеъридаги:

Шағирлайди бетиним дунё,
Шағирлайди ваҳм тўлган жар.

дея тасвирлаганда, бу тунги ҳолатнинг шағирлаши қандай ҳодиса эканлигини билишга интиламиз. Шоирнинг машҳур бир ғазали борки, у дилларни ларзага келтиради. Бу ғазал:

На бўлғай бир нафас мен ҳам яноғинг узра хол бўлсам,
Лабинг япроғидан томган ки гўё қатра бол бўлсам.

байтлари билан бошланувчи ғазалидир. Ҳар бир ғазал шайдоси унинг бу ғазалини юракдан тўлқинланиб айта олади, менимча. “Чимён эсдаликлари” тўплами ҳам шеърият хазинамизнинг бир дуридир. Бу тўпламда тоғлар шундай жонли тасвирланган-ки, уни ўқиган одамнинг ўша тоққа бир чиқиб кўргиси келади. “Роксананинг кўз ёшлари” балладаси уруш даври ҳаётини эсга солиб, юракларни ларзага солса, “Ўзбекистон” шеъри:

Водийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди менда.

каби сатрлари билан тинч ва осойишта Ватан кенгликларини қалбларга олиб киради. “Ватан” номли шеърида эса:

Ҳар айтганим буюк жангнома.
Қайга десанг қайтмай кетурман,
Кўзларимни юммасман асло -
Дарё каби уйғоқ ўтурман.

дея юрагидаги Ватан меҳрини ифодалаган эди, шоир.

Биз Ҳамид Олимжон асарларини ҳозир қанчалик севиб ўқисак, келажак ёшлари ҳам шунчалик ардоқлайди, дея бемалол айтишимиз мумкин. Шоир атиги 35 йил умр кўрса-да, лекин асрларга татиғулик асарлар яратган эди. Унинг ёш кетганлигини юракдан ҳис қилар эканмиз, яна бир армон, агар шоир узоқроқ умр кўрганда янада кўпроқ ва яхшироқ ижод намуналарини яратармиди, деган фикр хаёлимиздан кечади. Ҳар қандай шоирнинг шеърлари қайсидир янги ўқувчисини топар ва унинг юрагига етиб борар экан, ўшандай кунларнинг ҳар бири ана ўша шоирнинг туғилган куни бўла олади.

МУНДАРИЖА

1. “Кечир, кўёлмадим шеъримдан ҳайкал...”	Ҳ.Олимжонова.....	3
2. Ҳамид Олимжон — мангу барҳаёт.	Т.А.Мадумаров.....	8
3. Ҳамид Олимжон ижодида фольклоризм.	С.Мирзаева, Темирова.....	10
4. “Куйгай”	Ҳ.Умуров.....	19
5. Шева ва ономастик бирликлар.	Т.Нафасов.....	22
6. Ҳамид Олимжон ижодида дарё образи.	Й.Солижонов.....	26
7. “Зайнаб ва Омон” поэмасида троп (ўхшатиш)ларнинг услубий хусусиятлари.	А.Шукуров, Ш.Кенжабоев, Б.Қурбонов.....	30
8. “Ойгул билан Бахтиёр” эртақ-достонида озодлик ва ҳурлик ғояларининг талқини.	Д.Нурматова, Ў.Назарова.....	34
9. Талаффуздош сўзлар ва бадиийлик.	В.Нафасова.....	38
10. Ҳамид Олимжон асарларида ўхшатиш санъати.	М.Жўраева.....	40
11. Шева ва шеърият.	О.Тошева, Ё.Жамолова, Ф.Тошпўлатова.....	43
12. Бадиий асардаги исмлар бадиияти.	С.Кенжаева.....	48
13. Чаппор урмоқ ибораси ҳақида бир мулоҳаза.	У.Абдуллаева.....	49
14. Ҳамид Олимжон лирикаси ҳақида айрим мулоҳазалар.	М.Пирматова.....	52
15. Алишер Навоий ва Ҳамид Олимжон.	Ҳ.Дехқонова.....	56
16. Ҳамид Олимжон шеъриятининг бадиияти.	О.Иномиддинова.....	58
17. “Муқанна” драмасининг поэтик хусусиятлари.	Б.Жалилов.....	62
18. Ҳамид Олимжоннинг адабий-танқидий қарашлари.	Б.Раҳмонов.....	65
19. Ҳамид Олимжон шеърларида макон муносабатининг акс эттирилиши.	Ш.Юсупова.....	70
20. Ҳамид Олимжон шеъриятида сўз сехри.	Л.Жалолова.....	73
21. “Ҳолбуки тун...” шеърида поэтик тасвир.	Д.Абдуллаева.....	76

22. Ҳамид Олимжоннинг адабиётшунослик фаолияти. М.Тожибоева.....	79
23. Ҳамид Олимжон асарларида ички зиддиятнинг реаллашувида антонимларнинг функцияланиши.....	82
24. Ҳамид Олимжон шеъриятининг тил хусусиятлари. Д.Матёкубова.....	85
25. Ҳамид Алимжан. З.Касимова.....	87
26. Кремлда олқишланган шоир. Ш.Валиев.....	91
27. Ҳамид Олимжоннинг таржимачилик маҳорати. Ш.Алиева.....	93
28. Ҳамид Олимжон асарларининг ўзига хослиги. М.Алиева.....	97
29. Ҳамид Олимжон ва давр. К.Шаҳобов.....	100
30. Ҳамид Олимжон ижодида ватан ва ёр тимсоли. З.Эшонов.....	104
31. Ҳамид Олимжон ижодида мумтоз шеърият анъаналари. Г.кучакова.....	110
32. Ҳамид Олимжон ижодида диний атамаларнинг қўлланиши. Д.Каримова.....	112
33. Дарё каби уйғоқ шоир. С.Муталипова.....	116
34. Ҳамид Олимжон шеърларида синтактик нормадан оғишнинг кўринишлари. Н.Маҳмудова.....	122
35. Ҳамид Олимжон ва фольклор. И.Камолова.....	125
36. Маҳорат учқунлари (ёхуд Ҳамид Олимжон таржималарига бир назар). З.Раҳмонова.....	127
37. Зайнаб — замондошимиз. М.Абдулҳамидова.....	129
38. Ҳамид Олимжон шеъриятида мумтоз адабиёт анъаналарининг тадрижи. М.Якубова.....	132
39. Ҳамид Олимжон ижодида ватан мавзуси. Г.Дехқонова.....	134
40. Ҳамид Олимжон лирикасида пейзаж. Б.Мирзаев.....	137
41. Ҳамид Олимжон шеъриятида метафора. М.Низомова.....	139
42. Ҳамид Олимжон. Х.Исаева.....	142
43. Ҳамид Олимжон. С.Ғаниева.....	144
44. Ҳамид Олимжоннинг сўз танлаш маҳорати. О.Шарипова.....	146
45. Зулфия шеърларида цитата. Д.Ҳайитова.....	148

46.	Ҳамид Олимжон шеърлятида градация.	
	Д.Қозоқова.....	150
47.	“Ойгул билан Бахтиёр” достонида эртак мотивлари ва улардан чекиниш. З.Йўлдошева.....	152
48.	Ҳамид Олимжон ижодида “болалик” мотиви. Б.Тайпирова.....	154
49.	Ахлоқий ғояларнинг бадий ифодаси. К.Исмадиёров.....	156
50.	Ундалма устида ишлашда Ҳамид Олимжон шеърй асарларидан фойдаланиш. З.Қодирова.....	157
51.	Халқ оғзаки ижоди ва Ҳамид Олимжон. С.Тиллабоева.....	159
52.	Шўро даврида адабиётнинг тарғибот воситаси сифатидаги функцияси. Ш.Ашуров.....	161